ISSN 2181-4589

NAMANGAN
MUHANDISLIK-QURILISH
INSTITUTI

TADQIQOT VA TARAQQIYOT

ILMIY JURNALI

2023 №2(2)

Avtomobil yo'llaridagi innovatsion texnologiyalar va tadqiqotlar

Transport muhandisligi

Taraqqiyot strategiyasi: aqlli shahar, raqamli iqtisodiyot, sun'iy intellekt

Qisqa xabarlar

nammqi_info@edu.uz


Namangan shahar, Islom Karimov ko`chasi 27-uy

ISSN 2181-4589

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

NAMANGAN MUHANDISLIK-QURILISH INSTITUTI

TADQIQOT VA TARAQQIYOT ILMIY JURNALI



2023 №2(2)

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЕ	“SCIENTIFIC JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT”

NAMANGAN-2023

TADQIQOT VA TARAQQIYOT ILMIY JURNALI

2023 yildan nashr etiladi.
Yiliga 6 marta chop qilinadi

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2023 yil 28-fevral № 065979 raqam bilan davlat ro‘yxatidan o‘tgan

TADQIQOT VA TARAQQIYOT ILMIY JURNALI TAHRIR HAY’ATI

Bosh muharrir: Q.M.INOYATOV

Bosh muharrir o‘rinbosari: D.I.MAXKAMOV
Mas’ul kotib: M.M.ERGASHEV

Avtomobil yo‘llaridagi innovatsion texnologiyalar va tadqiqotlar:

Akademik S.S.Negmatov (TDTU “Fan va taraqqiyot” DUK), q.s.f.d., dots. B.K.Duysenbekov (M.Auezov nomidagi JQDU), q.s.f.d., dots. K.S. Dosaliyev (M.Auezov nomidagi JQDU), t.f.n., dots. S.V.Bogdanovich (BMTU), t.f.d., prof. A.A.Ishonxodjayev (TDTrU), t.f.n., dots. A.Ablakulov (TDTrU), t.f.n., dots. I.G‘.G‘aniyev (JizPI), t.f.n., dots. N.A.Ikramov (AndMI), t.f.n., dots. B.M.Tojiboyev (AndMI) t.f.d., dots. R.X.Soliyev (NamMQI), t.f.n., dots. A.X.Xabibullayev (NamMQI), t.f.f.d (PhD). M.M.Ubaydullayev (NamMQI).

Transport muhandisligi:

T.f.d., prof. D.V.Kapskiy (BNTU), t.f.n., dots. Ye.N.Kot (BNTU), t.f.d., prof. M.X.Miralimov (TDTrU), t.f.f.d., dots. S.A.O‘tayev (QarDU), t.f.n., dots. F.X.Baxramov (TerMTI), t.f.f.d (PhD)., dots. M.B.Boydadayev (NamMQI), t.f.n., dots. A.S.Polvonov (NamMQI), p.f.f.d (PhD). J.A.Mannonov (NamMQI), t.f.f.d (PhD). I.G.Akbarov (NamMQI), t.f.f.d (PhD). A.Sh.Nasriddinov (NamMQI), t.f.f.d (PhD). Z.T.Munavvarxonov (NamMQI), t.f.f.d (PhD). G.F.Valiyeva (NamMQI).

Taraqqiyot strategiyasi: aqlli shahar, raqamli iqtisodiyot, sun’iy intellekt:

I.f.d., prof. S.A.Avezbayev (TIQXMMI MTU), i.f.d., prof. O.A.Aripov (NamMQI), t.f.n., dots. I.M.Musayev (TIQXMMI MTU), t.f.f.d (PhD)., dots. Sh.Sh.Jo‘rayev (NamMQI), t.f.f.d (PhD), dots. F.X.Nishonov (NamMQI), t.f.f.d (PhD)., dots. I.G‘.Axmedov (NamMQI), t.f.n., dots. T.M.Jo‘rayev (NamMQI), t.f.n., dots.A.A.To‘xtabayev (NamMQI), t.f.n., dots. A.Dadaxo‘jayev (NamMQI), t.f.f.d (PhD). S.R.Komilov (NamMQI), a.f.f.d (PhD). B.Dedaxanov (NamMQI), t.f.f.d (PhD)., M.A.Madraximov (NamMQI).

Qisqa xabarlar:

T.f.d., prof. A.V.Vavilov (BNTU), t.f.d. R.A.Turayev (O‘zdavyerloyiha DILI), t.f.f.d (PhD)., dots., A.N.Inamov (TIQXMMI MTU), t.f.f.d (PhD)., B.A.Mamurov (NamMQI), t.f.n. S.T.Qodirov (NamMQI), t.f.f.d (PhD). M.X.Dadamirzayev (NamMQI), t.f.f.d (PhD). B.A.Xatamov (NamMQI), t.f.f.d (PhD). Z.X.Isoqova (NamMQI), t.f.f.d (PhD)., dots. Z.N.Mamadjanov (NamMQI), t.f.n., dots.Sh.A.Xalimov (NamMQI), t.f.f.d (PhD). F.F.Sharipov (NamMQI), t.f.f.d (PhD). R.X.Muradov (NamMQI).

Muharrirlar: p.f.f.d (PhD).dots. S.N.Abdullayeva, M.A.Qoriyeva
Texnik muharrirlar: I.Q.Mutalibov, Sh.O.Abdug‘aniyev

MUNDARIJA

	AVTOMOBIL YO‘LLARIDAGI INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VA TADQIQOTLAR	
1	А.И.Хамидов. Қуруқ-иссиқ иқлимининг автомобил йўллар цементобетон қопламалар сифатига таъсири……..……	6
2	С.Хакимов, И.Ахмедов, А.Хамидов. Бетонга киритилган ҳавонинг меъёрий миқдорини таъминлаш муаммолари……..……..	9
3	Ф.Дадаханов, Б.Шаропов, И.Умаров, А.Хамидов. Цементобетон қопламалар учун бетон тайёрлашда тўлдирувчилар сифатига қўйиладиган талаблар……..	13
4	М.Махмудов, Ж.Нуритдинов, Р.Сулайманов, А.Хамидов. Автомобил йўллари цементобетон қопламалар сифатини таъминлаш масалалари……	18
5	Губачёва Л.А,Макарова И.В. Совершенствование логистической системы доставки длинномерных грузов……..……	24
6	С.А.Холмирзаев, А.Р.Ахмедов. Базальт толасида тадқиқот ишларини олиб бориш.....	31
7	Akramov A.X, Ametov R.N, Isakulov B.R, Djurayeva X.F. Yo‘l qurilishida ishlatiladigan betonlarga qo’shiladigan kimyoviy qo‘shimchalar.....	34
8	G.Q.Isakova, I.S. Sodiqov. Asfaltbeton qoplamali avtomobil yo’llarining xizmat muddatini oshirishda mineral kukunlarning ahamiyati……...…….……...	38
9	A.X.Urokov, assistent D.V.Tashev, I.B.Xoshimov. Farg‘ona vodiysi avtomobil yo‘llarida sodir bo‘layotgan yo‘l transport hodisalarini tahlil qilish……...	41
	TRANSPORT MUHANDISLIGI	
10	Н.А.Каланда, М.В.Ярмолич, Е.А.Артюх, С.Гуннар, А.Р.Нормирзаев, М.А.Тухтабаев. Применение ферромолибдата стронция в качестве датчика магнитного поля…….	46
11	Н.А.Каланда, Ю.В.Радюш, О.В.Игнатенко, А.И.Альхименок, А.Р.Нормирзаев, М.А.Тухтабаев, Г.Гулямов. Электроперенос в гранулированных композиционных металлооксидных структурах $YBA_2CU_3O_{7-\delta}$ + X SRBAFEMOO.....	50
12	Н.А.Каланда, М.В.Ярмолич, И.А.Свито, А.Р.Нормирзаев, М.А.Тухтабаев, Г.Гулямов. Магнитное двухфазное состояние в наноразмерном порошке двойного перовскита……	53
13	A.X.Urokov, assistent D.V.Tashev, J.A.Isayev. Avtomobil yo‘llarida harakalanayotgan transport vositalaridan chiqayotgan zaharli gazlarning atrof muhitga ta’siri…….	57
14	G’.N.Narziqulov, V.A. Nikolaevich, M.Q.Narziqulova. Energiya samarador binolarning oddiy binolardan afzalliklari va kamchiliklari (O’zbekiston respublikasi misolida)……..	63
15	N.I.Otabayev. Methodology for determining the fuel consumption rate and environmental indicators of cars under operating conditions…….	65
16	Sh. Xidirov. Who pays what for urban transport.....	67
17	Haydarov N.A, Yusupova Sh. B, M. Kokorich. Polikarboksilatlar va boshqa modifikatorlar asosida kimyoviy qo‘shimchalardan zamonaviy avtomobil yo’llarida betonlarga qo’llash……...……...	76
18	К.Х. Азизов, А.К. Бекетов. Исследования о влиянии выхлопных газов от автомобильного транспорта на окружающую среду вблизи различных участков городских улиц……...……	80
19	Н.Г.Байбобоев, А.А.Хамзаев, Д.З.Матёкубов. Условия захватывания	83

	клубней картофеля и расчет мощности усовершенствованного барабана картофелекопателя……	
	TARAQQIYOT STRATEGIYASI: AQLLI SHAHAR, RAQAMLI IQTISODIYOT, SUN'IY INTELLEKT	
20	B.M. Нигметзянова, Р.Ф. Калимуллин. Применение цифровых технологий на лабораторных занятиях по дисциплинам специализации для студентов автомобильных направлений……..……	91
21	Kambarov M, Botirov B.F. Yo'l harakati qoidalari bo'yicha mashg'ulot o'tkazdigan avtomaydon"ni loyihalash va qurilishini amalga oshirish……..	94
22	SH.R.Boboqulova, A.M.Tologonova, I.Razzakov, H.A.Obidov. Features of cement-based tiles for the corridor ……..	98
23	SH.E.Islomov, U.E.G'aniyev. Ichki yonuv dvigatellarining texnik tavsifnomalarini olish metodikasi ……..……	100
24	Х.Б. Атахонов, А.Р.Устабоев, А.Халилжонов. Шаҳарларни режалаштиришнинг асосий тамойиллари.....	107
25	M.I.Mamasaliyeva, Q.B.Eshmamatov. Transport va logistika innovatsion g'oyalari va texnologiyalari ……..……..	110
26	A.Y.Shodmonov, B.K.Sarsenbayev, A.A.Raxmonov. Qurilish industriyasi korxonalarida marketingni tashkil etish.....	113
27	B.A.Tursunov, E.Shukurullayeva, D.Shukurullayeva, B.K.Sarsenbayev. Ichki yo'llarni betonlashda kimyoviy qo'shimchalarning portlandsement xossalariga ta'sirini o'rganish.....	116
	QISQA XABARLAR	
28	Y.T.Yusupov, F.Sh. Abdullajonov. 5G texnologiyasi asosida yer usti obyektlarini masofadan boshqarishni tashkil etish imkoniyatlari……...	120
29	E.N.Tilavov, N.M.Xasanov, R.Y.Mustafoyeva. Zamonaviy yo'l inshootlarini barpo etishda gipskarton va gips mahsulotining turlari va qo'llanilish tahlili.....	125
30	К. Абдусаматов, Т.Болотов, З.Абралов. Пероксинит чиқиндиси асосида тайёрланган газобетон намуналарида ўтказилган тадқиқотлар.....	127
31	К. Абдусаматов, Д.Лапасов. Чиқиндилардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда айрим дунё тажрибалари.....	131
32	Э.М.Мухаметдинов, С.К.Имомназаров, А.А.Махмудов. Анализ рабочих параметров электромобили в условиях низких температур…….....	135
33	B.Ahmedov. Qurilishdagi innovatsion texnologiyalar va qurilish iqtisodiyotini modernizasiya qilish omillari…….……	138
34	М.Бойдадаев, Б.Акрамов. Велосипеды альтернатива автомобилям…….....	143
35	Z.Isoqova, B.Tumanbayeva. Avtomobil transportning atrof-muhitga ta'sir darajasi.....	146

AVTOMOBIL YO‘LLARIDAGI INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VA TADQIQOTLAR

ҚУРУҚ-ИССИҚ ИҚЛИМИНИНГ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАР ЦЕМЕНТОБЕТОН ҚОПЛАМАЛАР СИФАТИГА ТАЪСИРИ

проф. А.И.Хамидов
(НамМҚИ), (тел.90 214 88 22)

Аннотация. Мақолада қуруқ иссиқ иқлим шароитида автомобил йўллар цементобетон қопламаларини ташкил этишда, сифатига таъсир этувчи турли омиллар масалалари ёритилган.

Аннотация. В статье освещены вопросы влияния различных факторов на качество цементобетонных покрытий автомобильных дорог, возводимых в условиях сухого жаркого климата.

Abstract. The article highlights the influence of various factors on the quality of cement concrete pavements of highways built in dry-hot climates.

Калит сўзлар: қуруқ иссиқ иқлим, автомобиль, йул, қурилиш, цементобетон, қоплама, сифат, плёнка ҳосил қилувчи материал.

Ключевые слова: сухой жаркий климат, автомобиль, дорога, строительство, цементобетон, покрытие, качество, плёнкообразующие материалы.

Keywords: dry hot climate, car, road, construction, cement concrete, coating, quality, film-forming materials

“Қуруқ-иссиқ иқлимда бетон ишларини бажариш бўйича қўлланма» га кўра “Қуруқ-иссиқ иқлим” деганда жазирама ёз кунлари узоқ (100 кундан ортик) давом этадиган, ҳавонинг энг юқори ҳарорати $+40^0$C ва ундан ортадиган, энг иссиқ ойдаги ўртача юқори ҳарорат 29-30 ^{0}C, ҳавонинг нисбий намлиги эса энг иссиқ ойда 50-55% дан кам бўладиган метеорологик шароитлар йигиндиси тушунилади. Яъни қуруқ иссиқ иқлимнинг шароитлари қуйидагилар: йилнинг ёз ойларида қуёш радиациясининг миқдори суткасига 600-800 ккал/см^2, 100 кундан кўп вақт ҳаво ҳарорати 25 ^{0}C юқори, ҳаво намлиги 50% кам, шамолнинг ўртача тезлиги июль ойида 1,2-1,4 м/с га етади. Қуруқ-иссиқ иқлимли худудлар ҳарорат ва нисбий намликнинг сутка давомида катта фарқланиши, қурилиш конструкциялари очиқ юзаларининг кундузлари 60-80^{0}C гача қизиши, тунлари совиши ва бундаги ҳароратлар фарқи 40 ^{0}C дан ортиб кетиши, қуруқ шамоллар эсиши билан хусусиятланади [1].

Қуруқ-иссиқ иқлимли ҳудудларда кундузлари соядаги ҳаво ҳарорати 35-40 ^{0}C, айрим холларда 45^{0}C гача кўтарилиб, ҳавонинг нисбий намлиги 15-20% га камайиб кетади. Бундан ташқари бу ҳудудлар қуёш радиациясининг интенсивлиги, қуруқ шамоллар эсиши, ҳарорат ва намликнинг сутка давомида кескин фарқланиши, ёгингарчиликнинг камлиги билан ҳам ажралиб туради.

Ҳавонинг юқори ҳарорати ва интенсив қуёш радиацияси шамол билан қўшилиб бетон тайёрлаш, уни трансопортга ортиш, ташиш ва ёткизиш пайтида қоришмадаги намликнинг тез буғланиб кетишига сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида бетоннинг қотишида содир бўладиган физик-кимёвий ва механик жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун қуруқ - иссиқ иклимни хисобга олиш катта ахамиятга эга [2].

Қуруқ-иссиқ иқлим бетон тайёрлаш, ташиш, ётқизиш ва парвариш қилишда қийинчиликлар туғдириши ва бетон физик-механик хоссаларига ва чидамлилига салбий таьсир кўрсатиши аниқланган. Бу таъсир конструкциядаги бетон ҳоссаларининг ўзгаришида, бетонда турли дарзларнинг ҳосил бўлишида, деформацияланиш миқдорининг ортиб кетишида кўзга ташланади.

Қуруқ-иссиқ иқлим хусусиятларини эътиборга олмаслик конструкция ва иншоотлар сифатининг кескин пасайишига, ҳаттоки бузилишига олиб келади.

Қуруқ-иссиқ иқлим бетон ишларини бажаришда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради, жумладан [3]:

– бетон қоришмаси ҳароратининг ортиши унинг сув талабчанлигини ошириб юборади;

– ташиш жараёнида бетон қоришмаси оқувчанлигининг кескин камайишига олиб келади;

– янги ётқизилган бетоннинг жадал сувсизланиши оқибатида сиқилишга бўлган мустахкамлигининг ойлик кўрсаткичи 50 % гача камайиб кетади ва бетонинг бошқа физик-механик хусусиятлари ёмонлашади;

– пластик киришишнинг ортиши натижасида қотаётган бетонда дарзлар хосил бўлади ва темир-бетон конструкцияларнинг узоққа чидамлилиги кескин камайиб кетади;

– қуёш радиацияси таъсирида яхлит (қуйма) конструкцияларда ҳароратнинг нотекис тақсимланиши термик кучланиш холатига ва дарзлар хосил бўлишига олиб келади;

– бетон ишларини бажаришдаги қийинчи-ликлар ортиқча ҳаражатларни талаб этади;

– конструкциялар очиқ юзаларининг кучли даврий қизиши (бунда сутка давомидаги ҳароратлар фарқи 40-45 ^{0}C ни ташкил этади) натижасида бетон структурасининг бузилиши, мустахкамлигининг камайиши юзага келади, оқибатда конструкция ва иншоотнинг узоққа чидамлилиги камайиб кетади;

– конструкция юза қатламининг унча катта бўлмаган манфий ҳароратда музлаши ва эриши, бу жараённинг кўплаб марта такрорланиши бетон совуқбардошлигининг юқори даражада бўлишини талаб этади;

– салбий таъсирлар оқибатида бетон структурасининг бузилиши, унинг сув утказувчанлигини ошириб юборади; натижада бетон ва арматуранинг емирилиш жараёни тезлашиб кетади.

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетоннинг мустахкамлиги ва бошқа физик-механик хусусиятлари ҳамда конструкция ва иншоотнинг узоққа чидамлилиги биринчи навбатда материалларни танлашга, бетонни оптимал таркибини қабул қилишга, бетон қотиш шароитига ва бажарилаётган ишлар сифатига боғлиқ бўлади.

Маьлумки ётқизилган бетон қоришмаси цемент клинкери минералларини сув билан гидратацияси натижасида қотади. Ётқизилган бетон қоришмаси цемент гидратацияси учун етарли (бетон қотиш жараёни тугаши) миқдоридаги сувга эга бўлади. Цементнинг сув билан кимёвий боғланиш реакцияси учун цемент массасига нисбатан 20-22 % сув талаб этилади. Лекин амалиётда бетон қоришмаси қулай ётқизувчанлигини таьминлаш учун цемент массасига нисбатан 40-60 % сув қўшилади. Бетон ғоваклари ва капиллярларида, сув юза тортилиши натижасида ушлаб турилади. Шунинг учун бетонда сув кимёвий, физик (адсорбция) ва механик (эркин) боғланган холатда мавжуд бўлади.

Кимёвий реакцияларни нормал ўтиши учун нам мухит талаб этилади. Бу шароитда бетон қотиш жараёнида оптимол тузилиши шаклланиши ва талаб этилган хоссаларга эга бўлиши учун қориштирилган сув буғланишига ёки кераклигидан ортиқчасини буғланишига йўл қўймаслик керак.

Янги ётқизилган бетоннинг сувсизланиш жараёни юқори ҳарорат ва ҳавонинг паст намлигидаги режимларда қотаётган бетонлар учун хосдир.

Янги ётқизилган бетондан қориштирилган сувнинг жадал суръатларда буғланиши бетоннинг физик-механик ва деформатив хоссаларининг ёмонлашуви асосий сабабларидан биридир.

Янги ётқизилган бетондан сув буғланиш кинематикаси ўрганилганда сув бетоннинг қотишининг бошланғич даврида жадал суръатларда буғланади. 6-8 соат ўтганда, яъни бетон қаттиқ каркас тузилиши шаклланганида буғланиш тезлиги пасаяди ва кейинчалик бир хил миқдорга келади.

Бетон сувсизланиш натижасида цементнинг гидратация жараёни пасаяди ёки тўхтаб қолиши ҳам мумкин, бунинг натижасида бетон керакли мустаҳкамликни олмайди.

Қуруқ-иссиқ иқлим шароитида бетоннинг сувталабчанлиги ошиши, цемент сарфини ҳам оширишни талаб этади.

Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ушбу ҳолатда цемент сарфини ошириш эмас, балки камайтириш мақсадга мувофиқдир.

“GP PAPENBURG BAUGESEL-LSCHAFT mbH” пудратчи компанияси томонидан “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” А-380 автомобиль йўлининг 440-490 км да, энг иссиқ кунда ётқизилган цементобетон қопламасида чўкиш деформация (ёриқлар) лари кузатилди [4].

Тасдиқланган рецептурага кўра, бетон қоришмасида цемент сарфи 410 кг/м^3 бўлиши талаб этилади, ёриқлар ҳосил бўлишини олдини олиш учун, цемент сарфи 20 кг га камайтирилди ва 390 кг/м^3 этиб белгиланди.

Ушбу қабул қилинган қарорнинг салбий томонлари – бетонни лойиҳавий мустаҳкамлигига етиш даври узайди. Агар, цемент сарфи 410 кг/м^3 бўлганда бетоннинг лойиҳавий мустаҳкамликка 56-90 суткада таъминланган бўлса, цемент сарфи камайтирилган (20 кг)да, бетон лойиҳавий мустаҳкамлигига 90-180 суткада эришди, бироқ бунда, чўкиш деформациялари пайдо бўлиши олди олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалиётда, цементобетон қопламалар қуришда, қурилишни бутун даврида (йил давомида, ўзгартирмай), тасдиқланган рецептурага риоя қилиш тенденцияси кузатилади. Бу эса, мутлақо нотўғридир.

Бетон таркиби (рецептураси) мавсумий иқлимга мос равишда танланиши керак, яъни: баҳорги, ёзги, кузги ва қишки.

Шунингдек, бетон номинал таркибини, қурилишнинг конкрет шароитларидан келиб чиқиб, доим қайта ҳисоблаш ва корректировка қилиш ҳам мумкин.

Мисол учун, сифатсиз тўлдирувчи ишлатилганда ёки ҳаво ҳарорати пасайганда, цемент сарфини 5-20 кг/м^3 га ошириш мумкин.

Шунингдек, шуни назарда тутиш керакки, бетон қоришмасини ташиш, ётқизишгача ушлаб туриш жараёнида ёйилувчанлиги кескин камаяди, бу эса ётқизиш, зичлаш ва юзасига пардоз бериш жараёнларини мураккаблаштиради.

Юқорида, кўрсатиб ўтилганидек, бетоннинг интенсив сувсизланиши, айниқса юза қисмини сувсизланиши натижасида, унинг мустаҳкамлиги 50% гача пасайиб кетиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, янги ётқизилган бетондан сувнинг буғланиш тезлиги, асосан атроф муҳит ҳарорати ва нимлигига боғлиқ

Россия бетон ва темир-бетон ИТИ (РБТБИТИ-НИИЖБ) маълумотига кўра, шамолнинг бир хил - 4,5 м/сек кўрсаткичида, ҳаво ҳарорати 20^{0}С, нисбий намлик 70% бўлганда, сувнинг буғланиш тезлиги 0,3 кг/(м^2 соат) ни ташкил этади.

Ҳарорат 35^{0}С гача, ҳавонинг нисбий намлиги 30% га ошганда, сувнинг буғланиш тезлиги 4 баробар ошади ва 1,2 кг/(м^2 соат) ни ташкил этади. Бу шароитда, шамол тезлигини 10 м/сек га ошиши, сувни буғланиш тезлигини 2 баробар ошишига олиб келади.

Бетоннинг ҳарорати 60°С га тенг бўлганда, 20°С га нисбатан, сувни буғланиш интенсивлиги 10 баробар ошишига олиб келади.

Қотаётган бетондан сувни интенсив буғланиши, цемент тошининг гидратация механизими ва зич мустаҳкам тузилишини шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, унда

пластик (бошланғич) ва умумий чўкиш жараёнини кескин оширади ва ёриқлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, сувни буғланиши натижасида, бетон юзасига йўналган капилярлар (бир-бири билан туташган ғоваклар) ҳосил бўлади ва унда ғоваклашган тузилиш шаклланади.

Бетонни сувсизланиши, цемент гидратация жараёнларига салбий таъсир этади – гидратация жараёнлари секинлашади ва ҳатто тўхтаб қолиши мумкин, бу эса бетонни мустаҳкамлигини, нормал ҳарорат-намлик шароитда қотаётган бетонга нисбатан, пасайишига (50% ва ундан кўп бўлиши мумкин), асосий физик-механик хоссаларини ёмонлашига ва чидамлилигини кескин камайишига олиб келади.

Бетонни сувсизланиши (қуриши), цементобетон қоплама юзасини пўст ташлашини асосий сабабидир.

Шунингдек, ҳарорати 40°С бўлган қуруқ муҳитда, бетоннинг фильтрацион масса-ўтказувчанлиги, нормал ҳарорат-намлик шароитда қотаётган бетонга нисбатан, 70 баробар кўп бўлиши ҳам, унинг мустаҳкамлик хоссалари ва эксплуатацион характеристикаларига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса. Қуруқ-иссиқ иқлим бетон ишлари технологиясига, бетондан тайёрланган конструкция ва иншоотларнинг узоққа чидамлилигига салбий таъсир этади. Бу таъсир конструкциядаги бетон ҳоссаларининг ўзгаришида, бетонда турли дарзларнинг ҳосил бўлишида, деформацияланиш миқдорининг ортиб кетишида кўзга ташланади. Қуруқ-иссиқ иқлим ҳусусиятларини эътиборга олмаслик автомобил йўллари цементобетон қопламаларини сифатининг кескин пасайишига, ҳаттоки бузилишига олиб келади. Бетонда қориштирилган сувни чиқиб кетишига тусқинлик қилувчи, яъни унда нормал ҳарорат-намлик шароитни яратувчи ҳар қандай тадбир, унинг мустаҳкамлигини ошишга олиб келади.

Адабиётлар:

1. Руководство по производству бетонных работ ва условиях сухого и жаркого климата. Москва, 1977.
2. Р.Х.Сулайманов, А.Хамидов. Проблемы устройства цементобетонных покрытий автомобильных дорог. Фарғона Политехника институти илмий-техника журнали, 2013 йил 1-сон
3. А.Хамидов, Р.Х.Сулайманов. Цементбетон қопламали автомобиль йўлларни сифатини таъминлаш долзарб масалалари. Монография – Тошкент. Lesson press нашриёти, 2020, - 202 бет.
4. “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” А-380 автомобиль йўлининг реконструк-цияси” объекти ҳисоботи

БЕТОНГА КИРИТИЛГАН ҲАВОНИНГ МЕЪЁРИЙ МИҚДОРИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

ўқит. С.Хакимов, доц.И.Ахмедов,
проф.А.Хамидов (НамМҚИ)
(тел.90 214 88 22)

Аннотация. Бетон қоришмасига ҳавони киритишнинг асосий мақсади музга чидамлилигини ошириш, қопламанинг юза қисмини тузга чидамлилигини ва турғунлигини таъминлашдир. Мақолада бетон ыоришмасига киритилган ҳавонинг меъёрий миқдорини таъминлаш муаммолари ва уни ечими масалалари ёритилган.

AVTOMOBIL YO‘LLARIDAGI INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VA TADQIQOTLAR

Аннотация. Основная цель введения в бетонную смесь воздухововлекающих добавок повышение морозостойкости, обеспечения стойкости и стабильности к солям. В статье освещены проблемы обеспечения нормативного количества воздуха, введеного в бетонную смесь и вопросы его решения.

Abstract. The main purpose of introducing air-entraining additives into a concrete mixture is to increase frost resistance, ensure resistance and stability to salts. The article highlights the problems of ensuring the standard amount of air introduced into the concrete mixture and the issues of its solution.

Калит сўзлар: автомобиль йул, қурилиш, цементобетон, қоплама, бетон қоришмаси, ҳаво, ғоваклар, қўшимчалар, сув-цемент нисбати, музга чидамлилик.

Ключевые слова: автомобильные дороги, строительство, цементобетон, покрытие, бетонная смесь, воздух, поры, добаки, водо-цементное отношение, морозостойкость.

Keywords: highways, construction, cement concrete, coating, concrete mixture, air, pores, additives, water-cement ratio, frost resistance.

Бетон қоришмасига ҳавони киритишнинг асосий мақсади – навбатма-навбат музлаш ва эриш шароитида, унинг музга чидамлилигини ошириш, шунингдек, қопламанинг юза қисмини тузга чидамлилигини ва турғунлигини таъминлашдир. Қўшимчаларни қўллаш, бетонни юзасини бузилишга қаршилик кўрсатиш қобилиятини яхшилайди. Лекин, бетон қоришмасида ҳавотортувчи қўшимчаларни қўллаш, бетон мустаҳкамлиги бетонга киритилган ҳаво ҳажмига пропорционал равишда камаяди.

Давлатлараро ГОСТ 26633-2012 “Оғир ва майдазаррачали бетонлар. Техник шароитлари” нинг Б п Б18 иловасига асосан, бетон қопламасида пластификациялайдиган ва ҳавотортувчи қўшимчаларни бир вақтнинг ўзида қўллаш кўрсатиб ўтилган. Б.1.11 пунктига асосан, бетон қоришмасига киритилган ҳаво аралашмаси ҳажми 6 ± 1% тенг бўлиши керак [1].

Тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳар бир киритилган ҳаво фоизига мос равишда, умумий йўқотилиши: сиқилишга бўлган мустаҳкамлик 3-5.5%, эгилишдаги чўзилишга бўлган мустаҳкамлик 2-3% тенг бўлиши мумкин.

Маълумки, ҳаво киритилиши механизми – бетон қоришмасини аралаштириш босқичида ҳаво киради, қўшимчалар эса қоришмани аралаштиришда ҳосил бўлган ҳаво пуфакчаларини турғунлигини оширади. Бунда, қоришмадаги ҳаво тортилади ва кичик ўлчамдаги пуфакчаларни диспергация қилади. Тўлдирувчи фазовий тўсиқни таъминлайди ва аралаштириш жараёнидаги ҳаво пуфакчаларини фиксация қилади (муайян ҳолатга маҳкамлаб қўяди).

Шундай қилиб, ҳавотортувчи қўшимчалар киритилиши, қўшимчасиз қоришмага нисбатан, ҳаво пуфакчалар миқдорини ошишини таъминлайди ва уларнинг ўлчамини кичрайтириб, уларни бетонда сақланишига кўмаклашади.

Бетонда, киритилган ҳаво ҳисобига, ўлчамлари 0,05…1мм. чегарасида, алоҳидаги ғоваклар оралиғи 0.25 мм гача бўлган эркин фазовий ғовакли ҳажм шаклланади. Бу ғоваклар, сув билан туйинган ҳажмини музлаши натижасида ҳосил бўладиган босимга қаршилик кўрсатади.

Музлашда, ортиқча сув барча йўналишларга сиқиб чиқарилади, лекин асосан гидравлик қаршилик кам бўлган томонга кўпроқ йўналади. Бу жараён “гидравлик босим гипотезаси” деб аталади.

Гипотезага асосан, бетон бузилишига, ҳосил бўлган муз эмас, балки, бетонни чўзилишдаги критик мустаҳкамлигидан ошувчи, капиллярлардан сиқиб чиқарилган сув босими сабаб бўлади.

Демак, бетонга ҳавотортувчилар киритишдан асосий мақсад – музлашда сув сиқиб чиқарилиши мумкин бўлган кўп сонли майда пуфакчлар тизимини ҳосил қилишдир.

Таъкидлаш лозимки, бетоннинг музга чидамлилиги асосан музлаш вақтида сув билан туйинганлик даражасига боғлиқ.

Олиб борилган тадқиқотлар, шуни кўрсатмоқдаки, критик даражадан паст бўлган сув билан туйинган ғоваксиз бетон юқори музга чидамлиликга эга, қуруқ бетон эса умуман бузилмайди. Шунингдек, эътибор бериш керакки, сув билан туйинган намуналарни лаборатория синовларида музга чидамлилиги аниқланганда, маълум бўлдики барча ғоваклар сув билан тўлмайди, бунинг натижасида намуналар биринчи музлашдаёқ бузилмайди [2].

Табиий шароитда қотаётган бетон қориштирилган сувни йўқотади, бироқ уни қайта намлаганда, йўқотган сув миқдорида сувни шима олмайди.

Ҳавотортувчи қўшилмалар бетон қоришмасидаги цементнинг боғланиш (тутиб қолиш) муддатларига таъсир этмайди, лекин, улар ҳосил қилган ҳаво пуфакчалари (1 $см^3$ цемент хамиридаги миқдори чорак миллионга тенг), қоришма ҳаракатчанлигини оширади, бетон технологиясига ижобий таъсир этади: осон ташилади, ташишда қатламланмайди, яхши қолипланади.

Бетон қоришмадаги ҳаво сув ажраб чиқиш ва қатламланиш хавфини камайтиради. Қаттиқ фазани ажраши вертикал бўйича жойлашган ва сув билан тўлган каналар ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

Бетон қоришмасига киритилган ҳаво, ташишда ва зичлашда сеграция (йирик зарраларни бўлиниши) хавфини камайтиради, лекин бу усулни қоришмани қатламланишини тўла олдини оладиган асосий усул деб бўлмайди.

Қўшимчалар киритилиши натижасида таркибида ҳаво бўлган бетон қоришмаси қийин пардозланади, чунки у қуюқлашади (боғланиш яхши бўлади) ва кам сув ажратади.

Лекин, бундай қоришмалар ишлатилганда, махсус мосламалар ёрдамида пардозлаш операцияларини осонлаштириш мумкин. Шунингдек, сув ажраб чиқиш хавфи камайиши сабабли бундай оперциялар соддалашади, бетон юзаси эса чидамлироқ бўлади.

Бетон қоришмасига тайёрлашда ҳаво киритилишини тартибга соладиган омилларни вариация қилиш имконияти технологик жиҳозлар, материаллар ва иш шароити билан чекланган бўлса, қуйидагилар билан уларни тартибга солиш мумкин:

- аралаштириш режими оптималлаштириш;
- киритиладиган ҳавотортувчи қўшимчалар оптимал миқдорини аниқлаш;
- йирик ва майда тўлдирувчилар орасидаги нисбатни тўғри танлаш.

Бетон қоришмасини аралаштириш вақтини ошириш, унга киритиладиган ҳавотортувчи қўшимчаларга нисбатан, ҳаво ҳажмини оширишга самарали таъсир қилиши амалиёт билан тасдиқланган. Бироқ, назарда тутиш керакки, аралаштириш вақтини ошириш, дастлаб ҳаво киритилиш ҳажмини оширади, кейинчалик қоришмани ҳаракатчанлиги камайиши ҳисобига уни камайишига олиб келади.

Бетон қоришгмасини аралаштириш давомийлиги максимумга етганда, ҳавотортувчи қўшимчалар миқдорини ошириб, киритиладиган ҳаво ҳажмини ошириш мумкин.

Ҳавотортувчи қўшимчалар миқдори ошиши, бетонга киритиладиган ҳаво миқдорини ҳам ошишига олиб келади. Кўпчилик ҳавотортувчи қўшимчалар учун бу нисбат параболик характерга эга. Бироқ, қўшилган ҳавотортувчи қўшимчалар миқдори ва ҳаво киритиш даражаси орасидаги нисбат (боғлиқлиги) қатъий эмас

Цементобетон қопламалар қурилиши амалиёти шуни кўрсатамоқдики, стандарт билан белгиланган бетон қоришмасига киритиладиган ҳаво меъёрини стабил таъминлаш мураккаб, чунки у кўплаб омилларга боғлиқ.

Мисол учун, киритилган ҳаво миқдорига, бетон қоришмаси ҳаракатчанлиги таъсир этади, қоришмани чўкиш конуси қанчалик катта бўлса, ҳаво миқдори ҳам ошади.

Ҳавотортувчи қўшимчалар цемент хамирида, цемент-қум қоришмасига нисбатан ҳаво киритилишига таъсири унчалик катта эмас.

Цементнинг кимёвий таркиби ҳам ҳаво киритилиши жараёнига таъсир этади. Ишқорлик даражаси юқори бўлган цементлар, ишқорлиги паст бўлган цементларга нисбатан, кўпроқ ҳавони тортади. Шунинг учун, бундай турдаги цементлар ишлатилганда ҳавотортувчи қўшимчаларни камроқ қўшиш талаб этилади.

Тўлдирувчини максимал ўлчамлари ошиши, бетондаги ҳаво ҳажмини камайиши аниқланган.

Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар, 0,14 дан 0,63 мм гача ўлчамли тўлдирувчилар фракцияси ҳаво киритилиши даражасига катта таъсир кўрсатиши аниқланган. Бундан ташқари, заррачалар ўлчами 0,07 дан 0,15 мм гача бўлганда, киритиладиган ҳаво ҳажмига таъсир этмаслиги, 0,07 мм дан кичик бўлганда ҳаво киритилишига тусқинлик қилиши аниқланган. Чунки, ўлчами 0,07 мм дан кичик бўлган тўлдирувчилар ишлатилганда, бетон қоришмасига ҳаво киритилишини сустлаштириб, қўшиладиган ҳавотортувчи қўшимчалар миқдорини 3-4 баробар оширишни талаб этади.

Ифлосланган қум ишлатилганда ҳам қоришмага қўшиладиган ҳавотортувчи қўшимчалар миқдорини кескин оширишни талаб этади.

Таъкидлаш лозимки, қум ҳаво киритилишига таъсир этадиган асосий омиллардан биридир, шунинг учун унинг биржинслилиги ва тозалигини назорат қилиш ўта муҳимдир.

Баъзида, қумнинг турли хусусиятларини, бетон қоришмасига киритиладиган ҳаво миқдорига таъсирини изоҳлаш қийин, ва баъзи ҳолларда бошқа кондаги қумларни ишлатиб бу муаммони ҳал қилиш мумкин.

Кузатишлар асосида таъкидлаш мумкинки, бетон қоришмасидаги ҳаво миқдорини ўзгариб туриши асосий сабабларидан бири - турли сифатли ва гранулометрик таркибли шағал ва қумни ҳар-хил карьерлардан олиниши, шунингдек йирик ва майда тўлдирувчилар нисбатини тез-тез ўзгартирилиши.

Бетон қоришмаси ҳарорати ҳам ҳаво миқдорига таъсир этади, у қанчалик юқори бўлса, қоришмадаги ҳаво оз бўлади.

Шунингдек, эътибор бериш керакки, бу таъсир юқори ҳаракатчан бетон қоришмаларда кузатилади, чўкиш конуси 4 см кичик бўлган қоришмаларда ҳарорат ўзгариши, ҳаво миқдорига таъсир этмайди.

Вибраторлар ёрдамида зичлаш ҳаво миқдорини камайтиради, чунки бунда, йирик пуфакчалар бирлашади ва ҳаво миқдори кескин камаяди.

Таъкидлаш лозимки, лаборатория шароитларида аниқланган ҳаво миқдори, ишлаб чиқаришдаги, қоришмани ётқизишдаги талаб этилган ҳаво миқдорини амалий таъминлаш мумкин эмас.

Шунинг учун, бериладиган қоришма таркиби рецептида, лабораторияда аниқланган ҳавотортувчи қўшимчалар сарфи, ишлаб чиқариш шароитларида талаб этилган ҳаво миқдорини таъминлаш учун корректировка қилиниши керак

Демак, талаб этилган ҳаво миқдорини таъминлаш учун ҳавотортувчи қўшимчалар сарфи сув-цемент (С/Ц) нисбати, қоришмадаги қум ва унинг зарравий таркиби ва бошқа омилларга мос равишда ўзгартирилиб туришлиши керак [3].

1-жадвал.

Музга чидамлилик маркаси бўйича С/Ц кўрсаткичлари [4].

Ҳисоб усули бўйича	Музга чидамлилик маркаси бўйича С/Ц кўрсаткичлари		
	100	200	300
Г.И.Горчаков	0,52	0,46	0,43
О.В.Кунцевич	0,5	0,45	0,42
ЕКБ-ФИП	0,6	0,58	0,5
Г.В.Несветаев	0,67	0,55	0,39

Ўртача	0,57	0,51	0,43

Цементобетон қопламали йўл қурилишида,йўл бетонни учун ГОСТ 26633-2012 стандарти талаблари, С/Ц ≤ 0,45 бўйича доим таъминланади, лекин киритилган ҳаво миқдори даражасини (6±1 % чегарасида) доим стабил таъминлаш мураккаб.

Бетон қоришмасига киритилган ҳаво таъсирини камайтирмаган ҳолда, таъкидлаш лозимки, талаб этилган музга чидамлилик бўйича маркасини (С/Ц) нисбатни ўзгартириб таъминлаш мумкин. Бу фикрни олиб борилган тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди.

Бу маълумотлар, «Ғузор-Нукус-Кунғирот-Бейнеу» А-380 автомобил йўлининг реконструкцияси» объектида цементобетон қопламали йўл қурилишида ўз тасдиғини топди [5].

Бунда, ҳаво ҳажми энг кам 2-3% чегарасида бўлган участкадан бир неча марта олинган кернлар синови, бетонни музга чидамлилик бўйича маркаси F100 дан кам эмаслигини кўрсатади.

Хулоса. Шундай қилиб, ҳавотортувчи қўшимчалар киритилиши, қўшимчасиз қоришмага нисбатан, ҳаво пуфакчалар миқдорини ошишини таъминлайди, уларнинг ўлчамини кичрайтириб, уларни бетонда сақланишига кўмаклашади ва бетонни музга чидамлилигини оширади.

Адабиётлар.

1. ГОСТ 26633-2012 “Оғир ва майдазаррачали бетонлар. Техник шартлари”.
2. А.Хамидов, Р.Х.Сулайманов. Цементбетон қопламали автомобиль йўлларни сифатини таъминлаш долзарб масалалари. Монография – Тошкент. Lesson press нашриёти, 2020, - 202 бет.
3. A.I.Xamidov. Qurilish materiallari va buyumlari. Darslik. Toshkent: Lesson press nashriyoti, 2023, 377 b.
4. А.Хамидов, Н.Шарибаев. Қуруқ иқлим шароитида эксплуатация қилинадиган йўл қурилиши учун цементобетонларнинг оптимал таркибини танлаш ва физик - механик хоссаларини тадқиқ қилиш. Монография - Тошкент Lesson press нашриёти,, 2023, - 156 бет.
5. “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” А-380 автомобиль йўлининг реконструк-цияси” объекти ҳисоботи.

ЦЕМЕНТОБЕТОН ҚОПЛАМАЛАР УЧУН БЕТОН ТАЙЁРЛАШДА ТЎЛДИРУВЧИЛАР СИФАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

ўқит.Ф.Дадаханов, Б.Шаропов,
И.Умаров, проф.А.Хамидов
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(тел.90 214 88 22)

Аннотация. Автомобил йўллари учун цементобетон қопламаларда ишлатиладиган компонентларни тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Мақолада тўлдирувчилар сифатига, стандартларга асосан қўйиладиган талаблар келтирилган, тўлдирувчилар етказиб бериш учун тайёрловчи ташкилотларни танлаш, тўлдиувчилар сифати талабларга мос келишини аниқлаш масалалари ёритилган.

Аннотация. Правильный выбор компонентов для цементобетонных покрытий автомобильных дорог имеет большое значение. В статье приведены требования к качеству заполнителей согласно стандартов, освещены вопросы выбора предприятий,

поставляющих заполнители и определения соответствия требованиям качества заполнителей.

Abstract. The correct choice of components for cement concrete pavements of highways is important. The article provides requirements for the quality of aggregates in accordance with standards, shows the issues of choosing enterprises supplying aggregates and determining compliance with the quality requirements of aggregates.

Калит сўзлар: автомобил йўллари, стандартлар, цементобетон, қоплама, бетон таркиби, қум, шағал,тўлдирувчи, сифат, сертификат, назорат.

Ключевые слова: автомобильные дороги, стандарты, цементобетон, покрытие, состав бетона, заполнитель, песок, гравий, качество, сертификат, контроль.

Keywords: highways, standards, cement concrete, coating, concrete composition, aggregate, sand, gravel, quality, certificate, control.

Бетон қоришмаси учун тўлдирувчиларни талаб этилган сифатини таъминлашда таъминловчи (қум-шағал ишлаб чиқарувчи корхона) ни тўғри танлаш ва шартномани сифатли расмийлаштириш катта ахамиятга эга.

Таъминловчини танлашда, биринчи навбатда, материалларни тўхтовсиз ва талаб этилган сифатда етказиб бера олишини ҳисобга олиш керак.

Мувофиқлик сертификати бўлиши, бетон қоришмани ишлаб чиқариш учун тўлдирувчи яроқлилигини билдирмайди. Бунинг учун, дастлаб сертификацион синовларни, қабул қилиш ва даврий синовлар (охирги ойда) протоколларини тахлил қилиш талаб этилади [1].

Сертификацион синовлар, қабул қилиш ва даврий синовлар протоколлари бўлмаслиги мувофиқлик сертификати тўғрилиги ва тўлдирувчи сифати хақида шубҳа ўйғотади.

Сифат бўйича хужжатларни синчиклаб тахлил қилингандан сўнг, назорат экспресс-текшируви ўтказиш тавсия этилади, бу ишларга имкон бўлса, бетон таркибини аниқловчи лабораторияни жалб қилиш керак [2,3].

Таъминловчини танлашда, бетон таркиби ГОСТ 27006-86 талабларига мувофиқ, конкрет тўлдирувчи учун аниқланганлиги ва турли таъминловчилар материалларини аралаштириш бетон қоришмаси кўрсаткичларини ўзгартириши (кўпинча салбий томонга) мумкинлигини ҳисобга олиш лозим [4].

Бир неча таъминловчилар томонидан, тўлдирувчилар етказиб бериши муқарар бўлса, масалани, лаборатория билан биргаликда ўтказилган синов натижаларига кўра хал қилиш керак.

Шартнома лойиҳасини тайёрлашда, ГОСТ 8267-93 [5] ва ГОСТ 8736-93 [6] га асосан олинган шағал ва қум, йўл қоплама бетони учун яроқсиз бўлиши мумкинлигини назарда тутиш керак. Чунки, стандартга асосан, бу материалларнинг ишлатилиши бўйича сифат характеристикалари кенг диапазонда бўлиши мумкин.

Шунинг учун, шартнома тузишда, етказиб бериладиган қум учун ГОСТ 8736-93 ва шағал учун ГОСТ 8267-93 стандартлардан ташқари, ГОСТ 26633-2012 «Оғир ва майда заррачали бетонлар. Техник шартлар» стандарт бўйича бетон учун ишлатиладиган тўлдирувичларга қуйилган талабларни албатта ҳисобга олиш зарур [7].

Тузиладиган шартномаларда, сифатсиз материаллар етказиб берилганда, томонлар ҳаракатини аниқ белгилаш жуда муҳимдир.

Тўлдирувчилар ҳар бир партияси сифатини доимий назорат қилиш, сифатсиз материалларни етказиб берилиши ва уларни ишлатилишини олдини олиш мақсадида ўтказилади. Кириш назоратини амалга ошириш учун ташкилот буйруғига асосан маъсул шахсни тайинлаш ва унга тегишли ваколат бериш керак.

Материаллар сифати кириш назоратида, ҳар бир партияда етказиб берилган тўлдирувчилар сифати хақида хужжатни (паспорти) текшириш, хужжатда кўрсатилган

маълумотларни тахлил қилиш, кўздан кечириб ва хужжатларга солиштириб материаллар сифатини хужжатларга мослигини аниқлашни ўз ичига олади.

Материаллар стандарт талабларига мос эмаслигини аниқлаганда, масалани ечимини топиш учун, тезда ўзининг раҳбарияти ва таъминловчини огоҳлантириш керак

Таъкидлаш лозимки, мувофиқлик сертификати ҳар бир партиянинг сифатини кафолатламайди, фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун шароитлар мавжудлигини тасдиқлайди.

Паспорт эса, етказиб берилган конкрет партияни сифатини тасдиқлайдиган хужжатдир.

Белгиланган қоидаларга кўра, ҳар бир транспорт бирлик (вагон, автомобиль), белгиланган тартибдаги сифат хақидаги хужжат (паспорт), материалга стандар билан таъминланган бўлиши керак.

Сифат хақидаги хужжат ёки паспорт, таъминловчини техник назоратга масъул шахс томонидан ўтказилган қабул қилиш ва даврий синовлар протоколлари асосида тўлдирилади

Материалга паспорт бўлмаган ҳолда, у ишлаб чиқарувчи ТНБ (ОТК) дан ўтмаган ҳисобланади ва унинг сифати кафолатланмайди. Етказиб берилган материал партиясига паспорт бўлмаган ҳолда ёки материал сифатига ишонч бўлмаганда, назорат синовлари натижаларини олгунга қадар, материаллар алоҳида, махсус ажратилган жойда сақланади

Материалга сертификат ва паспорт бўлганда ҳам, кўрсатилган маълумотларни ШНК талабларига ва визуал кўздан кечириш натижаларига мослигини таҳлил қилиш тавсия этилади.

Объект олди омборга етказиб берилган материал сифатсиз бўлса ёки назорат текширув натижалари салбий бўлганда, бундай материаллар қабул қилинмаслиги керак

Алоҳидаги холатларда, яъни техник ва иқтисодий нуқтаи назардан, лабораторияни тавсиясига кўра, қўшимча тадбирлар (ифлословчи аралашмалардан тозалаш, ювиш ва б.) ўтказиб ёки цемент сарфини ошириб, қайта қабул қилиш ёки материалларни бошқа мақсадларда ишлатиш мумкин.

Кириш назорати натижалари, албатта, номерланган, шнурланган ва Бошпудратчи томонидан муҳрланган кириш назорати журналида қайд этилиши талаб этилади.

Шартнома тузишда, қумни номини тўғри идентификациялаш (табиий, майдаланган, майдалашда олинган, майдалангандан сўнг бойитилган ва фракцияланган) ва талаб этилган асосий параметрлари (синфи, гуруҳи, йириклик модули) кўрсатилган бўлиши керак.

Эътибор бериш керакки, майдалаш-сортификациялаш ускуналарда қум-шағал аралашмасидан, табиий карьерлардан олинган қумлар бир ҳил “табиий қум” деб номланади.

Уларни “ювилган” ёки “майдаланган” деб номлаш нотуғри. Чунки, ГОСТ 8736-93 га асосан, “майдаланган қум” бу қоя тоғ жинслари ёки шағалдан, махсус майдалаш-сортификациялаш ускуналарда тайёрланган қумдир (қум-шағал аралашмасидан эмас).

Шунингдек, ГОСТ 31424-2010 «Чақиқ тош ишлаб чиқаришда зич тоғ жинсларини майдалаб олинган норуда қурилиш материаллари» [8]. давлатлараро стандартга асосан, тоғ жинслари, шағал ва санг тошларидан чақиқ тош ишлаб чиқариш жараёнида олинадиган қум “майдалашда элаб ажратиб олинган қум” деб номланади.

1-жадвал. қумнинг зарравий таркиби

Қумнинг гуруҳлари	Йириклик модули $М_{йир}$	0.63мм кўзли элакда қолган тўлиқ қолдиқ , (масса бўйича, % да)
Ўта йирик	3 - 3.5	65 – 75
Йирик	2.5 - 3	45 – 65

Ўрта	2 – 2.5	30 – 45
Майда	1.5 – 2	10 – 30
Ўта майда	1 – 1.5	10 гача

Махсус ускуналар ёрдамида зарравий таркиби яхшиланганда, қум “майдалашда элаб бойитилган қум” деб номланади.

Табиий ёки сортификациялаш ускуналаридан фойдаланиб олинган қум, фракцияларга бўлинганда (мисол учун, 2,5-5 мм, 1,25-2,5мм ва б.) қум “фракцияланган қум” деб номланади.

Бундан ташқари, қумнинг зарравий таркибига кўра, йириклик бўйича ГОСТ 8736-93 п.4.3.1 га асосан гуруҳларга ажратилади:

Шартномада, бетон таркибини ГОСТ 27006-86 «Бетонлар. Таркибини танлаш қоидалари” стандарти асосида ҳисобланган қумнинг конкрет гуруҳи кўрсатилган бўлиши керак.

Шартнома тузишдан олдин, етказиб бериладиган қумнинг кимёвий таркиби хақида маълумот сўралиши керак, чунки бетон учун қўлланиладиган қум цемент ишқорларининг кимёвий таъсирига чидамли (ГОСТ 8736-93 п.4.4.3) бўлиши талаб этилади.

Таъминловчи ташкилот истеъмолчига геологик қидирув ишлари асосида (ГОСТ 8736-93 п.4.4.6) аниқланган қуйидаги маълумотларни етказиши керак:

- зарарли компонентлар ва аралашмалари мавжуд бўлган жинслар ва минералларнинг минерал-петрографик таркиби;
- бўшлиқлиги;
- органик аралашмалар мавжудлиги;
- қум зарраларининг хақиқий зичлиги.

Шунингдек, юқорида кўрсатилган маълумотларни, материалларни етказиб беришда тузиладиган шартномадан олдин талаб этилиши керак.

Табиий радионуклидлар солиштирма эффектив фаоллиги $А_{эфф}$ миқдорига нисбатан (ГОСТ 8736-93 п.4.4.8) ишлатилади:

2-жадвал.

Табиий радионуклидлар солиштирма эффектив фаоллиги

$А_{эфф}$ – йўл қурилиши учун аҳоли яшайдиган территорияси чегарасида	370 дан 740 Бк/кг гача
$А_{эфф}$ - йўл қурилиши учун аҳоли яшайдиган территорияси чегарасидан ташқарисида	740 дан 1500 Бк/кг гача

Стандартда, шунингдек, 0.63мм кўзли элакда қолган тўлиқ қолдиқ, (масса бўйича, % да) меъёрланган (ГОСТ 8736-93 п.4.3.3, 2-жадв.), шунингдек 10.5 мм дан йирик ва 0.16 м дан кичик зарралар миқдори (ГОСТ 8736-93 п.4.3.4, 3-жадв.) кўрсатилган.

Қумдаги чангсимон, гилли зарралар ва қумоқланган гиллар миқдори (ГОСТ 8736-93 п.4.4.1,4-жадв.) стандартда кўрсатилган миқдордан (массаси бўйича, % да) ошмаслиги керак.

Йириклик модули	**Тўла қолдиқ, %, элаклар тешиклари ўлчамлари, мм**				
	2,5	**1,25**	**0,63**	**0,315**	**0,14**
1,5 дан 2,0 гача	10 гача	5 дан 10 гача	20 дан 30 гача	35 дан 65 гача	80 дан 85 гача
2,0 дан 2,5 гача	10 дан катта	10 дан 25 гача	30 дан 65 гача	65 дан 80 гача	85 дан 90 гача
2,5 дан 3.0 гача	10 дан	25 дан	55 дан	80 дан	90 дан

	20 гача	45 гача	70 гача	90 гача	95 гача
3,0 дан 3,5 гача	20 дан 30 гача	45 дан 55 гача	70 дан 60 гача	90 дан 100 гача	100

Қумда ифлослайдиган аралашмалар (ГОСТ 8736-93 п.4.4.9). бўлмаслиги керак.

Автомобиль йўлларнинг бетон қопламаси ва асосида ишлатиладиган қумнинг оптимал зарравий таркиби жадвалда келтирилган кўрсаткичларга мос бўлиши керак (ГОСТ 26633-2012 п.Б.1.9) :

Қум ишлаб чиқарувчи ва буюртмачи омборида, ифлосланишидан ҳимояланган шароитда сақланиши керак (ГОСТ 8736-93, п.7.1) .

Тўлдирувчи ишлаб чиқарувчи корхона, етказиб бериладиган қумнинг ҳар бир партиясини, белгиланган шаклдаги сифат хақидаги хужжат билан таъминлаши керак (ГОСТ 8736-93 п.5.13).

Шунингдек, қум сифатини кириш назорати хақидаги хужжат тўла бўлиши учун, шартномада, етказиб бериладиган қумнинг сифат кўрсаткичларига қўшимча қуйидаги маълумотлар киритилиши керак:

- йириклиги 10.5мм дан катта ва 0.16 мм дан кичик заррачалар миқдори:
- ифлословчи аралашмалар миқдори (ГОСТ 8736-93 п.4.4.9);
- қумнинг зарравий таркиби (ГОСТ 26633-2012 п.Б.1.9);
- зарарли компонентлар ва аралашмалари мавжуд бўлган жинслар ва минералларнинг минерал-петрографик таркиби;
- бўшлиқлиги;
- органик аралашмалар мавжудлиги;
- қум зарраларининг хақиқий зичлиги.

Хулоса. Автомобил йўллари учун цементобетон қопламаларда ишлатиладиган компонентларни тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Тўлдирувчиларни талаб этилган сифатини таъминлашда таъминловчини тўғри танлаш ва шартномани сифатли расмийлаштириш зарур.

Сертификацион синовлар, қабул қилиш ва даврий синовлар протоколлари бўлмаслиги мувофиқлик сертификати ва тўлдирувчи сифати талаб даражасида эмслигини билдиради.

Сифат бўйича хужжатларни синчиклаб тахлил қилингандан сўнг, назорат экспресс-текшируви ўтказиш тавсия этилади, бу ишларга имкон бўлса, бетон таркибини аниқловчи лабораторияни жалб қилиш керак.

Таъминловчини танлашда, бетон таркиби ГОСТ 27006-86 талабларига мувофиқ, конкрет тўлдирувчи учун аниқланганлиги ва турли таъминловчилар материалларини аралаштириш бетон қоришмаси кўрсаткичларини ўзгартириши (кўпинча салбий томонга) мумкинлигини ҳисобга олиш лозим.

Материаллар сифати кириш назоратида, ҳар бир партияда етказиб берилган тўлдирувчилар сифати хақида хужжатни (паспорти) текшириш, хужжатда кўрсатилган маълумотларни тахлил қилиш, кўздан кечириб ва хужжатларга солиштириб материаллар сифатини хужжатларга мослигини аниқлашни ўз ичига олади.

Шартнома тузишда, қумни номини тўғри идентификациялаш (табиий, майдаланган, майдалашда олинган, майдалангандан сўнг бойитилган ва фракцияланган) ва талаб этилган асосий параметрлари (синфи, гуруҳи, йириклик модули) кўрсатилган бўлиши керак. Сифатли тўлдирувчилар қўллаб талабга жавоб берадиган бетон тайёрлаш мумкин.

Адабиётлар.

1. А.Хамидов, Р.Х.Сулайманов. Цементбетон қопламали автомобиль йўлларни сифатини таъминлаш долзарб масалалари. Монография – Тошкент. Lesson press нашриёти, 2020, - 202 бет.

2. Р.Х.Сулайманов. Стандартларни амалий қўллаш долзарб масалалари ва цементбетон қопламали автомобиль йўлларни сифатини таъминлаш. Қўлланма. Тошкент. 2018 й.

3. А.Хамидов, Н.Шарибаев**.** Куруқ иқлим шароитида эксплуатация қилинадиган йўл қурилиши учун цементобетонларнинг оптимал таркибини танлаш ва физик -механик хоссаларини тадқиқ қилиш.

Монография - Тошкент Lesson press нашриёти,, 2023, - 156 бет.

4. ГОСТ 27006-86 Бетонлар. Таркибини танлаш қоидалари

5. ГОСТ 8267-93. Қурилиш ишлари учун зич тоғ жинсларидан олинган чақиқ тош ва шағал. Техник шартлари.

6. ГОСТ 8736-93. Қурилиш ишлари учун қум. Техник шартлари.

7. ГОСТ 26633-2012 «Оғир ва майда заррачали бетонлар. Техник шартлар»

8. ГОСТ 31424-2010 «Чақиқ тош ишлаб чиқаришда зич тоғ жинсларини майдалаб олинган норуда қурилиш материаллари».

АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ ЦЕМЕНТОБЕТОН ҚОПЛАМАЛАР СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

маг. М.Махмудов, ўқит. Ж.Нуритдинов,
Р.Сулайманов, проф.А.Хамидов
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
(тел.90 214 88 22)

Аннотация. Мақолада қуруқ иссиқ иқлим шароитида автомобил йўллар цементобетон қопламаларини ташкил этишда таъсир этувчи турли омиллар ва уни сифатини таъминлаш бўйича тавсия этиладиган тадбирлар масалалари ёритилган.

Аннотация. В статье освещены вопросы влияния различных факторов на качество цементобетонных покрытий автомобильных дорог, возводимых в условиях сухого жаркого климата и рекомендации по обеспечению качества покрытий**.**

Abstract. The article presents the influence of various factors on the quality of cement concrete pavements of highways built in dry, hot climates and recommendations for ensuring the quality of pavements.

Калит сўзлар: Куруқ иссиқ иқлим, автомобиль, йул, қурилиш, цементобетон, қоплама, сифат, плёнка ҳосил қилувчи материал.

Ключевые слова: Сухой жаркий климат, автомобиль, дорога, строительство, цементобетон, покрытие, качество, плёнкообразующие материалы.

Keywords: Dry hot climate, car, road, construction, cement concrete, coating, quality, film-forming materials

Қуруқ-иссиқ иқлим бетон тайёрлаш, ташиш, ётқизиш ва парвариш қилишда қийинчиликлар туғдириши ва бетон физик-механик хоссаларига ва чидамлилига салбий таьсир кўрсатиши аниқланган. Бу таъсир қопламадаги бетон ҳоссаларининг ўзгаришида, бетонда турли дарзларнинг ҳосил бўлишида, деформацияланиш миқдорининг ортиб кетишида кўзга ташланади.

Ўзбекистон жануби, Сурхандарё вилоятида қурилган ва эксплуатация қилинаётган цементобетон қопламаларни кўздан кечирилганда, улар 2-3 йил эксплуатациясидан сўнг, айниқса ёз кунлари қурилганлари, капитал таъмирга муҳтожлиги аниқланган [1,2].

Бетоннинг нормал намлигини ушлаб турувчи ёки сувсизланишини олдини олувчи хар қандай тадбир унинг мустаҳкамлигини оширади. Шунинг учун қуруқ-иссиқ иқлимда, яьни ётқизилган бетон парваришига алохида эьтибор қаратиш керак ва шу билан бирга қуёш радиациясидан бетон қотишини тезлатиш учун фойдаланиш катта ахамиятга эгадир.

Қуруқ иссиқ иқлимда бетоннинг талабдаги сифатини таъминлаш учун, бетон қоришмасини тайёрлаш, ташиш, ётқизиш, зичлаш ва парвариш қилишни шундай методларини танлаш керакки, улар уни сувсизланишини минимумга келтирсин.

Россия бетон ва темир-бетон ИТИ (НИИЖБ) маълумотига кўра, цементнинг ҳарорати, бетон қоришма ҳароратига унчалик таъсир этмайди [3].

Мисол учун, цементнинг ҳароратини 10^0C га пасайтириш, бетон ҳароратини атига 1^0C пасайтиради ҳолос, сув ҳисобига эса 3^0C гача, тўлдирувчи ҳисобига 7^0C гача ҳарорати пасаяди.

Ҳаво ҳарорати 40°C гача ва паст нисбий намликда, бетон қоришмаси ҳароратини, тўлдирувчиларни совитилган сув билан намлаш, аралаштиргичга узатиётганда совуқ ҳаво пудаш орқали 20... 25°C гача пасайтириш мумкинлиги аниқланган. Шу мақсадда, қоришмага ёки сувга муз қўшиш ҳам тавсия этилади.

Айрим олимлар томонидан [4] бетон қоришма иссиқ бўлганда (ётқизишдан олдин иситилганда), ёки тез қотувчи цемент ишлатилганда, унда гидратация жараёнлари тезлашиб, бетон юзасида, қоришма сувини буғланишга тусқинлик қиладиган қобиқ хосил бўлиши хақида фикр билдирганлар.

Қуруқ иссиқ иқлимда бетон қоришмасини аралаштириш вақтини 30-50% га ошириш тавсия этилади. Бунда, дастлаб бетонқоргичга тўлдирувчи юкланади, ҳисобдаги сувни 2/3 қисми қуйилади ва 1-2 минут давомида аралаштирилади. Сўнг цемент, сувни қолган қисмини ва қўшимчалар қўшиб 3 минутгача аралаштирилади.

Бундан ташқари, алоҳида таъкидлаш лозимки, бетон қоришмасини оддий транспортда, ташишга белгиланган муддатдан кўпроқ вақт сарфланса (мъёр бўйича Ўзбекистонда бетон қоришмасини ташиш вақти 30 минутгача белгиланган) ёки ётқизишдан олдин кўпроқ вақт ушлаб турилса, унинг ҳаракатчанлигини пасайишига ва сифатсиз зичланишига, оҳир-оқибат конструкцияга ётқизилган бетоннинг сифатига ва чидамлилигига салбий таъсир этади.

Автомобиль йўллари қурилишида цементобетон қопламалар ташкил этишда, асосий технологик операциялардан бири бу - қотаётган бетоннинг ташқи массаалмашувини камайтириш, яъни янги ётқизилган бетонни сувсизланишини олдини олишдир [4].

Қуйилган ва зичланган бетон талаб этилган мустаҳкамликка белгиланган муддатда етишиши учун, уни тўғри парвариш қилиш керак. Бетон қуйилгандан кейин биринчи кунларда уни парваришлаш айниқса муҳимдир, акс ҳолда бетон сифати пасайиб кетиши мумкин, кейинчалик синчиклаб парвариш қилинса ҳам аввалги ҳолатига келтириб бўлмайди.

Янги ётқизилган бетонни, сувсизланишини олдини олиш учун парвариш қилиш, мураккаб ва нисбатан қиммат технологик операциядир.

Янги ётқизилган бетонни парвариш қилиш турли усуллари мавжуд.

Афсуски, ҳозиргача қуруқ иссиқ иқлимда, янги ётқизилган бетонни парвариш қилишни энг кенг тарқалган усули - бу сув сепадиган машиналар ёрдамида бетоннинг очиқ юзасига сув сепишдир. Бу усулда, сув сепиш бетон ётқизилгандан 3-4 соат ўтгандан сўнг бошланади (яъни бетонда асосий деструктив жараёнлар бошлангандан сўнг). Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар ва амалиёт тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, қуруқ иссиқ иқлимда, бу усулни қўллаш мутлақо мумкин эмас. Юзаси 50-70°C ҳароратгача қизиб турган, қотаётган бетонга, нисбатан совуқ сувни сепиш кўп ҳолларда “термик зарба” келтириб чиқаради, бу эса бетоннинг тузилишини бузади ва физик-механик хоссаларига

салбий таъсир этади. Сув сепилгандан сўнг, бетон юзаси ҳарорати 15-20°С га кескин пасаяди, лекин тезда (20-30 минут давомида) олдинги даражага кўтарилади. Қотаётган бетон тузилишида зўриқишлар ҳосил бўлиб, унинг юзасида дарзлар ҳосил бўлишига олиб келади [5].

Шунинг учун, СНиП Ш-15-76 [6] ва бошқа меъёрий хужжатларда, қотаётган бетоннинг очиқ юзасига сув сепиш тақиқланади.

Шунингдек, қурувчилар кўп қўлайдиган усул бу узлуксиз намлаш усули – конструкцияларнинг очиқ юзасини нам ушлайдиган материаллар (қум қатлами, ёғоч қипиқлари, сомон бўйра, қоп-қанордан тикиладиган мато ва б.) билан қоплаб 7 кун мобайнида 3 маротабадан ҳўллаб туриш. Бу усул кўп меҳнат талаб этадиган, қурилиш жойига материалларни етказиш зарурияти билан боғлиқ, ишларни механизация қилиш мумкин эмаслиги ва сув тақчиллиги бўлган жойларда ишлатиш мумкин эмаслиги билан хусусиятланади.

Амалиётда, янги ётқизилган цементобетон қопламалар юзасини сувсизланишдан ҳимоялаш учун сув ўтказмайдиган полимер плёнкалар қўлланилмоқда. Бу усул ҳам камчиликлардан ҳоли эмас – плёнкаларни бетон юзасига бостириб қуйиш (шамолда учиб кетмаслиги учун) талаб этади. Сув ўтказмайдиган ва қуёш радиациясига турғун хусусиятларга эга, ҳимоя учун ишлатиладиган плёнкаларни саноат етарли даражада ишлаб чиқармаяпти.

Янги ётқизилган цементобетон қопламалар юзасини сувсизланишдан ҳимоялаш учун қўлланилаётган усулларни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, энг самарали усуллардан бири бу плёнка ҳосил қилувчи материаллардир. Улар бетонни нам юзасига сепилганидан сўнг, тезда полимеризацияланиб яхлит, бетон юзаси билан яхши адгезияга эга плёнка ҳосил қилади.

Илк бор, Россияда 1937-1938 йилларда, янги ётқизилган бетонни ҳимоялаш учун, нисбатан самарали сувли битум эмульсияси ишлатилган. 1953 йилда В.М.Москвин ва Ф.И.Ивановлар [7] томонидан таклиф этилган лак-этинол қурилишда кенг қўлланилган. Кимё саноатини тез суръатлар билан ривожланиши натижасида, синтетик смолалар (кумарон, инден-кумарон ва б.), синтетик каучук, хлорирланган каучук, стирол ратификацияси чиқиндилари ва шу кабилар асосида янги плёнка ҳосил қилувчи материаллар қурилишда қўллана бошланди.

Йўл қурилишида, плёнка ҳосил қилувчи материал сифатида, нефтни қайта ишлаш маҳсулоти, синтетик смола, пигмент ва эритувчи асосида тайёрланган ПМ-86 ва ПМ-100А маркадаги помароль ишлатилмоқда [8].

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган плёнка ҳосил қилувчи материаллар таркибига, эритувчилар сифатида, кучли токсик органик бирикмалар киради. Таркибида органик эритувчилар мавжудлиги учун, уларни янги ётқизилган бетон юзасига тезда сепиш мураккаб ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши талаб этилади. Шунингдек, плёнка ҳосил қилувчи материаллар қуриши натижасида эритувчилар буғланиб атроф муҳитни ифлослайди. Кўпчилигини ранги қора бўлиши ва тез алангаланувчи эритувчилар мавжудлиги, уларни қуруқ иссиқ иқлимда ишлатилишини чеклайди. Шунинг учун, ривожланган давлатларда, охирги йилларда, плёнка ҳосил қилувчи материаллар сифатида сувли таркибларни ишлатиш тенденцияси кузатилмоқда.

В.В.Шнейдерова (НИИЖБ) [9] ўтказган тадқиқотлар, сувли эритмали ёки сувли дисперсияли плёнка ҳосил қилувчи материалларни самарали эканлигини тасдиқламоқда.

АҚШ да бетон парвариши учун, буғ ўтказувчанлик даражаси паст бўлган, полимер акрил асосидаги сувдисперсияли плёнка ҳосил қилувчи таркиблар ишлаб чиқилган. "Протекс" америка фирмаси, пигмент сифатида икки оксидли титан ишлатилган, оқ рангдаги сувдисперсияли LY-13 самарали плёнка ҳосил қилувчи суюқлик ишлаб чиқарилмоқда [10].

Францияда бетонни сувсизланишдан яхши ҳимоялайдиган - "ANTISOL-E" маркадаги оқ рангдаги сувдисперсияли таркиб маълум [11].

"Монтекатини-Эдисон" Италия фирмаси томонидан, янги ётқизилган бетонни парвариши учун ҳавода тез қотадиган, сувда эритиладиган алкид бўёқлар рецептураси ишлаб чиқилган [12].

Россияда сувда эрийдиган алкидлар асосида МФ-17 (мочевино-формадьдегид смоласининг сувли эмульсияси) таркиб таклиф этилган [13]. Бироқ, бу таркибдаги қопламалар, плёнка ҳосил қилиш хусусияти, ёқимсиз ҳиди ва пигметланиши мураккаблиги бўйича талабларга жавоб бермайди.

Шунингдек, Россияда, янги ётқизилган бетон юзасини сувсизланишдан ҳимоялаш учун "Пигмент" ЛНПО ва ВНИИГИМ билан биргаликда, СКС-ЗОШР бутадиен-стирол латекси асосида Э-КЧ-47 сувдисперсияли бўёқ ишлаб чиқилган [14]. Бу бўёқни камчилиги - сувга турғунлиги паст, оксидланиши, ишлаб чиқаришда атроф муҳитни ифлосланиши.

Қуруқ иссиқ иқлимда, амалиётда бетон парвариши учун қўлланилаётган парафин асосидаги ёки сув-полимер дисперсли плёнка ҳосил қилувчи суюқликлар етарли самара бермайди. Чунки уларни янги ётқизилган бетон юзасига дарров сепиб бўлмайди (ҳаво ҳарорати ва намлигига қараб 0.5-2 соатдан кейин). Шунингдек, плёнка ҳосил қилувчи суюқликларни бетон юзасига сепилгандан сўнг плёнкани шаклланиши ҳам секин кечади (2-5 соат).

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бир қатор илмий текшириш институтлари томонидан тадқиқотлар олиб борилишига қарамай, ҳозиргача, қурувчилар талабига тўла жавоб берадиган самарали плёнка ҳосил қилувчи таркиблар етарли ишлаб чиқилмаган.

Б.А.Крылов раҳбарлигида (В.В.Шнейдерова, А.Хамидов ва б.) сувэритмали (1034356-сонли авт.гувоҳнома) [15] ва сувдисперсияли (1043980-сонли авт.гувоҳнома) [16] плёнка ҳосил қилувчи композициялар ишлаб чиқилган.

Плёнка хосил қилувчи таркибларни бетон мустаҳкамлигига таъсири

Бетон намуналарининг сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги (t=40°C ва намлик φ =30%)						
Парвариш учун материаллар	Бетонни сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги, МПа, сут.					
	1	2	3	7	28	90
ВРК	13,3	17,3	21,1	26,3	31,0	32,1
ВДК	14,5	18,5	21,3	26,4	30,5	31,3
Э-КЧ-47 бўёғи	13,5	17,8	20,9	25,7	29,1	29,4
ПМ-100А - помароль	14,0	17,5	20,1	25,2	29,4	30,2
Полиэтилен плёнкаси	14,2	17,1	20,8	24,6	29,1	30,2
Намланган қум қатлами	13,4	18,1	20,4	24,2	28,4	30,1
Парвариш этилмаган	13,3	16,3	18,1	20,9	23,7	24,2

Бетонни сиқилишига бўлган мустаҳкамлигига композицияларни таъсир этишини аниқлаш учун тадқиқотлар ўтказилган [17]. Бунинг учун ДАСТ талаби асосида материаллар олиб цемент маркаси 400, ўлчами 150x150x150 мм бўлган куб намуналари тайёрланди ва вибростолда зичланиб, бир партия намуналар юзасига СО-71А бўёқ пурковчи ёрдамида сувэритмали (ВРК), сувдисперосияли (ВДК) плёнка ҳосил қилувчи

композициялар, Э-КЧ-47 бўёғи, ПМ-100А помароль таркиби сепилди (композициялар сарфи 300-400 г/м^2). Намуналар бир партияси устига полиэтилен плёнка қопланди. Композициялар сепилган барча намуналар партияси климатик камерага (t=40°C ва намлик φ =30%) жойланди. Намуналар камераларда 1,2,3,7,28 ва 90 сутка ушлаб турилгандан сўнг гидравлик прессда синалди. Эталон сифатида намланиб (5 кун давомида 4 маҳалдан сув пуркаб турилди) турилган 3-4 см қалинликдаги қум остидаги намуналар кўрсаткичлари қабул қилинган. Бетон мустаҳкамлиги М300.

Жадвалдан кўриниб турибтики, плёнка ҳосил қилувчи композициялар, Э-КЧ-47 бўёғи, ПМ-100А помароль ва полиэтилен плёнка остидаги намуналар кўрсаткичлари стабил ва лойиҳа мустаҳкамликка эга. ВРК композицияси остидаги намуналар кўсаткичи нисбатан юқорилиги сабаби, композиция бетон юзасига, қолипланилиб бўлгандан сўнг дарров сепилгани, қолганларда плёнка ҳосил қилувчи таркиблар 10-15 минутдан сўнг сепилган. Қум қатлами остидаги намуналар етарли мустаҳкамликка эга бўлмади, бироқ 90 кун ичида лойиҳавий мустаҳкамликка эришди. Парваришсиз намуналарда, лойиҳа мустаҳкамликка нисбатан, мустаҳкамлиги 79% ни ташкил этди, бу кўрсаткич нисбатан юқори бўлишига қарамай, унинг тузилиши ўрганилганда, жисми бўйича намуна юзасига йўналган микро ёриқлар мавжуд, бундай бетон бузилишга мойил ва шунинг учун чидамли эмас деб таъкидлаш мумкин. Ундан ташқари, Ўзбекистон иқлим шароитини энг жазирама кунларида 1-2 ҳафтадан кейин бузилади.

Бетон ётқизилгандан кейин биринчи соатларда уни парваришлаш айниқса муҳимдир, акс ҳолда бетон юзасида пластик чўкишлар хосил бўлиб, бетон мустаҳкамлигини пасайтирувчи дефект тузилишига эга бўлиши мумкин, кейинчалик синчиклаб парвариш қилинса ҳам аввалги ҳолатига келтириб бўлмайди.

Мазкур шароитда, дастлаб, плёнка ҳосил қилувчи суюқликларни сепишдан олдин, намликни 1-4 соат ушлаб турувчи, намлик депрессорини қўллаш талаб этилади (депрессорни янги ётқизилган бетон юзасига дарров сепиш мумкин).

“Қарши - Шахрисабз - Китоб” 4Р79 автомобиль йўл объектининг 0-10 участкасини капитал таъмирлашда [18], янги ётқизилган бетон нотуқима полотно (ватин) ва полиэтилен плёнка билан қопланган, бу усул яхши самара берган.

Мазкур мақола муаллифлари, янги ётқизилган бетон парвариши учун фақат полиэтилен плёнка ўзини, гидрофил материалсиз (қоп-қанордан тикилган мато, паролон, ватин ва ш.к) ишлатилишига қарши. Чунки, плёнка остидаги бетон қотиш жараёнда, унинг юзасида ҳосил бўлган коденсацияланган сув, бетон юзасини ғоваклаштириб, унинг сифатига салбий таъсир этади .

Шунингдек, “Қуруқ иссиқ иқлим шароитида қотаётган бетон парвариши учун полимер плёнкаларни қўллаш бўйича қўлланма” да [19] ҳам, иссиқ жазирама кунларда қўшимча технологик тадбирлар – бетон юзасини гидрофил материаллар (паролон, ватин, ёғоч қипиғи ва ш.к) билан қоплаш кўрсатиб ўтилган.

Хулоса. Қуруқ-иссиқ иқлим, бетон тайёрлаш, ташиш, ётқизиш ва парвариш қилишда қийинчиликлар туғдириши ва бетон физик-механик хоссаларига ва чидамлилига салбий таьсир кўрсатиши аниқланган. Бу таъсир қопламадаги бетон ҳоссаларининг ўзгаришида, бетонда турли дарзларнинг ҳосил бўлишида, деформацияланиш миқдорининг ортиб кетишида намоён бўлади. Қуруқ иссиқ иқлимда бетоннинг талабдаги сифатини таъминлаш учун, бетон қоришмасини тайёрлаш, ташиш, ётқизиш, зичлаш ва парвариш қилишни шундай методларини танлаш керакки, улар уни сувсизланишини минимумга келтирсин ва қоплама сифатини таъминласин.

Адабиётлар.

1. Р.Х.Сулайманов, А.Хамидов. Проблемы устройства цементобетонных покрытий автомобильных дорог. Фарғона Политехника институти илмий-техника журнали, 2013 йил 1-сон.
2. А.Хамидов, Р.Х.Сулайманов Цементбетон қопламали автомобиль йўлларни сифатини таъминлаш долзарб масалалари. Монография. Тошкент. Lesson press нашриёти, 2020, - 200 бет.
3. И.Б.Заседателев, Е.И.Богачёв. массообмен с внешней средой при твердении бетона в воздушно-сухих условиях. Бетон и железобетон, 1971, №8.
4. Крылов Б.А., Хамидов А. Роль плёнкообразующих покрытий в сохранении влаги бетона на ранней стадии твердения. В кн. Труды расширенного заседания секции “Тепло-массо перенос в процессах твердения материалов на основе вяжущих веществ” научного Совета Госкомитета по науке и технике, Грозный, 1983 год.
5. А.Хамидов, М.Мухитдинов, Д.Хамидов. Особенности технологии бетонных работ в условиях сухого и жаркого климата при использовании плёнкообразующих покрытий. Монография - Ташкент Издательство Lesson press, 2019 йил.
6. СНиП Ш-15-76 Бетонные и железобетонные конструкции монолитные.
7. В.М.Москвин, Ф.И.Иванов Защита твердеющего бетона от высыхания. Гидротехническое строительство. 1953 г. Журнал №11.
8. Э.Р.Пинус, Г.Н.Фабрикантов. Плёнкообразующие материалы для ухода за дорожным бетоном. Бет он и железобетон. Москва, 1977, №7.
9. В.В.Шнейдерова. Лакокрасочные покрытия для.Труды ВЗПИ. Москва, 1980 г.
10. США фирма "Протекс". Воднодисперсная плёнкообразующая жидкость LY-13, 1972.
11. Франция "ANTISOL-E" - плёнкообразующий состав для ухода за свежеуложенным бетоном. 1981.
12. Р.Уллман, С.Вегангер. Рецептура растворимых алкидных красок. 1972.
13. Авт.свидительство №256589.
14. В.А.Рылов, Т.А.Леонович. Воднодисперсная краска Э-КЧ-47 для ухода за свежеуложенным бетоном. Лакокрасочные материалы и их применение. Москва,1979, №3.
15. Авт.свидительство №1034356 Водорастворимая композиция (Б.А.Крылов, В.В.Шнейдерова, А.Хамидов и др.).
16. Авт.свидительство №1043980 Воднодисперсная композиция (Б.А.Крылов, В.В.Шнейдерова, А.Хамидов и др.).
17. A.Xamidov, N.Sharibaev**.** Quruq iqlim sharoitida ekspluatatsiya qilinadigan yo‘l qurilishi uchun sementobetonlarning optimal tarkibini tanlash va fizik - mexanik xossalarini tadqiq qilish. Monografiya - Toshkent Lesson press nashriyoti, 2023,-156 bet.
18. “Қарши - Шахрисабз - Китоб” 4Р79 автомобиль йўл объектининг капитал таъмири” объект ҳисоботи.
19. “Қуруқ иссиқ иқлим шароитида қотаётган бетон парвариши учун полимер плёнкаларни қўллаш бўйича қўлланма”.Тошкент, 2007 йил.

AVTOMOBIL YO‘LLARIDAGI INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VA TADQIQOTLAR

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЛОГИСТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ ДОСТАВКИ ДЛИННОМЕРНЫХ ГРУЗОВ

Д.т.н., профессор Губачёва Л.А.
(ФГБОУ ВО ЛГУ им. Владимира Даля)
Д.т.н., профессор Макарова И.В. (НЧИ (филиал)
ФГАОУ ВО КФУ) (kamivm@mail.ru)

Аннотация. В статье рассмотрены особенности перевозки и обеспечения безопасности транспортировки длинномерного контейнера в полуприцепе для сложных дорожных погодных условий. Предложена методика составления специальных карт безопасности движения автопоезда по маршруту в зависимости от различных метеоусловий, включающая тягово-скоростной расчет, геометрический расчет вписывания автотранспортного средства в поворот и расчет скорости движения автомобиля на маршруте.

Abstract. The article discusses the features of transportation and ensuring the safety of transportation of a long container in a semi-trailer for difficult road weather conditions. The method of drawing up special safety maps of a road train along the route, depending on various weather conditions, is proposed, including traction and speed calculation, geometric calculation of the vehicle entering into a turn and calculation of the speed of the car on the route.

Ключевые слова: крупногабаритные тяжеловесные грузы, маршрут, затраты, грузовой автомобиль.

Keywords: bulky heavy loads, route, costs, truck.

Введение. В силу технических особенностей, сфер применения и регламентированных правил перевозки различных грузов на автомобильном транспорте с учетом условий безопасности движения установлены габаритно-весовые ограничения транспортного средства, перевозящего груз. Разработанные ограничения дают возможность отнести транспортные средства с грузом или без груза к так называемым крупногабаритным и (или) тяжеловесным (превышающим ограничения хоты бы по одному из имеющихся параметров) [1]. Во всех странах Европы и мира перевозки крупногабаритных грузов сопровождаются специальными требованиями и правилами.

Состояние проблемы.

Вопросам организации эффективной и безопасной перевозки крупногабаритных грузов посвящены многочисленные научные исследования. В статье [2] рассмотрен алгоритм выбора подвижного состава для перевозки грузов. Статья [3] посвящена выбору транспортных средств для перевозки сборных железобетонных конструкций, путем сравнения автомобильного транспорта общего назначения и специализированного транспорта.

Для повышения конкурентоспособности, безопасности и устойчивости российской транспортной системы, а также качества обслуживания на транспорте необходимо оптимизировать перевозки крупногабаритных грузов за счет применения специальной техники нового поколения, совершенствования маршрутизации с помощью современных компьютерных технологий, что даст экономический и социальный эффект не только компании-перевозчику, но и экономике страны в целом [4], [5]. При этом необходимо учитывать основные особенности перевозки крупногабаритных и тяжеловесных грузов и риски, возникающие при их перевозке [6].

Перевозка крупногабаритных грузов связана со строительством или модернизацией газо- и нефтеперерабатывающих заводов, когда требуется транспортировка оборудования [7]: при этом приходится выполнять тягово-динамические расчеты и подбирать специализированную подъемно-транспортную технику большой грузоподъемности.

Аналогичные проблемы возникают при перевозке и перегрузке лопастей ветровых энергоустановок [8] и секций башни ветрогенератора [9], которые также требуют тщательного выбора подвижного состава и маршрута перевозки. Необходимость в перевозке негабаритных грузов в Республике Беларусь вызвана с принятым курсом на строительство атомной электростанции, модернизации и обновления промышленного, строительного и сельскохозяйственного комплексов, в связи с чем авторы статьи [10] анализируют особенности организации логистических операций для транспортировки таких грузов.

Поскольку растет актуальность проблемы перевозки негабаритных грузов, в седельных автопоездах используют современные конструкции опорно-поворотных устройств, что снижает риск возникновения ДТП и повышает уровень безопасности при перевозке [11]. Так, например, один из ведущих китайских автопроизводителей грузовиков, компания CIMC («C&C trucks»), создала на базе грузовиков модели U480 для этих целей узкоспециализированные автомобили, где лопасти турбин вставляются, наподобие ложки в стакан, а не укладываются на платформу. Благодаря специальной системе крепления, такие грузовики, которые сами по себе имеют длину почти 7 м и весят 10 тонн, могут перевозить одну лопасть ветрогенератора более 50 метров длиной и весом до 12 тонн, а механизм гидравлики, обеспечивает массивной лопасти амортизацию во время транспортировки. Кроме того, при проезде через населенные пункты для защиты домов, линий электропередач и деревьев, устройство может поворачивать лопасть вперед или назад, поднимать почти вертикально или укладывать параллельно дороге [12].

Добиться повышения проходимости автопоезда можно также путем увеличения числа приводных колес, что достигается применением в его составе активного прицепного звена. Авторы статьи [13] считают, что одним из направлений дальнейшего исследования является синтез рационального закона управления системой привода полуприцепа. Устойчивость и управляемость многозвенных транспортных средств (МТС) — автопоездов с прицепами и полуприцепами — важные их свойства и составляющие безопасности движения. Та, в статье [14] доказана работоспособность и эффективность предложенного метода повышения устойчивости автопоездов при экстренном торможении в повороте и отказе тормозной системы прицепных звеньев методами имитационного моделирования. Методами теории функционального анализа авторами статьи [15] установлены условия обеспечения минимальной ширины габаритного коридора при совершении маневра длиннобазным многоосным автопоездом (имеющим всеколесное рулевое управление) с полуприцепом. Для повышения маневренности таких автопоездов выполнена оптимизация их основных геометрических параметров на стадии проектирования.

Планирование маршрута и контроль перевозки крупногабаритного и тяжеловесного груза на автомобильном транспорте посредством действия разрешительной системы, необходимо выполнять с учетом обеспечения безопасности дорожного движения и сохранности искусственных инженерных сооружений (мостовые сооружения, железнодорожные переезды, путепроводы и др.). Авторы исследования [16] считают, что применение цифровых технологий должно существенно облегчить выполнение перевозки сверхнормативных грузов без нарушений.

Постановка задачи исследования.

Основной задачей исследования является эффективность организации и безопасность своевременной доставки длинномерного груза автопоездом, в частности в 40-ка футовом контейнере, в сложных дорожных условиях (спуск, поворот, подъем) и при различных метеоусловиях.

Обеспечение безопасного движения предлагается путем формирования специальных карт по маршруту следования для разных дорожных покрытий в

зависимости от погодных условий (влажно, сухо, гололёд), методика пользования которыми основана на известных расчетах предельных скоростей по условиям заноса и бокового опрокидывания на спусках, подъёмах и кривых участках пути, включая:

- рациональную укладку груза и крепление на подвижном составе;
- тягово-скоростной расчет (расчет динамического фактора автомобиля на передачах);
- расчет геометрического вписывания автотранспортного средства в поворот;
- расчет скорости движения автомобиля на маршруте: расчет ограничения скоростей движения при заносе, расчет ограничения скоростей по условиям опрокидывания, расчет коэффициента безопасности подвижного состава автотранспортного средства.
- составление специальной карты безопасности по маршруту движения, имеющей вид:

№ уч	Метеоусловия			S, км	R, м	i, %	$i_П$, %	V_0, км/ч	$V_{ср}$, км/ч	Δt, мин	T, мин	g_e, г/мин	G, г
	t°,C	P_o,мм	Влажн.										

S - длина перегона,
R - радиус кривой,
i - поперечный уклон перегона,
$i_П$ – продольный уклон перегона,
V_0 - скорость движения автомобиля в начале перегона,
$V_{ср}$ – средняя скорость движения автомобиля на перегоне,
Δt - время хода на участке,
T – время следования по перегону,
g_e, - массовый расход топлива на подъеме или спуске,
G - расход топлива на подъеме или спуске.

В качестве примера перевозки контейнера был выбран автопоезд, в составе седельного тягача MAN TGS 19.400 (4x2) BLS-WW и полуприцепа СЗАП-99051, позволяет перевозить все типы большегрузных контейнеров 40 ft (см. рис.1.).



Рис.1. Схема установки 40 футового High Cube контейнера на полуприцеп СЗАП-99051

Согласование маршрута движения крупногабаритного и (или) тяжеловесного транспортного средства осуществляется уполномоченной организацией, рассматривающей заявление, с владельцами автомобильных дорог, по которым проходит маршрут [17].

Например, схема маршрута дорожной сети приведенная на рис. 2, включает 3 прямолинейных и 2 криволинейных участка, радиусами от 56м до 105м, а также подъёмы и спуски с поперечным уклоном до 1,5 %

Для разгона автомобиля и преодоления дополнительных сил сопротивления при трогании с места необходим расчет динамического паспорта автомобиля *D* в составе автопоезда при движении на разных передачах.

$$D = \left(\frac{M_e \cdot u_m \cdot \eta_m}{R_k} \cdot g - k \cdot F \cdot v_a^2 \cdot g\right) \cdot \frac{1}{G_a}; \quad (1)$$

$$u_m = i_{kn} \cdot i_{гn} \cdot i_{pk} \quad (2)$$

$$v_a = \frac{\pi \cdot n \cdot R_k}{30 \cdot u_m} \text{ м/с} \quad (3)$$




Рис. 2. Схема маршрута дорожной сети

где M_e – крутящий момент двигателя (определяется исходя из скоростной характеристики двигателя автомобиля), кгс·м;

n – частота вращения коленчатого вала двигателя автомобиля, об/мин;

u_T - общее передаточное число трансмиссии, определяемое в соответствии с передаточными числами коробки переключения передач, главной передачи и раздаточной коробки;

η_T - к.п.д. трансмиссии;

$R_к$ - радиус качения колеса, м;

k – коэффициент обтекаемости кузова, кг·с^2/м^4;

F – площадь поперечного сечения кузова, м^2;

g=9,8 м/с^2 – ускорение свободного падения;

G_a – полная масса автомобиля (с грузом), кг;

v_a – скорость автомобиля, м/с.

Таблица 1.

Результаты расчета динамического фактора автопоезда, в составе седельного тягача MAN TGS 19.400 (4x2) BLS-WW и полуприцепа СЗАП-99051

кгс* м	n, об/мин	I передача		II передача		III передача		IV передача		V передача		VI передача		VII передача	
		м/с	D	м/с	D	м/с	D	м/с	D	м/с	D	м/с	D	м/с	D

105	1000	6,2	2	7,38	1,7	9,07	1,39	10,56	1,18	12,78	0,98	37,08	0,32	73,44	0,12
102	1800	9,64	1,96	11,34	1,66	13,89	1,36	16,3	1,15	19,44	0,96	56,88	0,29	110,5	0,04
100	2600	2,91	1,91	3,45	1,62	4,21	1,32	4,96	1,12	5,94	0,94	17,28	0,32	33,48	0,15

На рис. 3 представлен динамический паспорт автомобиля MAN TGS 19.440 с полуприцепом массой 26.095т




Рис. 3 Динамический паспорт автомобиля MAN TGS 19.440 с полуприцепом массой 26.095т

Для предотвращения аварий при изменении направления движения автопоезда необходим расчет геометрического вписывания автотранспортного средства в поворот. Построение геометрического вписывания автопоезда в кривой участок дороги следует начинать с выбора единого масштаба как для дороги, так и для транспортного средства. Должны быть решены две основные задачи, а именно, проверить возможность проследования данного участка дороги одним транспортным средством, а также возможность разъезда в ограниченном месте встречных транспортных средств.

Для обеспечения безопасного движения автопоезда с длинномерным грузом [18 - 20] необходимы расчеты предельных скоростей движения по условиям заноса (1) и бокового опрокидывания (2) на криволинейных участках пути, которые могут оцениваться по расчетным формулам:

$$V_{\text{п}} = 3{,}6\sqrt{g * R(\varphi_{\text{y}} - \frac{i_{\text{поп}}}{100\%})} \qquad (4)$$

$$V_{\text{п2}} = 3{,}6\sqrt{g * R * B/H} \qquad (5),$$

где g– ускорение свободного падения, g = 9,8 м/с^2

R – радиус кривизны пути, м;

B – поперечная колесная база, м;

H – возвышение центра тяжести над поверхностью дороги, м;

φ_y– коэффициент поперечного сцепления колес с дорожным покрытием;

$i_{поп}$– поперечный уклон дороги.

Составление специальной карты по маршруту движения.

По приведенной методике можно рассчитать затраты на транспортировку груза и расход топлива не только по заданному маршруту, но и на участке маршрута автопоезда. При этом обеспечена безопасность логистических операций в сложных дорожных условиях при изменении погоды и возможность изменения маршрута на коротких участках перемещения без значительного увеличения затрат.

Таблица 2 – Карта безопасного движения автопоезда по маршруту следования для мокрого дорожного покрытия

№ уч	Метеоусловия			S, км	R, м	i, %	$i_П$, %	V_0, км/ч	$V_{ср}$, км/ч	Δt, мин	T, мин	g_e, г/мин	G, г
	t°,C	P_o,мм	Влажн.										
1	-3	751	гололед	2,78	∞	-1,5	0	34	28,95	5,76	5,76	50	288
2	-3	751	гололед	0,08	54	-1,7	1,1	20,12	20,87	0,23	5,99	50	11,5
3	-3	751	гололед	2,65	∞	+1,5	0	20,12	28,55	5,57	11,56	179	1503,4
4	-3	751	гололед	0,25	80	+0,4	1,9	22,76	23,07	0,65	12,21	179	111,27
5	-3	751	гололед	2,47	∞	+1,3	0	29,4	29,06	5,1	17,31	179	1271,97
6			гололед	0,17	106	-0,2	0	29,4	26,84	0,38	17,7	50	19
Σ				**8,4**						**17,7**			**3205,14**

Выводы:

1. Рассмотрены особенности перевозки крупногабаритных тяжеловесных грузов по маршруту следования автопоезда.

2. Предложена методика формирования специальных карт безопасного движения автопоезда по маршруту следования для дорожных покрытий в зависимости от погодных условий.

3. С помощью предложенной методики можно прогнозировать затраты на перевозку и рассчитать расход топлива не только по заданному маршруту, но и на участке маршрута автопоезда в условиях ограничения предельных скоростей для обеспечения устойчивости от бокового опрокидывания и заносов в кривых участках пути.

Список использованных источников

1. Троицкая, М.В. Принципы разработки рациональной структуры парка автотранспортных средств для перевозки КТГ / М.В. Троицкая, Н.А. Шилимов // Транспорт. Наука, техника, управление. ВИНИТИ. – 1995. - № 12 – С.12-14.

2. Коновалова Татьяна Вячеславовна, Надирян София Левоновна Алгоритм выбора подвижного состава для перевозки грузов // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2019. №10. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/algoritm-vybora-podvizhnogo-sostava-dlya-perevozki-gruzov (дата обращения: 09.02.2024).

3. И.А. Терехов К вопросу перевозки автомобильным транспортом сборных железобетонных конструкций // ИВД. 2023. №8 (104). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-perevozki-avtomobilnym-transportom-sbornyh-zhelezobetonnyh-konstruktsiy (дата обращения: 09.02.2024).

4. Копылов М.А. Оптимизация транспортировки автомобильным транспортом крупногабаритных грузов на территории Ростовской области // Молодой исследователь Дона. 2021. №2 (29). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/optimizatsiya-transportirovki-avtomobilnym-transportom-krupnogabaritnyh-gruzov-na-territorii-rostovskoy-oblasti (дата обращения: 09.02.2024).

5. Копылов М.А. Инновации в современных автотранспортных средствах и их оборудовании для перевозки крупногабаритных грузов // Молодой исследователь Дона. 2021. №3 (30). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsii-v-sovremennyh-avtotransportnyh-sredstvah-i-ih-oborudovanii-dlya-perevozki-krupnogabaritnyh-gruzov (дата обращения: 09.02.2024).

6. Прошкина Виктория Александровна Основные риски при перевозке крупногабаритных и тяжеловесных грузов // Наука и образование сегодня. 2018. №6 (29). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-riski-pri-perevozke-krupnogabaritnyh-i-tyazhelovesnyh-gruzov (дата обращения: 09.02.2024).

7. Нургалиев Есбол Русланович, Турпищева Марина Семеновна Проблемы взаимодействия нефтесервисных и транспортно-логистических компаний при транспортировке и перегрузке нефтегазового оборудования в портах и транспортных терминалах // Вестник АГТУ. Серия: Морская техника и технологии. 2015. №4. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-vzaimodeystviya-nefteservisnyh-i-transportno-логистические-kompaniy-pri-transportrovke-i-peregruzke-neftegazovogo (дата обращения: 09.02.2024).

8. Джахъяева Светлана Борисовна, Климова Екатерина Владимировна Пути решения логистических задач по транспортивке длинномерных грузов на примере лопастей ветровых энергоустановок // Евразийский Союз Ученых. 2020. №11-7 (80). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/puti-resheniya-логистические-zadach-po-transportrovke-dlinnomernyh-gruzov-na-primere-lopastey-vetrovyh-energostanovok (дата обращения: 09.02.2024).

9. Копылов М.А. Оптимизация системы транспортировки крупногабаритных грузов в пределах ростовской области (на примере перевозки башен ветроэлектрических установок от города Таганрог до ветропарка в Красносулинском районе) // Молодой исследователь Дона. 2021. №6 (33). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/optimizatsiya-sistemy-transportirovki-krupnogabaritnyh-gruzov-v-predelah-rostovskoy-oblasti-na-primere-perevozki-bashen (дата обращения: 09.02.2024).

10. Артеменко Л.В. Особенности организации перевозок негабаритных грузов. Сравнительный анализ стоимости доставки отдельных видов негабаритных грузов автомобильным и железнодорожным транспортом // Вестник Полоцкого государственного университета. Серия Д. Экономические и юридические науки. 2020. №14. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-organizatsii-perevozok-negabaritnyh-gruzov-sravnitelnyy-analiz-stoimosti-dostavki-otdelnyh-vidov-negabaritnyh-gruzov (дата обращения: 09.02.2024).

11. Қабкен Мәдияр Жылқайдарұлы, Шонтаев Джаманбай Салыкович Повышение эксплуатационных показателей седельных автопоездов при перевозке негабаритных грузов // Universum: технические науки. 2021. №3-1 (84). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/povyshenie-ekspluatatsionnyh-pokazateley-sedelnyh-avtopoezdov-pri-perevozke-negabaritnyh-gruzov (дата обращения: 09.02.2024).

12. Перевозка огромных лопастей ветровых турбин! // DRIVE2.ru: [сайт]. — URL: https://www.drive2.ru/b/459687120949236013/ (дата обращения: 09.02.2024).

13. Анкинович Г.Г., Горелов В.А., Чудаков О.И. Оценка влияния активизации колес полуприцепа на тягово-динамические свойства автопоезда // Известия вузов. Машиностроение. 2017. №1 (682). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-vliyaniya-aktivizatsii-koles-polupritsepa-na-tyagovo-dinamicheskie-svoystva-avtopoezda (дата обращения: 09.02.2024).

14. Анкинович Г.Г., Вержбицкий А.Н., Жилейкин М.М., Скотников Г.И. Разработка повышения устойчивости автопоездов при экстренном торможении в повороте и аварийном отказе тормозной системы прицепных звеньев // Известия вузов.

Машиностроение. 2016. №4 (673). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/razrabotka-printsipov-povysheniya-ustoychivosti-avtopoezdov-pri-ekstrennom-tormozhenii-v-povorote-i-avariynom-otkaze-tormoznoy-sistemy (дата обращения: 09.02.2024).

15. Жилейкин М.М., Лычкин М.Т. Разработка принципов повышения маневренности длиннобазных многоосных автопоездов с полуприцепами // Известия вузов. Машиностроение. 2017. №11 (692). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/razrabotka-printsipov-povysheniya-manevrennosti-dlinnobaznyh-mnogoosnyh-avtopoezdov-s-polupritsepami (дата обращения: 09.02.2024).

16. Смирнова О.Ю., Эртман Ю.А. Цифровые технологии при организациях перевозки сверхнормативных грузов автомобильным транспортом // Вестник СибАДИ. 2022. №2 (84). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovye-tehnologii-pri-organizatsii-perevozki-sverhnormativnyh-gruzov-avtomobilnym-transportom (дата обращения: 09.02.2024).

17. Приказ Министерства транспорта РФ от 18 октября 2022 г. № 418 "Об утверждении Порядка выдачи специального разрешения на движение по автомобильным дорогам тяжеловесного и (или) крупногабаритного транспортного средства" [Электронный ресурс]. – Режим доступа: https://www.garant.ru/products/ipo/prime/doc/405745911/

18. Бабков, В.Ф. Дорожные условия и безопасность движения / В.Ф. Бабков. - Москва: Транспорт, 2000. -188с.

19. Структура управления безопасности дорожного движения [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.gibdd.ru.

20. Квасов, А.А. Организация и безопасность дорожного движения / Квасов А.А. // Автомобильная промышленность. – 2007. – №4. – С. 35–38.

БАЗАЛЬТ ТОЛАСИДА ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БРИШ

проф. Холмирзаев Саттар Абдужаббарович,
докторант Ахмедов Акмалжон Рутамович
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
(тел: +998935100553)

Аннотация. Мақолада базальт толаси, пластификация, суспензия унинг хусусиятлари ҳамда қўлланилиши келтирилган.

Аннотация. В статье описано базальтовое волокно, его пластификация, суспензия, его особенности и применение.

Abstract. The article describes basalt fiber, plasticization, suspension, its features and application.

Калит сўзлар: базальт, фибробетон, бетон. цемент

Ключевые слова: базальт, фибробетон, бетон. цемент

Keywords: basalt, fiber-reinforced concrete, concrete. Cement

Замонавий қурилишда бетон энг кўп ишлатиладиган материалдир. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бутун дунёда бетонда ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 миллиард кубометрни ташкил этади, бу бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмидан анча кўпдир. Мустақиллик йилларида капитал қурилишга инвестициялар ҳажми бир неча баробар ошган Ўзбекистон Республикасида

монолит ва темир-бетон конструксияларни ишлаб чиқариш эҳтиёжи изчил юқори даражада қолмоқда.

Тўлдирувчи моддаларининг ўзига хос юзаси ПСХ-12 мосламасида аниқланди. Қурилманинг ишлаши чанг материалларининг ўзига хос сиртини Козеини-Карман усули билан - ҳаво ўтказувчанлиги ва қадоқланган чанг қатламининг ғоваклилиги ва мос келадиган ўртача заррача ўлчамлари бўйича ўлчашга асосланади [1].

Тўлдирувчиларнинг фаоллиги Сао нинг оҳакнинг тўйинган сувли Эритмасидан pH= 12,15 га ютилиши билан аниқланди. Қўшимчалар СаО тўйинган Эритмаси билан ёпиб. Эритмани қўшиб аралаштирилгандан икки кун ўтгач 50 мл Эритма танлаб титрланади. Титратгич сифатида 0,05 н хлорид кислота Эритмаси ишлатилади. . Ҳар бир титрлашдан кейин шишага оҳакнинг янги тўйинган Эритмасидан 50мл қўшилди. Эритма шу тариқа охирги 15 кун ичида 30 марта титрланади. 1г минерал қўшимчалар томонидан сўриладиган СаО умумий миқдори барча 15 ўлчов умумлаштириш томонидан белгиланади. [2]

Пластификацияловчи таъсир ва сувни камайтирувчи таъсир ТБКиВП давлат университети бўлимида ишлаб чиқилган усул ёрдамида баҳоланди. Бу усул материаллар сарфини сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Буни аниқлаш учун ички диаметри 10 мм ва баландлиги 40 мм бўлган зангламайдиган пўлат силиндрсимон модификацияланган Суттард вискозиметридан фойдаланилди. Сувга бўлган талаб ва ҳаракатчанликнинг ўзгариши гравитацион тарқалиш чэгарасида тарқалиш миқдори билан баҳоланди. Максимал кесиш қўйидаги формула билан аниқланди:

$$\tau_0 = hd^2p/\kappa D^2$$

Бу ерда τ_0 ишлаб чиқариш кесиш кучланиш чэгараси , ПА;

h ва d мос равишда г баландлиги ва диаметри, м;

р - суспензия зичлиги, кг/м^3 ;

k-ёпишқоқ жисмларда кучланишларнинг қайта тақсимланишини ҳисобга олувчи коеффициент 2 га тенг;

D суспензиянинг ёйилиш диаметри, М.

Белгиланган ўлчамларга эга бўлган вискозиметр учун гравитацион ёйилиш чэгарасида лойқаланиш 22... 24 мм мос келади, T_0 =10-30 Па. таёрлов босқичи учун, қайси муперпластификаторнинг сувни камайтирувчи таъсири қўйидаги ифодадан аниқланди:

$$\Delta B = (B/Ц)_н - (B/Ц)_п / (B/Ц)_н \times 100\%$$

Бу ерда $(С/Ц)_п$ ва $(С/Ц)_н$ - пластификацияланган ва унпластификацияланган тизимларнинг сув-цемент нисбати.

Гидратланган цементнинг ўрта pH ни (водород ионларининг фаоллиги) модификаторлар билан аниқлаш HANNA instruments томонидан ишлаб чиқарилган pH-213 милливолтметрида потенсиометрик усул билан амалга оширилди. [3]

10 г миқдорда цемент тош (цемент қоришма) суспензияси конуссимон флаконга солиниб, 20-30 с учун яхшилаб аралаштирилди. ҳосил бўлган цемент шламлари филтрланиб, филтрат Эритмаси шиша стаканга қуйилди. Ўлчашлар иккита електродни синов Эритмаси билан шиша стаканга - потенсиали аниқланаётган ионларнинг Эритмадаги консентрациясига боғлиқ бўлган ўлчаш електроди (индикатори) ва ўлчаш електродининг потенсиали ўлчанадиган мос ёзувлар електроди (стандарти) га тушириб бажарилган. Аниқланган ионлар консентрацияси ўзгарганда йўналтирувчи електроднинг потенсиали доимий бўлиб қолади. Ҳар бир ўлчашдан сўнг електродлар филтр қоғоз билан куритилди ва дистилланган сув билан ювилди.

Ёқори пластик ҳолатда базальт толаси билан мустаҳкамланган цемент суспензияларининг реологик хусусиятларини аниқлаш учун Волорович М. П. қайтиб РВ-8 вискозиметри дан фойдаландик. Улар орасига синов суспензияси жойлаштирилди. Ички силиндрни оғирликлар ёрдамида ташқи томонга нисбатан айланиш суюқлик аралашмаларининг қовушқоқлигини формула бўйича секунддаги айланишлар сонига боғлиқлигини аниқлашга имкон беради:

$$\eta = kx(P - P_0)/N$$

Бу ерда Р-юк миқдори, айланувчи ички силиндр, г;

P_0 - 1-2 г оғирликка мос келувчи подшипникларнинг ишқаланиши;

N-силиндрнинг секундига айланишлар сони;

k-асбобнинг доимийлиги.

Вискозиметр шунингдек, ички силиндрнинг айланиши туфайли синов суюқлигида юзага келадиган максимал кесиш стрессини баҳолашга имкон беради:

$$\tau = k_1 x\ (P_1 - P_0)$$

Бу ерда P_1 - ички силиндрнинг юк айланиши аста-секин ортиб бориши билан бошланадиган минимал юк, г;

Турли сув-цемент нисбатига эга майда донали бетоннинг технологик хусусиятлари унинг ҳаракатчанлиги ўзгариши билан баҳоланди. Ҳаракатчанлик конуснинг лойқаланиши (ГОСТ 310.4-81), Суттард вискозиметридаги лойқаланиш билан баҳоланди.

Майда донали бетоннинг ҳаракатчанлигидаги ўзгаришлар қуйидагича баҳоланди:

- конуснинг лойқаланиши бўйича:

$$РК = d_1/d_2$$

бу ерда d1 ва d2 см, турли сув-цемент нисбати билан Эритма аралашмасининг ёйилиш конусининг диаметрлари.

Суттард вискозиметрида хиралаштириш:

$$РС = D_1/D_2$$

Бу ерда d1 ва d2 см, турли хил сув-цемент нисбати билан Эритма аралашмасининг диффуз диаметрлари.

Чизиқли деформацияни ўзгариши нормал мустаҳкамлик ёки майда донали базальтфибробетон, нормал намлик ёки сувли шароитда Твердовский цемент пастаси тажриба мақсадига қараб қилинган 40х40х160 мм намуналарида аниқланди. ГОСТ 11052 ёки 5734-072-46854090-98 усулларига асосан деформацияни ўлчаш 0.01 мм аниқликдаги диал ўлчагич ёрдамида бажарилган. Бир қатор ҳолларда деформациянинг ўзгариши шкала бўлинмаси 0,1 мм бўлган калибрлар ўрнатилди. [4]

Ўлчанаётган тасодифий ўзгарувчиларнинг аниқлигини холисона баҳолаш учун тажриба натижаларини статистик қайта ишлаш қўлланилди. Экспериментал маълумотлар Microsoft Excel ёрдамида қайта ишланди. Физик-механик текширишларнинг ҳақиқий маълумотлари тест натижаларининг арифметик ўртача кўрсаткичини, стандарт оғишини, вариация коэффициентини ҳисоблаш ва маълум даражада аниқлик билан натижа олиш учун зарур бўлган намуналар сонини аниқлаш орқали статистик таҳлилга тортилди. Тажриба натижаларининг ишончлилигини таъминлаш учун ҳар бир синов сериясидаги намуналарнинг минимал сони камида учта бўлиб, ГОСТ 10180-90 "назорат намуналарининг мустаҳкамлигини аниқлаш усуллари"талабларига жавоб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Холмирзаев, С. А., Ахмедов, А. Р., & Мақсуд, Б. (2022). Базальт толаси билан цемент тош таркибини оптималлаштириш. Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali, 2(9), 256-264.
2. Холмирзаев, С. А., & Ахмедов, А. Р. (2022). Базальт толасининг тўлдирувчи сифатида цемент тошининг мустаҳкамлик хоссаларига таъсирини ўрганиш. Ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali, 2(6), 49-55.
3. Холмирзаев, С. А., Ахмедов, А. Р., & Жўраева, А. С. (2022). Базальт толали арматураларни қўлланиши ва тадбиқ қилиниши. Conferencea, 121-123.
4. Abdujabbarovich, X. S., Rustamovich, A. A., & Rustam o'g'li, O. A. (2022). Fibrobeton and prospects to be applied in the construction. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(6), 1479-1486.

YO‘L QURILISHIDA ISHLATILADIGAN BETONLARGA QO’SHILADIGAN KIMYOVIY QO‘SHIMCHALAR.

t.f.d. professor., Akramov A.X.
(Toshkent arxitektura-qurilish universiteti).
tayanch doktorant., Ametov R.N.
(Jizzax politexnika instituti).
t.f.n. professor., Isakulov B.R.
(Baishev Universiteti, Qozog‘iston Respublikasi).
talaba. Djurayeva X.F.
(Jizzax politexnika instituti), (tel: 913951414)

Annotatsiya. Ushbu maqolada biz kimyoviy qo‘shimchalar qoshib tayyorlangan betonlarni yo‘l qurilishida qollanilishi va tayyorlanishi to‘g‘risida so‘z yuritamiz. Zamonaviy kapital qurilishning asosiy konstruktiv materiali beton va temirbeton bo‘lib, ularning sifatini va xususiyatlarini yaxshilash bugungi kundagi muammodir. Bu muammo beton texnologiyasida kimyoviy moddalarni ishlatishsiz xal bo‘lmasligi aniq bo‘lib, bugungi kunda ishlatiladigan kompleks qo‘shimchalar beton tuzilmasiga va xususiyatlariga ta’sir etuvchi kuchga ega. Asosiy texnologik muammolardan biri sifatli, tez qotadigan va umrboqiy betonni xosil qilishdir. Bu muammoni xal qilish uchun bir nechta xususiyatlarni boshqarishga yordam beruvchi kompleks moddalar ishlab chiqarishga eng katta nazar solingan.

Аннотация. В этой статье мы поговорим о применении и приготовлении бетонов, приготовленных с добавлением химических добавок, в дорожном строительстве. Основным конструкционным материалом современного капитального строительства являются бетон и железобетон, и улучшение их качества и свойств-проблема сегодняшнего дня. Понятно, что эта проблема не решается в бетонной технологии без применения химикатов, а используемые сегодня комплексные добавки обладают способностью влиять на структуру и свойства бетона. Одной из основных технологических проблем является формирование качественного, быстротвердеющего и долговечного бетона. Чтобы решить эту проблему, наибольшее внимание уделяется производству сложных веществ, которые помогают контролировать несколько свойств.

Abstract. In this article, we will talk about the application and preparation of concretions prepared by adding chemical additives in road construction.

The main structural material of modern capital construction is concrete and reinforced concrete, the improvement of their quality and properties is a problem today. It is clear that this problem does not occur without the use of chemicals in concrete technology, and the complex additives

used today have the power to affect the structure and properties of concrete. One of the main technological problems is the dressing of quality, Fast-hardening and lifelong concrete. To remedy this problem, the greatest consideration was given to the production of complex substances that help control several properties.

Kalit so’zlar: asphalt beton, beton yo’llar, kimyoviy qo’shimchalar, polikorbaksilat, naftalin, super plastifikator, plastifikator, giper plastifikator.

Ключевые слова: асфальтобетон, бетонные дороги, химические добавки, поликорбаксилат, нафталин, суперпластификатор, пластификатор, гиперпластификатор.

Key words: asphalt concrete, concrete roads, chemical additives, polycarboxylate, naphthalene, superplasticizer, plasticizer, hyperplasticizer.

Kirish. Oxirgi paytda eng ko‘p ishlatiladigan kompleks qo‘shimchalar polikarboksilat efirida asoslangan. Yuqori samarali polikarboksilat asosida olingan giperplastifikatorlardan tashkil topgan kompleks qo‘shimchalarni ishlatish yuqori sifatli va mustahkam, past suv–sement nisbatli, kapillyar g‘ovakli betonni olishga sabab bo‘ladi. Ammo bu polikarboksilat asosidagi kompleks qo‘shimchalarni ishlatish gidratasiya va sementning tuzilmasi xosil bo‘lishiga, hamda uning umrboqiyligiga ta’siriga tegishli savollar oxirgacha o‘rganilmagan bo‘lib qolyapti. Shu sababli polikarboksilat efiri asosidagi kompleks qo‘shimchalarni olish va ularni o‘rganish modifikasiyalashtirilgan betonning texnologiyasini ishlab chiqarishda perspektiv yo‘nalishdir.

Bu ishda polikarboksilat efiri asosida olinadigan yuqori mustahkam, zich va sovuqqa chidamli, tez qotadigan betonni ishlab chiqarish texnologiyasi o‘rganilgan.

Hamda polikarboksilat, natriy sulfati va polifeniletoksisiloksana efirlari asosida olingan og‘ir betonning xususiyatlari shakllanishi qonuniyatlari aniqlangan. Mustahkamlikni, sovuqqa chidamlilikni va suv o‘tkazmaslikni oshirish kapillyar g‘ovaklikni 9,8 dan 2,2 gacha kamaytirib va yopiq g‘ovaklar sonini 5-10 % oshirish yo‘li bilan olingan.

Har xil qotish muhitlarida (bug‘lanish, normal qotish, avtoklav ishlov berish) portlandsement gidratasiyasi va sement toshning tuzilishiga bo‘lgan kompleks qo‘shimchalarning ta’siri qonuniyati aniqlangan. Qo‘shimcha sement toshning mayda g‘ovak va mayda kristallik tuzilmasi xosil bo‘lishiga yordam beradi, sement gidratasiya darajasini 29% gacha ko‘taradi va gidrat yangilanishlarning solishtirma yuzasini 22% gacha ko‘paytiradi.

Beton texnologiyasini rivojlanishining asosiy yo‘nalishi bu qurilish qismlarining samarasini oshirish uchun sement tizimining modifikasiyalashtirish beton va temirbeton konstruksiyalarining umrboqiyligini oshirish qurilishning sifatini oshirishdagi asosiy qismidir.

Beton sifatini oshirishda asosiy va xammabop usullardan biri bu har xil kimyoviy qo‘shimchalarning qo‘llanishidir. Bugungi kunda bizning mamlakatimizda va boshqa rivojlangan mamlakatlarda 300 xildan ortiq qo‘shimchalar ishlab chiqariladi. Betonni modifikasiyalash uchun noorganik elektrolitlar, yuza faol moddalar (ЮФМ) va kompleks qo‘shimchalar keng qo‘llaniladi.

Kimyoviy qo‘shimchalardan foydalanish bo‘yicha yo‘riqnomalarda natriy sulfatining optimal miqdori 0,5–1,0% chegarasida belgilangan, shu bilan bir vaqtda texnik sharoitlarda tavsiya etiladigan miqdor 0,5–2,0%ni tashkil qiladi. Mamaevskiy V.N. va boshqalar beton qorishmasiga natriy sulfatini 0,1–2,0% miqdorida kiritish lozimligini ta’kidlamoqdalar[1].

Tarkibida natriy sulfati mavjud bo‘lgan kech yoshdagi sementli tosh mustahkamligining o‘zgarishiga tegishli ma’lumotlar juda hilma hildir Xususan, Pashenko A.A., Chistyakov V.V. natriy sulfatining qo‘shilishi 28 sutka yoshdagi betonning mustahkamligini pasaytirishini, shu bilan birga sement tarkibida alyuminat fazalarning miqdori ko‘payishi bilan mustahkamlikning kamayish intensivligi shuncha yuqori bo‘lishini ta’kidlamoqdalar.

O‘tkazilgan tahlil shuni ko‘rsatdiki, natriy sulfati nafaqat betonning erta buziladigan mustahkamligini oshiradi, balki uning muzlashga bardoshlik va sulfatli suvga kabi ekspluatasion xususiyatlarini yaxshilaydi, hamda armaturani korroziyadan saqlaydi. Biroq sementli birikmalar tarkibida bu qo‘shimchaning optimal miqdori haqida yagona fikr mavjud emas va u turli

manbalar bo‘yicha 0,1 dan 2,6% gacha o‘zgarib turadi. Katta yoshdagi betonning mustahkamligi o‘zgarishiga natriy sulfatining ta’siri haqidagi fikrlar ham turlicha.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR.

1. Бегматов, Б., Ҳаққулов, Б., & Ҳаққулов, К. (2020). Транспорт воситаларини синаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, (3), 67-73.

2. Суванкулов, Ш., Исламов, Ш., & Каршибаев, Ш. Бердиеров, Т.(2015). СПОСОБЫ РАСЧЕТА ВРЕДНЫХ ВЕЩЕСТВ ВОЗНИКАЮЩИХ НА ПОСТАХ ПОВСЕДНЕВНОГО ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ УСЛУГ ТРАНСПОРТНЫМ СРЕДСТВАМ. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 8, pp. 23-27).

3. Eshquvvatovich, I. S., & Abdukarimovich, U. B. (2022). INFLUENCE OF CAR ERGONOMICS ON TRAFFIC SAFETY. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, *1*(5), 22-29.

4. Исломов, Ш. Э., & Одилов, Н. Э. Ў. (2022). АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ МАЖМУАСИ ИШТИРОКИДА АТРОФМУҲИТ СИФАТИНИНГ ТЕХНОГЕН ЎЗГАРИШИ. *Academic research in educational sciences*, *3*(5), 479-486.

5. Islomov, S. E., & Mamaeva, L. M. (2022). AVTOMOBIL TRANSPORTI VOSITALARIDAN AJRALIB CHIQADIGAN ZARARLI MODDALARNING UMUMIY KONSENTRATSIYASINI ANIQLASH. *Academic research in educational sciences*, *3*(6), 878-884.

6. Eshquvvatovich, I. S., & Fayzullayevich, E. S. (2023). AVTOTRANSPORT KORXONALARINI RIVOJLANTIRISHNING TAMOYILLARI VA ASOSIY TALABLAR. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, *11*(5), 1317-1324.

TARAQQIYOT STRATEGIYASI: AQLLI SHAHAR, RAQAMLI IQTISODIYOT, SUN'IY INTELLEKT

ШАҲАРЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

катта ўқитувчи Х.Б. Атахонов
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
(тел: 906403440)
доцент А.Р.Устабоев
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
(тел: 935883314)
магистр А.Халилжонов
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
(тел: 934017241)

Аннотатция. Ушбу мақолада шаҳарда яшовчи одамларнинг ишлаши, ҳаёти ва дам олиш, ҳаётий фаолиятининг асосий функционал мазмунини ташкил этиш, функционал асосда турар жойлар, саноат зоналари, дам олиш жойлари ва саноат, илмий, ўқув, турар-жой, коммунал хизматлар, оммавий дам олиш, шаҳар ва ташқи транспорт, муҳандислик ускуналари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш технологиялар самарадорлигини замонавий бахолаш усуллари ёритилган.

Аннотация. В данной статье рассмотрены работа, быт и отдых людей, проживающих в городе, организация основного функционального содержания жизнедеятельности, жилых домов, промышленных зон, зон отдыха и производственного, научного, образовательного, жилищного, коммунального хозяйства, общественного отдыха, городского и освещены современные методы оценки эффективности внешнего транспорта, инженерного оборудования, благоустройства и озеленительных технологий.

Abstract. In this article, the work, life and recreation of people living in the city, organization of the main functional content of life activities, residences, industrial zones, recreation areas and industrial, scientific, educational, residential, communal services, public recreation, urban and modern methods of evaluating the efficiency of external transport, engineering equipment, landscaping and landscaping technologies are covered.

Калит сўзлар: турар жойлар, саноат зоналари, дам олиш жойлари, саноат, илмий, ўқув, турар-жой, коммунал хизматлар, оммавий дам олиш, шаҳар ичи ва ташқи транспорт, муҳандислик ускуналари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш.

Ключевые слова: жилые помещения, промышленные зоны, зоны отдыха, промышленные, научные, образовательные, жилые, коммунальные, общественные, внутригородские и внешние перевозки, инженерное оборудование, ландшафтный дизайн и ландшафтный дизайн.

Keywords: residential areas, industrial zones, recreation areas, industrial, scientific, educational, residential, utilities, public recreation, intra-urban and external transport, engineering equipment, landscaping and landscaping.

Шаҳарда яшовчи одамларнинг иши, ҳаёти ва дам олиши унинг ҳаётий фаолиятининг асосий функционал мазмунини ташкил этади ва унинг турли қисмларининг мақсади ва ишлатилишини белгилайди, улар функционал асосда турар жойлар, саноат зоналари, дам олиш жойлари ва бошқалар сифатида фарқланади. Бироқ, шаҳар бўйлаб асосий функционал жараёнларнинг фазовий тақсимоти анча мураккаб ва ноаниқ. Шаҳарнинг айрим қисмларида ҳар қандай устун функция локализация қилинади ва ҳудуд монофункционал хусусиятга эга бўлади. Бошқа қисмларда бир нечта асосий функциялар бирлаштирилади ва ҳудуд кўп функцияли бўлади [1].

Бу ҳолда ҳал қилувчи далил - бу ўзи учун ҳар қандай махсус шартларни талаб қиладиган маълум бир функцияни ажратиш зарурати ёки аксинча, бир-бирини тўлдирадиган битта ҳудудда турли функцияларни амалга ошириш истаги.

Ривожланиш динамикаси шаҳарнинг дизайн объекти сифатида муҳим хусусиятидир. Турли босқичларда ривожланиш кўлами, суръати ва табиати бир хил эмас. Аста-секин, силлиқ, эволюцион ривожланиш даврлари ва тез, баъзан кескин ўсиш даврлари мавжуд бўлиб, шаҳарда янги йирик корхона қурилиши, ривожланишнинг кейинги чегарасини энгиб ўтиш (катта кўприклар ёки сув ўтказмайдиган тўғонлар, янги ҳудудларнинг аллювиумини яратиш) орқали кучли ўсиш импулслари берилади, тезюрар транспорт линияларини қуриш) ва бошқалар [2].

Шаҳарнинг ривожланиш динамикаси иқтисодий ривожланиш кўлами ва суръати, илмий-техник тараққиёт, ўсиш табиати ва аҳоли таркибидаги ўзгаришлар билан белгиланади.

Шаҳарнинг функционал ташкилоти

Режалаштириш ташкилотининг объекти шаҳар ҳудудлари ва тузилмалари тизими: саноат, илмий, ўқув, турар-жой, коммунал хизматлар, оммавий дам олиш, шаҳар ва ташқи транспорт, муҳандислик ускуналари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш [3-4].

Шаҳарсозликда шаҳар ҳудуди ўзининг функционал мақсади ва фойдаланиш хусусиятига кўра қуйидаги асосий зоналарга бўлиниши керак: турар-жой, саноат, коммунал ва омборхона, ташқи транспорт, жамоат дам олиш жойлари, санитария муҳофазаси, шунингдек-йирик ва йирик шаҳарларда-шаҳар бўйлаб марказ.

Шаҳар ташқарисида шаҳар атрофи ташкил этилган бўлиб, унда оммавий дам олиш жойлари, яшил майдонларнинг катта массивлари ва турли мақсадлар учун бошқа жойлар мавжуд. Шаҳар ҳудудига шаҳар ёрдамчи хўжаликлари, питомниклар, қабристонлар ва бошқалар жойлашган бошқа ерлар ҳам киради. жойлашган. Йирик шифохоналар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, илмий марказлар, йирик спорт иншоотлари асосий зоналардан алоҳида жойлашиши мумкин [5].

Аҳолининг ишлаши, ҳаёти ва дам олиши учун энг яхши шароитларни яратиш зарурлигига асосланиб, шаҳар ҳудудини функционал ташкил этишнинг асосий вазифалари қаторига қуйидагилар киради:

1) шаҳарнинг асосий функционал қисмлари — ишлаб чиқариш, уй-жой, жамоат марказлари ва дам олиш жойлари зоналарини мувофиқлаштирилган жойлаштириш бир-бирига нисбатан;

2) улар ўртасида қулай алоқаларни яратиш;

3) ҳар бир зонанинг таркибий ташкил этилиши, яъни. турар—жой зонасида турар жойлар ва микрораёнлар тизимини ташкил этиш, саноат зоналари, саноат зонасидаги илмий-техник мажмуалар ва корхоналар, дам олиш зонасидаги қисқа муддатли ва узоқ муддатли дам олиш масканлари ва мажмуалар ва бошқалар [6].

Шаҳар ҳудудини функционал ташкил этиш масалаларини умумий, умуман шаҳар билан боғлиқ ва ҳар бир зонанинг тузилиши билан боғлиқ маҳаллий деб ажратиш мумкин [7-8].

Умумий вазифаларга қуйидагилар киради:

* ишчиларни оқилона жойлаштириш, яъни. ишга бориш учун сарфланган вақт ва ҳаракат ҳажми барча мумкин бўлган вариантлардан нисбатан минимал бўлган саноат ва турар-жой майдонларининг бундай ўзаро фазовий жойлашуви;

Шаҳарларнинг шаҳар типологиясини белгилайдиган энг муҳим хусусиятлар:

* шаҳарнинг миллий иқтисодий профили,

* аҳоли сони,

* келиб чиқиш, мавжудлик ва ривожланиш вақти (эски ёки янги шаҳар).

Иқтисодий профилига кўра шаҳарлар қуйидагиларга бўлинади: саноат, порт, курорт, темир йўл туташган шаҳарлар, илмий марказлар ва бошқалар.

Шаҳарлар орасида маъмурий, сиёсий ва маданий аҳамиятга кўра қуйидагилар ажратилади: пойтахт шаҳарлар, вилоят ва туманларнинг маъмурий марказлари, шунингдек, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар [9-10].

Шаҳарнинг иқтисодий профили унинг ишлаб чиқариш базасининг таркибини, функционал қисмларни ўзаро жойлаштириш хусусиятларини, шу жумладан саноат ва турар-жой ҳудудларининг характерли комбинацияларини, улар орасидаги бўшлиқларни ва транспорт алоқаларининг табиатини, шунингдек режалаштириш ташкилотининг бошқа кўплаб хусусиятларини белгилайди. Шаҳар профили ва уни режалаштириш ташкилоти ўртасидаги муносабатлар шаҳарсозлик дизайнида алоҳида типологик йўналишни белгилайди.

Шаҳарсозлик бўйича меъёрий ва услубий адабиётларда саноат шаҳарлари, илмий-ишлаб чиқариш марказлари, курорт шаҳарлари ва бошқаларни лойиҳалаш бўйича бир қатор махсус талаблар ва тавсиялар мавжудлигини билиш муҳимдир. ва улардан амалий ишларда (шу жумладан ўқув дизайнида) фойдаланинг [11-13].

Шаҳарнинг асосий типологик хусусияти аҳолидир. Шаҳарларнинг қуйидаги гуруҳларга бўлиниши (минг киши) одатда қабул қилинади:

Энг йирик шаҳарлар: 1000 дан ортиқ
500 дан 1000 гача
Энг катта шаҳарлар " 250 " 500
Катта шаҳарлар " 100 дан 250 гача
Ўрта шаҳарлар " 50 учун 100
Кичик шаҳарлар: 50 тагача

Шаҳарсозлик асосий тамойиллари

Янги шаҳарларни яратиш, мавжуд шаҳарларни реконструксия қилиш ва янгилаш бўйича турли хил шаҳарсозлик фаолиятининг умумий асоси замонавий шаҳарнинг меъморий-режалаштириш тузилишини шакллантиришнинг ягона ғояси ҳисобланади. Умумий тушунча сифатида шаҳарнинг меъморий-режалаштириш тузилиши унинг ҳудудида ишлаб чиқариш, уй-жой, жамоат марказлари ва дам олиш марказлари учун зоналарни жойлаштириш, улар ўртасида алоқалар тизимини яратиш ва ҳар бир зонанинг таркибий ташкил етилишини англатади. Бу шаҳар режасининг меъморий таркиби билан бир бутунга бирлаштирилган [14].

"Шаҳарнинг меъморий ва режалаштириш тузилиши" нинг ягона концепцияси уни қуриш тамойиллари тўплами билан очиб берилган.

Функционаллаштириш

Замонавий шаҳар - бу саноат корхоналари, турар-жой мажмуалари, жамоат марказлари, очиқ дам олиш жойлари, транспорт ва муҳандислик иншоотлари эгаллаган ҳудудлар ва иншоотларнинг мураккаб мажмуаси [15-16].

Шаҳарнинг асосий функциялари унинг ҳудудида барқарор равишда амалга оширилмоқда ва кейинчалик уларни ўзгартириш унчалик осон емас. Шунинг учун шаҳарни режалаштириш ташкилотига тартиб ва тизимни киритадиган биринчи тамойил функционал раёнлаштириш, шаҳарни етакчи функция (иш, ижтимоий ҳаёт, кундалик ҳаёт, дам олиш) асосида турли мақсадлар учун қисмларга бўлишдир.

Шаҳарнинг турли мақсадлар ва функционал зоналар учун қисмларга бўлиниши, фуқароларнинг иши, ҳаёти ва дам олишини ижтимоий ташкил этишнинг муваффақиятидан далолат беради, шу билан бирга шаҳарнинг режалаштириш яхлитлиги муаммосини янада кучайтиради. Шаҳарнинг алоҳида олинган функцияларининг ҳеч бири ўз-ўзидан мавжуд эмас. Иш кундалик ҳаёт ва дам олишнинг ҳаётий цикларининг алмашиниши шаҳар турмуш тарзининг асосидир [17-19].

Шунинг учун шаҳарнинг режалаштириш тузилишини функционал зоналар ва уларнинг элементларини таркибий ташкил этишга қисқартириш мумкин эмас.

Замонавий шаҳарнинг ижтимоий, функционал меъморий ва композицион интеграциясида энг муҳим рол бир-бирига боғланган жамоат марказлари тизимига, шу жумладан шаҳар ва ихтисослаштирилган марказлар, режалаштириш марказлари ва турар жойлар, саноат зоналари ва дам олиш масканлари шунингдек, маҳаллий аҳамиятга эга жамоат марказлари (микрораён ва бошқалар.) [20].

Шаҳар транспорти ва режалаштириш

Кўча ва йўл тармоғи шаҳарни ажралмас функционал ва режалаштириш мажмуасига бирлаштирадиган тизимларнинг энг муҳимидир. У маҳаллий кўчалар ва йўллар тармоғидан ва турар-жойларни шаҳар маркази билан, саноат зоналари, темир йўл станциялари, шаҳар ва туман стадионлари ва боғлари, ихтисослаштирилган марказлар билан боғлайдиган асосий кўчалар ва йўллар тизимидан иборат. Асосий кўчалар тизими бошқа шаҳар ва шаҳар атрофи билан алоқада бўлган шаҳарнинг бутун транспорт ва режалаштириш ташкилотининг асосидир [21].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.Темиров, А.Нормирзаев, Х.Атахонов, Замонавий логистик технологиялар: Оъқув қоълланма: 2012, 305 б.
2. A.Nazarov, X.Ataxonov, A.Ustaboyev, A.Nazarov, TRANSPORT LOGISTIKASI O'quv qo'llanma. – T.: 2022.-285 bet.
3. Ulug'Bek, M., Hoshimjon, A., & Ma'Rufxon, S. (2023). EVALUATION OF COMMUNICATION SPEED IN THE STREET SEGMENT OF REGULATED ROAD NETWORK. *Universum: технические науки*, (8-4 (113)), 8-14.
4. Nazarov, A., & Ustaboev, A. (2021). METHOD OF DETERMINATION OF PUBLIC PASSENGER TRANSPORT INTERVAL FOR" CRITICAL SITUATIONS". Harvard Educational And Scientific Review, 1(1).
5. Nazarov, A., & Ustaboev, A. (2022). Selection of rational order of buses in traffic routes. Harvard Educational and Scientific Review, 2(1).
6. Ustaboev, A. N. A. (2020). Tirbandlik sabablari va uni oldini olish. NTJ NamITI, 5(1), 292-296.
7. Назаров, А. А., & Устабоев, А. Р. (2020). Пути оптимизации городского пассажирского транспорта в узбекистане. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ТЕХНИЧЕСКОЙ ЭКСПЛУАТАЦИИ МОБИЛЬНОЙ ТЕХНИКИ (pp. 231-236).
8. Normirzayev, A., Ustaboyev, A., Ataxonov, X., & Mamadalimov, A. (2021). YO'L GIPNOZIGA OLIB KELADIGAN OMILLAR. МЕХАНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ.–2021, 4, 42.
9. Устабоев, А., Атаханов, Х., & Нормирзаев, А. (2021). МУЛЬТИМОДАЛ ТАШИШЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА.

10. Атахонов, Х., Хидиров, У., & Устабоев, А. (2018). РАЗРАБОТКА ПРОГРЕССИВНЫХ СИСТЕМ СТРАТЕГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ В ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНОМ КОМПЛЕКСЕ ГАО" НАМАНГАНАВТОЙЎЛ". Мировая наука, (6), 89-92.

11. Nazarov, A., & Ustaboyev, A. (2021). CRITERIA FOR ASSESSING THE PROVISION OF TRANSPORT SERVICES TO PASSENGERS IN THE URBAN COMMUNITY. The Scientific Journal of Vehicles and Roads, 2021(2), 23-26.

12. Мамаджонов, Х., Устабоев, А., & Атахонов, Х. (2023). ЛОГИСТИК ТИЗИМЛАРДА ТАШИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ. *Current approaches and new research in modern sciences*, *2*(1), 137-141.

13. Ataxanov, X. (2022). ЛОГИСТИК КОНЦЕПЦИЯЛАРНИ АҲАМИЯТИ. *Scienceweb academic papers collection*.

14. RAXIMJONOVICH, U. A. (2022). Logistikani tashqi rivojlanishi (paradigmalar). *Scienceweb academic papers collection*.

15. Мамиров, У. (2023). Namangan shahar atrofi yo 'nalishlarda yo 'lovchilar oqimining tahlili. *Механика и технология*, (Спецвыпуск 1 (4)), 160-166.

16. Norov, S., Zokirova, D., Muzaffarova, N., Ustaboev, A., & Madraximov, A. (2023). Theoretical preconditions for determining the utilization coefficient of shift time when using planning machines. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 390). EDP Sciences.

17. RAXIMJONOVICH, U. A. (2017). Покрытия повышение долговечно-сти высоконаполненных компози-ционных полимерных материалов для автомабилных дорог. *Scienceweb academic papers collection*.

18. Ataxanov, X. (2023). Dinamika razvitiya obyoma perevozok i gruzaoborota Uzbekistana za period 2012-2022. *АВТОТРАКТОРОСТРОЕНИЕ И АВТОМОБИЛЬНЫЙ ТРАНСПОРТ*.

19. RAXIMJONOVICH, U. A. (2023). Shahar jamoat yo'lovchi transporti faoliyatining mavjud holati va rivojlantirish yo'llari. *ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАНИ "АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ"*.

20. Nazarov A. ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ УСЛУБИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ ХОЛАТИ //Scienceweb academic papers collection. – 2022.

21. RAXIMJONOVICH U. A. Ko'cha-yo'l tarmoqlarida avtomobillar va piyodalar harakatini modellashtirish //ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА БУ СОҲАДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ. – 2021.

TARAQQIYOT STRATEGIYASI: AQLLI SHAHAR, RAQAMLI IQTISODIYOT, SUN'IY INTELLEKT

TRANSPORT VA LOGISTIKA INNOVATSION G'OYALARI VA TEXNOLOGIYALARI

Dots. Mamasaliyeva Muqaddas Ibadullaevna
(Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti)
talaba Eshmamatov Quvonchbek Baxtiyor o'g'li
(Toshkent davlat texnika universiteti)
(tel. +998946592067)

Annotatsiya. Maqolada transport logistikasi innovatsion g'oyalar xizmatlari samarodorligini oshirirsh orqali ichki va tashqi bozorlarning konyukyturasiga mos keladiga yuqori qoshimcha qiymatiga ega mahsulotlar eksport va import qilish orqali mintaqaning ijtimoiy - iqtisodiy osishining barqoroligini ta'minlaydi asosiy yo'llarga aks ettirilgan.

Аннотация. В статье транспортная логистика инновационные идеи повышают эффективность услуг, обеспечивая стабильность социально - экономического развития региона за счет экспорта и импорта продукции с высокой добавленной стоимостью, соответствующей конъюнктуре внутреннего и внешнего рынков.

Abstract. In the article transport logistics, innovative ideas increase the efficiency of services, ensuring the stability of the socio-economic development of the region through the export and import of high-value-added products corresponding to the conjuncture of domestic and foreign markets.

Kalit so'zlar: logistika, innovatsion yondoshuv, xizmat ko'rsatish, qo'shimcha qiymat, eksport, import, iqtisodiy o'sish, yetkazib berish muddati, xalqaro tashishni tashkil etish.

Ключевые слова: логистика, инновационный подход, сервис, добавленная стоимость, экспорт, импорт, экономический рост, сроки поставок, организация международных перевозок.

Keywords: logistics, innovative approach, service, added value, export, import, economic growth, delivery time, organization of international transportation.

Jahonda yuz berayotgan globallashuv jarayonlarida transport infratuzilmasining ahamiyati tobora ortib bormoqda. Mazkur soha faoliyatini takomillashtirish vazifalari Jahon transport va logistika tizimi (The global transport and logistic system) tomonidan amalga oshiriladi. Jahon banki guruhi ma'lumotlariga ko'ra, jahon transport xizmatlarining YaIM tarkibidagi miqdori 4,2 trln. AQSh dollari (6,8%) hajmida baholanib, yiliga 110 mlrd. tonna yuk va 1 trln. dan ortiq yo'lovchilar tashilgan, transport infratuzilmasida band bo'lgan xodimlar soni 100 mln. kishini tashkil etadi[1].

O'zbekiston va xorijiy bozorlarga mahsulotlarning erkin kirishini ta'minlovchi transport-logistika markazlari (TLM) va komplekslaridan iborat zamonaviy transport-logistika infratuzilmasining yaratilish va amal qilish masalalari O'zbekiston transport kompleksi, avvalo, temir yo'l kompleksining zamonaviy rivojlanish bosqichi uchun muhim masalalarga aylanmoqda. Ma'lumki, har bir mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishida unig qon timiri bo'lgan transport - logistika tizimi juda muhim ahamyatga ega.

Transport - bu odamlarni va yuklar tashishni amalga oshiruvchi, moddiy ishlab - chiqarish tarmog'idir. Jamiyat ishlab - chiqarish tuzulmasida, transport moddiy xizmatlar ishlab - chiqarish sohasiga mansubdir.

Moddiy oqimning birlamchi xomashyo manbaidan oxirgi iste'molchigacha bo'lgan xarakati dovomidaga logistik operatporlarning anchagina qismi, turli xil transport vositalari yordamida amalga oshiriladi. Bu operatsiyalarning xarajatlari, umumiy logistika xarajatlarinig 50%gacha tashkil etishi mumkun

Transport ishlab - chiqarish va savdo jarayonlarni juda yaxshi kirib kelgan. Shuning uchun ham transport, logistikaning ko‘pgina masalarida ishtirok etadi. Shu bilan birga logistikaning yetarlicha mustaqil bo‘lgan transport sohasida ham mavjud. Unda transport jarayonlar ishtirokchilar orasidagi kellishuvlar, ularga mos moddiy oqim xarakatning ishlab - chiqarish ombor bo‘limlariga aloqasi bo‘lmagan tarzda ko‘rib chiqillishi ham mumkun.

Transport logistika vazifalariga, birinchi navbatda, o‘z yechimi bilan, transport jarayonining bevosita ishtirokchilar xarakatlarini o‘zaro kelishilgangini kuchaytiruvchi, vazifalar kiradi. Bundan vazifalarni yechishining doizarbligi, transport ishlar alohida bir sohaga aylanganida paydo bo‘ladi.

Transport jarayonlari tashkil etishga logitika yondashuv xususiyatlarini, aralash tashishdagi transport zanjiri bo‘g’inlarining o‘zaro ta’siri misolida tushuntirishimiz mimkun Birinecha transport turlari ishtirokida tashishning an’anaviy tashkil etilishinu 1-rasm orqali izohlash mumkin. Rasmdan ko‘rinib turibdiki, butun oddiy oqimni boshqarishning yogana funksiyasi mavjud emas. Axborot va moliya mablag’larining xarakati jarayonidan bo‘g’inlarning o‘zaro kelishuvi darajasi past, chunki ularning xarajatilari hech kim boshqarmaydi, rasmda tasvirlangan aralash tashishni tashkil etish butunlay boshqacha xususiyatga ega bo‘ladi.



Rasm 1. Transportning jamiyatda ishlab - chiqarishishdagi o‘rni

Transport logistikaning qo‘llanilishi, ishlab chiqarish yoki savdodagi kabi raqobatchilarni transport jarayonida bir-birini o‘zaro to‘lduruvchi hamkorlarga aylantiradi.

Logistika, aytib o‘tilghaniday, bu yagona texnika, texnologiya, iqtisod va rejalashtirishdir. Bunga muvofiq transport logistikasi vazifalariga transport jarayoni ishtirikchilarning texnik va texnologik ta’minotini, ularning iqtisodiy manfaatlari o‘zaro mos kelishini, hamda rejalashtirishning yagona tizimlarini ishlatishni kiritish lozim. Butun yagona tashish jarayoning

moddiy oqimini loyihalash va chiqib ketishdan berilgan parametrlariga erishish imkoniyatlarini yaratadi.

Yuqorida aytib o‘tilganidek, tashuvchi tanlashga ta’sir etuvchi asosiy omillaridan biri bu tashish narxidir. Raqobat sharoitida yuzag keluvchi mijoz uchun kurash transport tavsiflariga ham o‘zgartirish kiritadi. Har xil yig’imlar tarif stavkalarini mohirina boshqarilishi, yuk tashish bilan qo‘shimcha xizmatlarga (yuklarni ko‘riqlash ,kuzatish) talabni o‘zi oshirishi mumkun.

Transportning har bir turlaridagi tariflar tizimlar o‘z xususiyatiga ega

Ularning qisqacha tavsifga to‘xtalib o‘tamiz.

Temir yo‘l transport yuklarning tashish tashishning qiymatlarini belgilash uchun umumiy, maxsus, imtiyoz, mahalliy tariflar qo‘laniladi.

Tashiladigan yuk miqdori tshish qiymatiga maxim ta’sir etuvchi omil. Avtomobil transportida yuk tashishlar qiymatini aniqlash uchun tariflarni quydagi turlarni qo‘llaydilar:

Yuk tashishga bo‘gan kelishilgan tariflar.

Yuk tashishga bo‘lgan to‘lanadigan avtotonna– soat shartlaridagi tariflar.

Yuk avtamabillarini ishlatishi vaqti bo‘yicha tariflar.

Avtomobil transportida yuklarni tashish ga bo‘lga tariflarning har biri barcha omillar yig’indisini emas balki muyyan tashish uchun ahamiyatli bo‘lganlarinigina hisobga oladi.

Yangi prinsiplarga asoslangan yuk yetkazib berish bo‘yicha multimodal va intermodal prinsiplar yangi avlod logistika infratuzilmasini rivojlantirishning o‘ziga xos lokomotivi hisoblanadi va tovar harakati ishtirokchilarini samarali birlashtirish uchun yangi imkoniyatlarni shakllantiradi.

“Raqamli logistika” sharoitida infratuzilmani boshqarish uchun elektron ma’lumotlar oqimining ortib boruvchi hajmini hisobga olgan holda adashish vaziyatlari yuzaga kelganda murakkab tashkiliy-texnik ob’ektlarning prognoz darajasini oshirish imkoniyati va logistika infratuzilmasining faoliyat o‘lchamlarini kompleks baholash asosida proaktiv (ogohlantiruvchi) boshqarish tizimlariga o‘tish o‘ta muhim ahamiyatga ega. O‘zbekiston transport bozorida innovatsiyali logistika texnologiyalarining multimodal va intermodal tashuvlarni rivojlantirish barqarorligi va samaradorligiga ta’sir darajasini oshirish imkonini beradi.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR

1. The World Bank: World Development Indicators. http: //data.worldbank.org/indicator
2. Butaev Sh.A., Sidiiknazarov K.M., Murodov A.S., Qo‘ziev A.U. Logistika (Yetkazib berish zanjirida oqimlarni boshqarish). – Toshkent: “Extremum Press”, 2012. 580b.
3. Л.Б.Миротин. Логистика: Обслуживание потребителей. Учебник. М.: Инфра 2002г. 186 стр.
4. Неруш Ю.М. Логистика. Учебник – М.: ТК Велби, проспект, 2008. – 520 стр.
5. Е.В.Сафронова Логистика. 100 Экзаменационных ответов. Експресс-справочник.. М.: Ростов на Дону. «Март» 2005г. 207 стр.
6. В.М.Николачина. Логистические транспортно-грузовые системы. Учебник. Под ред. М.: Академия. 2003г. 305 стр.

TARAQQIYOT STRATEGIYASI: AQLLI SHAHAR, RAQAMLI IQTISODIYOT, SUN'IY INTELLEKT

QURILISH INDUSTRIYASI KORXONALARIDA MARKETINGNI TASHKIL ETISH

dotsent. Shodmonov Anarkul Yuldashevich
(Jizzax politexnika instituti)
dotsent. Sarsenbayev Bakitjan Kudayberginovich
(M.Avezov nomidagi Janubiy Qozog'iston Universtiti)
Talaba Raxmonov Azamatjon Asliddin o'g'li
(JizPI), (tel 998 91.944 19 42)

Annotatsiya. Qurilish industriyasi korxonalarda marketing xizmatlari bo'limini tashkil etish maqsadga muvofiqligi, bu bo'limning vazifalari hamda marketing xizmati bo'limi tovar siyosatini amalga oshirish uchun tavsiyalar bayon etilgan.

Аннотация. На предприятиях строительной отрасли изложены целесообразность создания отдела маркетинговых услуг, задачи этого отдела, а также рекомендации отдела маркетинговых услуг по реализации товарной политики.

Abstract. The feasibility of creating a marketing services department at enterprises of the construction industry, the tasks of this department and recommendations for the implementation of the marketing service department commodity policy are described.

Kalit so'zlar: tovar assortimentini, qurilish industriyasi, xorijiy firma, strategiya, marketing xizmati.

Ключевые: слова ассортимент товаров, строительная отрасль, зарубежная фирма, стратегия, маркетинговая служба.

Keywords: brand assortment, construction industry, foreign firm, Strategy, marketing service.

Kirish. Marketing - insonning ayirboshlash vositasida talab va ehtiyojni qondirishga qaratilgan faoliyatidir. Marketing tarkibiga bozorni o'rganish, iste'molchi buyurtmasiga ko'ra mahsulotlar assortimentini rejalashtirish, bozorni egallash, reklama, tovarlar va xizmatlarni ishlab chiqaruvchidan iste'molchiga yetkazib berish bilan bog'liq tadbirkorlik faoliyati kiradi. Marketing konstruktor, muhandis, iqtisodchi va boshqa mutaxassislarga bozor ehtiyojlari biłan tanishish, iste'molchi ushbu mahsulotning qanday bo'lishini istashi, unga qancha haq to'lashi, u kim uchun zarurligi haqida mulohaza yuritish imkonini beradi.[1]

Bozor sharoitida korxonani boshqarish marketjngni ishlab chiqarish siklining boshiga qo'yadi, chunki xo'jalik qarorlarini qabul qilish asosida Ishlab chiqarish imkoniyatlari emas, balki bozor talablari, haridor ehtiyojlari yotadi. Oxir natijada korxona ko'lami, korxonani boshqarishning tashkiliy tarkibini, rnenejrnent tamoyil va usullarini, xizmat ko'rsatish yo'nalishlarini bozor belgilaydi.

Qurilish industriyasi korxonalarda marketing xizmatini tashkil etishni takomillashtirish har qanday qurilish industriyasi korxonaning ish faoliyatini boshqarish, eng avvalo, ular tomonidan ishlab chiqarishi lozim bo'lgan qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalariga, qurilish tashkilotlarining ehtiyoji har tomonlama o'rganiladi.

Bu esa murakkab axborot to'plash, uni qayta tahlil qilish, ilmiy tadqiqotlar o'tkazish, qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalari assortimentini rejalashtirish, reklama ishlarini boshqarish kabi ishlar bilan shugullanuvchi maxsus marketing xizmatini tashkil etishni taqozo etadi.

Maqsad va vazifalar. Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalari ishlab chiqaruvchi qurilish industriyasi korxonalar ham reklama, bozorni o'rganish, bozor baholarini aniqlash, geografik va boshqa mezonlarga asoslanib, bozorni segmentlash bilan shugullanishi lozim. Boshqacha qilib aytganda, agar ilgari xaridorlarni o'rganish faqat sovda tashkilotlarining

vazifasi sanalgan bo‘lsa, bozor sharoitida esa tovar ishlab chiqaruvchilar xam xaridorlarni o‘rganishga harakat qiladilar.

Ishlab chiqarish ustuvorligiga muljallangan siyosat yurituvchi korxonaning boshqarish organlarini tashkiliy tarkibida injener-texnik xodimlar asosiy bo‘g‘in hisoblanadi. Marketingli yondashishda esa asosiy hal qiluvchi tarkib marketing xodimlari hisoblanadi.[2]

Tadqiq etish usullari. Chet ellardagi yirik firmalarning boshqaruv tarkibida boshqa bo‘limlarga nisbatan ko‘p xodimlarga ega bo‘lgan alohida marketing va sotishni boshqarish bo‘limlari haqida ma’lumotlar urganildi.

Xorijiy firmalarning tashkiliy tarkibida marketing xizmatining to‘rtta maxsus bo‘limi mavjud bo‘lib, ular quyidagilardir:

- ishchi-xodimlar ishini tashkil qilish, qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini sotish miqdori va tarkibini ta’minlash va rivojlantirish, saqlash va tashish, statistik hisobot va tahlil kabi vazifalarni bajaruvchi sotish bo‘limi;
- reklama qilish, jamoa bilan aloqa, sotishni rag‘batlantirish kabi vazifalarni bajaruvchi reklama va sotishni rag‘batlantirish bo‘limi;
- ma’lumotlar banki, axborot - kommunikatsiya xizmatlarini o‘z ichiga oluvchi bozor tadqiqoti bo‘limi.

Bu tarkib firma faoliyatining yunalishidan va o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda o‘z indvidual ko‘rinishiga ega bo‘ladi. Masalan, turli mamlakatlar va shaharlarda joylashgan transmilliy korporatsiyalar va yirik firmalar uchun - mintaqalar bo‘yicha marketing xizmati bo‘limlari bo‘lishi xususiyatlidir.[3]

Bozor iqtisodiyotiga o‘tishga qadar respublikamiz korxonalarida tijorat bo‘limlari tashkil qilingan. Unga korxona rahbarining tijorat ishlari bo‘yicha o‘rinbosari rahbarlik qilgan. Bunday bo‘limlar faqat uzoq muddatli shartnomalar tuzish bilan band bo‘lib, umuman marketing muammolari bilan shugullanmas edilar. Bozor sharoitida qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalari bo’lgan talabni o‘rganish, istiqbollash va tashkil qilish savdo tashkilotlarining vazifasi bo‘lmay qoladi.

Bizning fikrimizcha, bozor munosabatlari sharoitida qurilish industriyasi korxonalarda marketing xizmatlari bo‘limini tashkil etish maqsadga muvofiqdir.

Korxona barcha marketing, rejalashtirish ishlarini o’z ichiga oluvchi marketing xizmati tizimini tuzishi kerak. Kichik korxonalarda marketing xizmati bir kishi zimmasida bo’lishi mumkin. U marketing tadqiqotlari, reklama va sotishni tashkil qiladi, servis va mijozlar bilan ishlaydi. Agar korxona yirik bo’lsa, marketing funkstiyasiga marketing bo’limi rahbarlik qiladi. Bu bo’limda agentlar, marketing tadqiqotchilari, reklama bo’yicha mutaxassislar, tovar ishlab chiqarishni boshqaruvchilar yoki bozor bo’g`inlari (segmenti) boshqaruvchilari, mijozlarga servis xizmati xodimlari faoliyat ko’rsatadilar.[4]

Eksperimental natijalar va ularning muhokamasi Bozor munosabatlari sharoitida qurilish industriyasi korxonalarda marketing xizmatlari bo‘limining vazifalari quyidagilardan iborat bo‘ladi:

- korxonaning o‘z tovarini sotishini mo‘ljallagan bozor sharoitlarini va ko‘lamini keng qamrovli tahlil qilish;
- potensial iste’molchilarning ehtiyojlarini, talabini, sotib olish imkoniyatlarini o‘rganish;
- tovarni ishlab chiqarish va uni sotishni rejalashtirish;
- tovarni bozorga chiqarish va sotishni tashkil etish hamda sotishni rag‘batlantirish;
- narxni rejalashtirish va reklamani tashkil etish;
- koxonada marketing faoliyatini tashkil etish, boshqarish xamda nazorat qilish;
- korxonaning marketing strategiyasini ishlab chiqish va uni amalga oshirish.

Bundan tashqari marketing xizmati bo‘limi korxonaning ishlab chiqarish, resurs va eksport imkoniyatlarini aniqlaydi. Buning uchun quyidagi tahliliy vazifalarni amalga oshirishi lozim bo‘ladi:

- korxonaning moliyaviy-iqtisodiy axvolini tahlil qilish;
- tovar assortimentini taftish qilish;
- korxonaning ishlab chiqarish quvvatlarini baholash;
- korxonani tashqi bozorlarga chiqish strategiyasini aniqlash;
- korxonaning tashqi bozorlarga chiqishi bo‘yicha internet saytlarini yaratish.

Marketing xizmati bo‘limi tovar siyosatini amalga oshirishda quyidagilarni inobatga olishi tavsiya qilinadi:

- tovarlarning xayotiy siklini iloji boricha va kerakli muddatgacha uzaytirish chora-tadbirlarini hamda uning har bir bosqichiga xos harakat strategiyasini ishlab chiqishi va amalga oshirishi;
- innovatsiya siyosatini amalga oshirib, yangi tovar ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yishi;
- korxonaning yuqori foyda olishini ta’minlaydigan, bozorda mustaxkam o‘rinni egallashiga imkon beradigan tovarlar guruhini aniqlashga qaratilgan assortiment siyosatini yuritishi.

Xulosa. Marketing — inson ehtiyoji va talablarini ta'minlash va foyda olish bilan amalga oshadigan, tovarlar sotilishini ta'minlash, ayirboshlashni tezlashtirishga qaratilgan faoliyat.

Marketing ishi maxsus marketing dasturlari orqali amalga oshiriladi, ularda xaridorlarni va raqobatchilarni o'rganish asosida tovarlar sifatini yaxshilash, tovar narxini o'zlashtirish, reklama o'tkazish, tovarlarni o'z vaqtida yetkazib berish, xaridorlarga ma'qul tushadigan xizmat ko'rsatish kabi chora-tadbirlar kiradi.

Marketing faqat bozordagi talab-ehtiyojni qondirish vositasigina bo'lmay, balki ishlab chiqarish samaradorligining ham yuqori bo'lishiga qaratiladi. Shu sababli marketing bozor iqtisodiyotini boshqarib turishda katta ahamiyatga ega.[5]

Marketing xizmatlari bo‘limi korxonaning eksport strategiyasini ishlab chiqishi lozim. Buning uchun eksportning afzalligini, maqsadini, uni amalga oshirishning ustuvor yunalishlarini, usullarini hamda ularni amalga oshirish uchun resurslar va mablag‘lar bilan ta’minlash yo‘llarini ko‘rsatib berishi kerak. Xulosa qilib aytganda, qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalari ishlab chiqaruvchi qurilish industriyasi korxonalarning muvaffaqiyati ko‘p jixatdan korxonada marketing xizmatini samarali tashkil etishga va uni takomillashtirishga bog‘liqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1.G.L.Bagiev i dr. Marketing.-M.Piter, 2005.

2.N.D. Eriashvili, K.Xovard, YU.A. Sыpkin. Marketing M: YUNITI-DANA 2000.

3.M.N.Guseva, I.Z.Kogotkova. Marketing v stroitelstve.Moskva «Knijnыy mir» 2011.

4.P. Nosirov, Sh. Abdullaeva. Marketing — bozor iqtisodiyoti aso- si. T., «O‘zbekiston», 1994.

24.. A. Ulmasov, M. Sharifxo‘jaev. Iqtisodiyot nazariyasi. T., «Mexnat», 1995. '

TARAQQIYOT STRATEGIYASI: AQLLI SHAHAR, RAQAMLI IQTISODIYOT, SUN'IY INTELLEKT

ICHKI YO'LLARNI BETONLASHDA KIMYOVIY QO'SHIMCHALARNING PORTLANDSEMENT XOSSALARIGA TA'SIRINI O'RGANISH

PhD., v.b. dotsent B.A.Tursunov
talabalar E.Shukurullayeva, D.Shukurullayeva,
dotsent B.K.Sarsenbayev Jizzax politexnika instituti
Muxtor Avezov nomidagi Shimoliy Qozog'iston Unversiteti
(tel: +99 891-564-82-85)

Annotatsiya. Ushbu maqolada kimyoviy qo'shimcha giperplastifikatori (ACC POLIMIX X1 405 W) yordamida portlandsementning fizik-mexanik xossalarini tadqiq etish, portlandsementning qotish muddati va suvga talabchanligi ko'rib chiqilgan.

Аннотация. В данной статье рассмотрены исследование физико-механических свойств портландцемента с использованием химической добавки-гиперпластификатора (ACC POLIMIX X1 405 W), времени твердения и водопотребности портландцемента.

Abstract. In this article, the study of physical and mechanical properties of portland cement using a chemical additive hyperplasticizer (ACC POLIMIX X1 405 W), the hardening time and water demand of portland cement are considered.

Kalit so'zlar: beton, portlandsement, qurilish, giperplastifikator (ACC POLIMIX X1 405 W), suv/sement nisbati, harakatchanlik, suvga talabchanlik, qotish muddati.

Ключевые слова: бетон, портландцемент, конструкция, гиперпластификатор (ACC POLIMIX X1 405 W), водоцементное соотношение, подвижность, водопотребность, период твердения.

Key words: concrete, portland cement, construction, hyperplasticizer (ACC POLIMIX X1 405 W), water/cement ratio, mobility, water requirement, hardening period.

O'zbekiston Respublikasi Prezedentining "Qurilish materiallari sanoatini jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha, chora tadbirlar tug'risida"gi qarorida 2019-2025 yillarda birgina sementni ishlab chiqarishni 2-barobarga ko'paytirish ko'rsatilib o'tilgan. [1,8] Beton tarkibiga turli xil kimyoviy qo'shimchalar ishlatish yordamida sement sarfini tejash betonning mustahkamligini oshirish hamda beton va temir-betonning tannarxini kamaytirish hisobiga iqtisodiy samaradorlikka erishish ishimizning asosiy maqsadi hisoblanadi.

Respublikamizda raqobabatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarish va eksport qilish boyicha barqaror o'sish suratlarini ta'minlash, shuningdek, korxonalarni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilashga qaratilgan qurilish materiallari sanoatidagi tarkibiy o'zgartirishlarni yanada chuqurlashtirish yuzasidan tizimli ishlar amalga oshirilmoqda.

Tarmoqni jadal rivojlantirish va diversifikatsiya qilish uchun qulay shart-sharoitlar yaritish, mahalliy mineral xomashyo resurslarini qayta ishlashga investitsiyalarni jalb qilish va qurilish materiallarini eksport qilish hajmlarini oshirishda. Geologiya-qidiruv ishlarini olib borish, qazib olish va qayta ishlash asosida qurilish industriyasining xomashyo bazasi hajmlarini ohaktosh bo'yicha-13.1 mln tonnaga, gips toshi boyicha-1.8 mln tonnaga, loysimon komponentlar, g'isht xomashyosi, kvars qumi boyicha 1 mln tonnaga, ko'chgan tog' jinslari (bazalt) boyicha-0.1 mln tonnaga, tosh-shag'al materiallari boyicha-5.6 mln metr kubga yetkazish ko'zda tutulgan [1,5].

2021 yilda yangi quvvatlar bilan faoliyatini boshlagan Toshkent viloyatida joylashgan "Ohangaronsement" AJ da esa 2,015 mln tonna sement ishlab chiqarilgan. "Olmaliq tog'-kon metallurgiya kombinati" AJga qarashli Sherobod sement zavodi 1,4 mln. tonna, Jizzax sement zavodida esa 850 ming tonna mahsulot qurilish maydonlariga yetkazilgan. Yillik ishlab chiqarish quvvati 1,6 mln. tonna bo'lgan "Bekobodsement" AJ yil davomida 968,2 ming tonna mahsulot ishlab chiqarilgan. Jizzax viloyatida o'z faoliyatini boshlagan "Xuaksin sement Jizzax" MChJ

ham qolishmaydi. Korxonada hisobot davrida 1,666mln. tonna sement ishlab chiqargan. 2021 yil yanvar-dekabr oylarida 2,715 million tonna sement import qilingan bo'lsa, 333,6 ming tonna eksport amalga oshirilgan [1, 3, 9].

2021-2023 yillarda sement ishlab chiqarish bo‘yicha amalga oshiriladigan investitsion loyihalarning manzilli ro‘yxatiga ko‘ra, Farg‘ona viloyatida 3 ta, Surxondaryoda 3 ta va Namangan viloyatida esa 4 ta yangi sement zavodlari barpo etish rejalashtirilgan.

Bugungi kunda beton va temirbeton konstruksiyalarini ishlab chiqarish texnologiyasida asosiy tendetsiya beton ishlab chiqarishda kimyoviy qo‘shimchalar xamda maxalliy chiqindilar asosida energiyatejamkor va resurs tejamkor materiallar qo‘llanilishi asosida yuqori mustahkamlik va xossalariga bo‘lgan betonlar olish shu ustvor vazifalaridan biri hisoblanadi.

Maxalliy xom ashyo materiallaridan foydalanib (ACC POLIMIX X1 405 W) giperplastifikatori asosidagi yuqori markadagi beton tarkibini tanlash, va optimal variantini tavsiya etish maqolani asosiy ilmiy yangiligi hisoblanadi.

Materillar va tajriba–sinov natijalari. Sinov ishlarida bog‘lovchi sifatida "HUAXIN CEMENT JIZZAKH" zavodining ПЦ400 D20 portlansement ishlatildi [2]. Sementning siqilishga va egilishga bo‘lgan mustahkamligini aniqlash. Sementni siqilishga va egilishga bo‘lgan mustahkamligini aniqlash uchun 1:3 (500gramm va 1500 gramm) nisbatda sement va standart qum (вольский песок) olindi va 1 daqiqa davomida aralashtirildi unga suv/sement nisbati 0.4 miqdorda (200 gramm) suv qo‘shildi va 5 daqiqa davomida aralashtirilib tindirildi (Laboratoriya tarozisi VAKT -500 №74. Yaroqlilik sertifikati №422 3.08.2020 yil. Qorishmalarni zichlash uchun shpatel. Yaroqlilik sertifikati № 031002469 19.08.2020 yil.) [3,7]. Tayyor bo'lgan qorishma uchun 40x40x160 mm o'lchamga ega bo'lgan moylangan qoliplardan foydalanildi. Qorishma qoliplarga joylashtirilib titratuvchi stolga o'tkazildi. Qoliplar titratuvchi stolda 2 daqiqa davomida titratildi. Titratuv yakunlangandan so'ng namuna stoldan olinib namlangan pichoq bilan sirti tekislandi. So'ng namunalar 28 kundan keyin sinovdan o'tkazildi. [2, 4].

Laboratoriya sharoitida tayyorlangan sement namunalarining kimyoviy tarkibi

1-jadval


№	SiO_2	Al_2O_3	Fe_2O_3	CaO	SO_3	MgO	K_2O	TiO_2	Cr_2O_3	Mn_2O_3	P_2O_5	PPP
1	25.45	4.65	2.82	51.44	2.33	1.21	0.71	0.11	0.0091	0.0839	0.0421	5,06

Ilmiy tadqiqot ishida bog‘lovchi sifatida portlandsement "HUAXIN CEMENT JIZZAKH" zavodining ПЦ400 D20 bog‘lovchisidan. Fizik-mexanik xossalar sifatida sementning normal quyuqligi, tishlashish muddatlari va siqilishdagi mustahkamlik ko‘rsatkichlari ko‘rib chiqildi. (ACC POLIMIX X1 405 W) giperplastifikatori qo‘shimchasi portlandsement massasidan kelib chiqqan holda 0,5-2,0 miqdorida qo‘shib borilgan. Namunalar laboratoriya sharoitlarida qirralari 2 sm bo‘lgan kubik shaklida tayyorlangan. Sinov vaqtiga qadar namunalar normal namlikdagi sharoitlarda saqlangan. Tadqiqot natijalari quyidag 2-jadvalda keltirib o‘tilgan [10, 13].

Kimyoviy qo'shimchaning portlandsement xossalariga ta'sirini kuzatish

2-jadaval

№	Sement turi	Qo'shimcha nomi	Normal quyuqlik, %	Qo'shimcha miqdori, %	Tishlashish mudatlari, soat-daqiqa		Siqilishdagi mutahkamlik MPa
					Boshlanish Vaqti	Tugash vaqti	28 kun
1	ПЦ 400-Д20	(ACC POLIMIX X1 405 W) giperplastifikatori	27,0	0	1-40	2-05	37,5
2			24,0	0,5	2-13	2-24	41,6
3			23,0	1	2-05	2-33	42,9
4			21,5	1,5	1-00	3-30	55,8
5			20,0	2	1-06	4-12	55,0



1 - rasm. Kimyoviy qo'shimcha "ACC POLIMIX X1 405 W" giperplastifikatorini portlansement ta'sirini o'rganishning siqilishga bo'lgan mustahkamligi. 28 kunlik.

Xulosa qilib aytgda, tadqiqot natijalari **"**ACC POLIMIX X1 405 W" giperplastifikatorini qo'shimchasi qo'shilganda normal quyulikdagi sement xamirini olishdagi suv sarfini kamayishini ko'rsatdi. **"**ACC POLIMIX X1 405 W" giperplastifikatorini qo'shimchasidan 1.5% olingan holatda eng yuqori mutahkamlik ko'rsatkichi aniqlandi. Ushbu qo'shimchaning miqdori 1,5-2,0% bo'lganda sementning tishlashish muddatlarining boshlanishi qisqarishi kuzatilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ganiev A., Tursunov B. A., Kurbanov Z. K. Prospects for the use of multiple vermiculitis //Science and Education. – 2022. – T. 3. – №. 4. – C. 409-414.

2. Ganiev A., Tursunov B., Karshiev E. Study of physical and mechanical properties of high strong concrete with chemical additives //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – T. 2432. – №. 1. – C. 050046.

3. Yusuf I., Tursunov B. A. SANOAT CHIQINDISI VA MINERAL QO'SHIMCHALAR ASOSIDA OLINGAN SEMENTLARNING FIZIK-MEXANIK XOSSALARINI O'RGANISH //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 324-329.

4. Khursanovich T. F., Orologli N. I. The study of physical and mechanical properties of construction gypsum and its study on the construction //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – T. 10. – №. 5. – C. 1990-1995.

5. Tursunov B. A. The usage of composite armature in construction. – 2019.

6. Tursunov B. A. ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF COMPOSITE AND STEEL ARMATURE //Строительные материалы, конструкции и технологии XXI века. – 2019. – С. 87-88.

7. Ганиев А. и др. Особо легких бетонов полученных на основе сельского хозяйственных отходов //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 492-498.

8. Shakirov, S. L. T., Tursunov, B. D. S. B., & Odiljanov, A. Z. (2022). THE STUDY OF THE PHYSICAL AND MECHANICAL PROPERTIES AND THERMAL CONDUCTIVITY COEFFICIENT OF ULTRA-LIGHT CONCRETE OBTAINED ON THE BASIS OF LOCAL VERMICULITE. World Bulletin of Social Sciences, 14, 36-39.

9. Муртазин, Э. Р., Рустамов, С. С., & Турсунов, Б. А. (2016). Сейсмостойкость коттеджных поселков. *Ученый XXI века*, (3-1 (16)), 15-17.

10. Махмудова, Н. А., & Турсунов, Б. А. (2019). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОТХОДОВ ПРОМЫШЛЕННОСТИ ДЛЯ ПОЛУЧЕНИЯ ГИПСОВОГО ВЯЖУЩЕГО. In *ПРОБЛЕМЫ ГЕОЛОГИИ И ОСВОЕНИЯ НЕДР* (pp. 393-395).

11. Tursunov, B. A., Akramov, X. A., & Ismoilov, D. (2022). Producing of the optimal ingredients of multi-component cements and research of the physical-mechanical properties. *Open Access Repository*, *8*(7), 49-53.

12. Ganiev, A., Tursunov, B. A., & Kurbanov, Z. K. (2022). Prospects for the use of multiple vermiculitis. Science and Education, 3(4), 409-414.

13. Akramov, X. A., & Ganiyev, A. (2022). To Produce an Effective Composition of Vermiculite Plita and to Study the Coefficient of Thermal Conductivity. *The Peerian Journal*, *8*, 29-37.

QISQA XABARLAR

5G TEXNOLOGIYASI ASOSIDA YER USTI OBYEKTLARINI MASOFADAN BOSHQARISHNI TASHKIL ETISH IMKONIYATLARI

Dotsent Ya.T.Yusupov
(Toshkent davlat texnika universiteti),
Magistrant F.Sh. Abdullajonov
(Toshkent davlat texnika universiteti)
(tel: +998977471246)

Annotatsiya. Ushbu maqolada yer usti transportlari harakatini masofadan boshqarishni tashkil qilishda 5G texnologiyasining funksional imkoniyatlari va asosiy xususiyatlari ko‘rib chiqilgan. Portlovchi muhitda va transport tizimida turli ob’ektlarni masofadan boshqarish uchun 5G texnologiyasi uskunasidan foydalanish imkoniyatlari qayd etilgan.

Аннотация. В этой статье рассмотрена ключевые особенности функциональных возможностей технологии 5G для организации дистанционного управления наземными объектами. Отмечены возможности использования оборудования 5G технологий для дистанционного управления различными объектами во взрывоопасных средах и в транспортной системе.

Abstract. This article discusses the key features of the functionality of 5G technology for organizing remote control of ground-based objects. The possibilities of using 5G technology equipment for remote control of various objects in explosive environments and in the transport, system is noted.

Kalit so‘zlar: 5G texnologiyasi, MIMO texnologiyasi, masofadan boshqarish, 4G LTE.

Ключевые слова: технология 5G, технология MIMO, дистанционная управления, 4G LTE.

Keywords: 5G technology, MIMO technology, remote control, 4G LTE.

Bugungi kunda mobil aloqa tizimlari beshinchi avlodga yetib bordi va Xitoyda oltinchi avlod texnologiyasini ishlab chiqish to‘g‘risida ma’lumotlar paydo bo‘la boshladi. 5G texnologiyasi uyali tarmoqlarning beshinchi avlodi bo‘lib, uning maqsadi yuqori tezlikdagi internetga ulanish, past kechikish va yuqori o‘tkazish qobiliyatini ta’minlashdir. Ushbu texnologiya ma’lumotlarni uzatish tezligini, tarmoq ishonchliligi va o‘tkazuvchanligini oshirish uchun ilg‘or simsiz texnologiyalardan foydalanadi. 5G tarmog‘i qurilmalarga ulanishlarni ancha yuqori o‘tkazuvchanlik va past kechikish bilan ta’minlaydi (4G uchun 30 millisekund va 3G uchun 100 millisekund 5G uchun 1 millisekunddan kam). Texnologiya 20 Gbit/s gacha internet tezligini ta’minlay oladi, bu 4G LTE-dan deyarli 20 baravar tezroq. 5G texnologiyasi bir vaqtning o‘zida ko‘p sonli qurilmalarni qo‘llab-quvvatlashi mumkin, bu interneti jihozlari (IoT) uchun muhimdir. 5G yordamida tarmoq ishlashiga salbiy ta’sir ko‘rsatmasdan bir vaqtning o‘zida bir nechta qurilmalarni tarmoqqa ulash imkoniyati yaratiladi. 5G texnologiyasi tarmoqning ishonchliligini oshirish uchun nurni shakllantirish(beamforming) va tarmoqni kesish kabi ilg‘or texnologiyalardan foydalanadi. Nur hosil bo‘lishi tarmoqqa signalni qurilmaga yo‘naltirishga imkon beradi, bu esa shovqinni kamaytiradi va signal kuchini oshiradi.

5G texnologiyasi 4G texnologiyasiga nisbatan quyidagi afzalliklarga ega:

- Ma’lumotlarni nisbatan yuqoriroq tezlikda uzatish;
- Signal kechikishining pastligi;
- Ko‘proq qo‘shimcha qurilmalarni ulash imkoniyati;
- Yuqori energiya samaradorligi;
- Tarmoq o‘tkazuvchanliging yuqoriligi;
- Foydalanuvchilarning yuqori harakatchanligi.

QISQA XABARLAR

Kerakli tarmoq qamrovini ta’minlash uchun 5G texnologiyasi foydalanuvchilarga yaqinroq bo‘lgan past quvvatli tayanch stantsiyalar bo‘lgan kichik yacheykalardan foydalanadi. Kichik yacheykalar 500 metrgacha bo‘lgan diapazonga ega, bu ularga yuqori tezlikdagi internetga ulanish orqali kichik maydonni qamrab olishga imkon beradi. Ushbu yacheykalar shahar hududida tarmoq qamrovini ta’minlash uchun chiroq ustunlariga, binolarga va boshqa inshootlarga o‘rnatilishi mumkin [1].

Ushbu maqolada biz yer usti transportlari harakatini masofadan boshqarishni tashkil qilish uchun 5G texnologiyasining funksional imkoniyatlarini va asosiy xususiyatlarini ko‘rib chiqamiz. Texnologiyani ishlab chiqish va takomillashtirish bir qator xalqaro tashkilotlar tomonidan amalga oshirilmoqda, ular orasida:

3GP: 3G texnologiyasini standartlashtirish uchun tashkil etilgan konsortsium simsiz aloqa standartlarini birgalikda ishlab chiqish uchun xalqaro tartibga soluvchilar va korporativ tashkilotlarni birlashtirib, sanoatning yetakchi tashkilotlaridan biriga aylandi.

ITU-R: Birlashgan millatlar tashkilotining aloqa texnologiyalari bo‘limi. U radioaloqa texnologiyalarini standartlashtirish jarayonini nazorat qiladi, xalqaro radiochastota spektrini boshqaradi.

5G texnologiyasini ishlab chiqish bo‘yicha ishlar 2015 yilda ITU-R yangi avlod texnologiyasiga qo‘yiladigan asosiy talablarni o‘z ichiga olgan IMT-2020 standartini ishlab chiqqandan so‘ng boshlandi.

Transport tizimini boshqarishda 5G texnologiyasini qo‘llash orqali barcha yo‘l infratuzilmasini doimiy avtomatik monitoring qilish, jamoat va shaxsiy transportlarning barcha oqimlarini boshqarishda katta yutuqlarga erishish imkoniyati yaratiladi.

Umuman olganda, ish bir qator avtomatik tizimlarning o‘zaro ta’sirida sodir bo‘ladigan ma’lumotlarni to‘plash va qayta ishlashga asoslangan. Aqlli transport tizimi transportning barcha yo‘nalishlarini tahlil qilishni, transportni optimallashtirish uchun transport tarmog‘ining yuklanish darajasini baholashni ta’minlaydi. Tiqilinchliklar va nosozliklar video tahlil ma’lumotlarini to‘liq to‘plash faqat 5G asosida tez va samarali amalga oshirilishi mumkin.

Masalan, transport oqimini avtomatik tartibga solish tizimida, "aqlli svetofor" qatnov qismining ish yuki ko‘tarilganda/pasayganda, svetoforlarning transport vositalari va piyodalar bilan o‘zaro ta’siri 5G tarmoqlarining maxsus radio interfeysi orqali ta’minlanadi va chora ko‘riladi.

Avtonom haydash va/yoki faol xavfsizlik tizimlari bilan jihozlangan avtomobillar baxtsiz hodisalarning bir qismini bartaraf etish orqali baxtsiz hodisalar qurbonlarini kamaytirishga mo'ljallangan. Shu kabi tizimlar bilan uyg‘unlashish orqali 5G asosida yaratilgan tizim xavfsiz yo‘l harakatini ta’minlashga yordam beradi.

MIMO (multiple input – multiple output) texnologiyalarini qo‘llash quyidagi ikki muammoni hal qilishda qo‘llaniladi:

- fazoviy vaqt / chastota kodlash yoki nur hosil qilish orqali aloqa sifatini oshirish (beamforming),
- fazoviy multiplekslashdan foydalanganda uzatish tezligini oshirish.


MIMO tuzilishi

Turli xil MIMO dasturlarida bir nechta mustaqil xabarlarni bitta jismoniy kanalda bir vaqtning o‘zida uzatish nazarda tutilgan. MIMO harakatini amalga oshirish uchun ko‘p antennali tizimlar qo‘llaniladi: uzatuvchi tomonda N_t uzatuvchi antennalar va qabul qiluvchi tomonda N_p qabul qiluvchilar mavjud. Ushbu tuzilma 1-rasmda ko‘rsatilgan.

MIMO (ingl. Multiple Input Multiple Output) – t ta antennalar yordamida ma’lumotlarni uzatish va ularni p ta antennalar bilan qabul qilish orqali kanal o‘tkazish qobiliyatini oshirishga imkon beradigan signalni fazoviy kodlash usuli hisoblanadi. Uzatuvchi va qabul qiluvchi

QISQA XABARLAR


antennalar qo‘shni antennalar o‘rtasida zaif korrelyatsiyaga erishish uchun yetarlicha ajratilgan [2].



1-rasm. MIMO tuzilishi

Eng oddiy MIMO antennasi.

Eng oddiy MIMO antennasi vertikal o‘qga nisbatan ±45° burchak ostida yo‘naltirilgan ikkita simmetrik bo‘lmagan vibrator (monopol) tizimidir (2-rasm).



2-rasm. Eng oddiy MIMO antennasi

Bunday qutblanish burchagi kanallarning teng sharoitda bo‘lishiga imkon beradi, chunki radiatorlarning gorizontal-vertikal yo‘nalishi bilan polarizatsiya tarkibiy qismlaridan biri muqarrar ravishda yer yuzasi bo'ylab tarqalganda ko‘proq susayadi. Har bir antenna tomonidan mustaqil ravishda chiqariladigan signallar o‘zaro ortogonal ravishda o‘zaro polarizatsiya qilingan bo‘lib, o‘zaro polarizatsiya komponenti (kamida 20 dB) bo‘yicha juda yuqori o‘zaro almashinuvga ega. Xuddi shunday antenna qabul qiluvchi tomonda ham qo‘llaniladi. Ushbu yondashuv bir vaqtning o‘zida turli xil modulyatsiyalangan bir xil tashuvchilar bilan signallarni uzatishga imkon beradi. Polarizatsiyani ajratish printsipi bitta monopol holatiga nisbatan radioaloqa liniyasining o‘tkazuvchanligini ikki baravar oshirishni ta’minlaydi (qabul qiluvchi va uzatuvchi antennalarning bir xil yo‘nalishi bo‘yicha ideal ko‘rish sharoitida). Shunday qilib, asosan har qanday qo‘sh qutblangan tizimni MIMO tizimi deb hisoblash mumkin [2].

Signalning kechikishi va ishonchlilik parametri

Masofadan boshqariladigan mashinalarning ishlashi va tezligini hisobga olgan holda kechikish muhim rol o‘ynaydi. Zamonaviy 4G mobil tarmoqlarida ma’lumotlar uzatish kanal darajasidagi haqiqiy kechikishlar taxminan 50-300 ms ni tashkil qiladi [3]. Tezlik va ishonchlilik talablari ilovalarga qarab farq qiladi: real vaqtdagi ilovalar uchun kechikish 50 ms, interaktiv ilovalar uchun kechikish 100 ms, fayllarni oqimlash va yuklab olish uchun kechikish 300 ms. Bu foydalanuvchi darajasidagi yoki ma’lumotlar darajasidagi kechikishlar bo‘lib, ular 1 ms qisqa subframe tufayli 10-20 ms kabi past bo‘lishi mumkin [4].

Ishonchlilik kengroq ishonchlilik kontseptsiyasining bir qismidir [5-7]. Past ishonchlilik Tac tile interfeyslarida katta kechikish kabi oqibatlarga olib kelishi mumkin [8]. Ishonchlilik –

bu tizim qachon mavjudligini ifodalovchi ko‘rsatkich [9]. Ishonchlilik turli xil ta’riflarga ega bo‘lishi mumkin, ammo [9] ishonchlilik - bu yuborilgan paketlar soni yoki umuman olganda, maqsadli xizmat tomonidan talab qilinadigan muddat ichida qabul qiluvchiga muvaffaqiyatli yetkazib berilgan protokol ma’lumotlari bloklari yuborilgan paketlarning umumiy soniga bo‘lingandagi qiymatidir.

Boshqariladigan operator va mobil qurilma o‘rtasidagi aloqa uchun bir nechta aloqa variantlaridan biri ishlatilishi mumkin:

a) umumiy ruxsat etilgan Internet orqali;

b) 4G LTE yordamida 5G simsiz sinov tarmog‘i orqali;

c)5G proof-of-concept (PoC) radiostansiyalari orqali;

d)4G LTE multi-access Edge computing (MEC) tarmog‘i orqali.


Masofadan boshqariladigan uskunalar operatorlar xavfsizligini ta’minlash va operatsion xarajatlarni sezilarli darajada kamaytirish uchun ishlatilishi mumkin. Kelajakda va ba’zi hollarda bugungi kunda ham mashinalar parklari markaziy operatsion tizimlarlar orqali boshqariladi. Robototexnikada bu "tele-robototexnika" atamasi bilan ifodalanadi, bu so‘zma-so‘z masofadan turib robototexnika degan ma’noni anglatadi. Odatda, bu inson operatori siklda mavjud bo‘lgan boshqariladigan robototexnika deb tushuniladi. Har qanday yuqori darajadagi, rejalashtirish yoki kognitiv qarorlar inson operatori tomonidan qabul qilinadi, robot esa ularni amalga oshirish uchun javobgardir [10].

Ko‘pgina telerobotik tizimlar hech bo‘lmaganda to‘g‘ridan-to‘g‘ri boshqaruvning bir qatlamini o‘z ichiga oladi va foydalanuvchi interfeysida joystik yoki shunga o‘xshash qurilma yordamida foydalanuvchi harakat buyruqlarini qabul qiladi. Mahalliy va masofaviy robotlar yetakchi va yordamchi deb nomlanadi. To‘g‘ridan-to‘g‘ri boshqaruvni ta’minlash uchun yordamchi robot yordamida joylashtirilgan yetakchi robotning harakatlarini kuzatib borish uchun dasturlashtirilgan bo‘ladi. Ba’zi yetakchi-yordamchi tizimlari kuch-quvvat haqida fikr-mulohazalarni taqdim etadi, shunda yetakchi robot nafaqat harakatlarni o‘lchaydi, balki foydalanuvchiga kuchlarni namoyish etadi. Foydalanuvchi interfeysi to‘liq ikki tomonlama bo‘ladi va bunday telerobotik tizimlar ko‘pincha ikki tomonlama deb ataladi. Tizim arxitekturasiga qarab harakat ham, harakat ham foydalanuvchi tomonidan kiritilishi yoki chiqarilishi mumkin. Ushbu o‘rnatishning ikki tomonlama tabiati boshqaruv arxitekturasini ayniqsa qiyinlashtiradi: ko‘plab teskari aloqa davrlari mavjud va hatto atrof-muhit bilan aloqa qilmasdan yoki foydalanuvchi aralashuvisiz ham ikkita robot ichki yopiq tizimni tashkil qiladi. Ikki tizim o‘rtasidagi aloqa ko'pincha tizimda va ushbu siklda kechikishlarga olib keladi, shuning uchun tizimning barqarorligi qiyin muammo bo‘lishi mumkin [10].

Masofaviy va mahalliy tizimlar telerobotikada o‘z xususiyatlarini namoyish etadi. Mahalliy tugun inson operatorini va tizimning foydalanuvchi bilan aloqasini ta’minlash uchun zarur bo‘lgan barcha elementlarni, masalan, joystiklar, monitorlar, klaviaturalar va boshqa kirish/chiqish qurilmalarini o‘z ichiga oladi. Masofadan boshqarish pulti platforma robot, yordamchi sensorlar va boshqaruv elementlarini hamda manipulyatsiya qilinishi kerak bo‘lgan muhitni o‘z ichiga oladi. Taktil texnologiyalar harakatni ham, kuchni ham o‘z ichiga olgan ikki tomonlama foydalanuvchi interfeyslarini ko‘rib chiqadi, garchi ular uzoq muhit emas, balki virtual muhit bilan tez-tez aloqa qilsalar ham [10].

Ikkita asosiy boshqaruv arxitekturasi yetakchi va yordamchilarni birlashtiradi.
Ular pozitsion boshqaruv va pozitsion–kuch boshqaruvida ishlaydi. Pozitsion boshqaruv arxitekturasida ham yetakchi, ham yordamchi ham buyruqlar bir-birining holati va tezligini kuzatish. Ikkala tugun ham amalga oshiradi kuzatuv boshqaruvchisi, ko‘pincha proportsional lotin boshqaruvchisi, shuningdek, har bir qurilmaning uchlari orasidagi kamon va damper sifatida talqin qilinishi mumkin. Agar pozitsiya va tezlikning o‘sishi bir xil bo'lsa, unda ikkita kuch bir xil bo‘ladi va tizim kuch bilan fikr-mulohazalarni samarali ravishda ta’minlaydi. Bu

juda barqaror bo‘lsa-da, bu foydalanuvchi qul robot ichida ishqalanish va harakatsizlikni his qilishini anglatadi, bu shubhasiz istalmagan. Pozitsion quvvatni boshqarish arxitekturalarida odatda mavjud kuch/moment sensori qul gardishida joylashgan va u yerdan kuch haqida ma’lumot keladi. Bu foydalanuvchiga faqat yordamchi va atrof-muhit o‘rtasida harakat qiladigan tashqi kuchlarni his qilish imkonini beradi va atrof-muhitga aniqroq teginish hissini beradi. Biroq, bu arxitektura unchalik barqaror emas: boshqaruv davri atrof-muhit kuchlari ta’sirida yetakchi harakatdan bo‘ysunuvchi harakatga va yana yetakchi kuchlarga o‘tadi. Qattiq aloqa orqali barqarorlik buzilishi mumkin va bu holatlarda ko‘plab tizimlar kontaktning beqarorligini ko‘rsatadi [10].



3-rasm. Sikldagi apparat boshqaruvchisi yordamida ochiq konturli virtual mashinani masofadan boshqarish uchun tizim arxitekturasi.

Xulosa qilib aytganda, 5G mobil aloqa tarmoqlari turli xil ob’ektlar, transport tizimlarini va robototexnika qurilmalarini masofadan boshqarish texnologiyalaridan foydalanishga qodir. Ular oldingi avlod tarmoqlariga nisbatan katta afzalliklarga ega, jumladan, yuqori tezlik, past kechikish va yuqori ishonchlilik. 5G texnologiyasiga asoslangan masofadan boshqarish tizimini ishlab chiqish orqali biz transport tizimini va qurilmalarini boshqarishimiz va ular orqali ma’lumotlarni olishni tezlashtirishimiz mumkin. 5G texnologiyasi avtonom transport vositalariga real vaqtda bir-biri bilan va infratuzilma bilan aloqa qilish imkonini beradi. Natijada, muqobil ravishda biz aloqa tizimining qabul qilish va uzatish moslamalarining halaqitbardoshligini oshirishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. https://medium.com/ichhori/what-is-5g-technology-and-how-does-it-work-afc7a9048265

2. http://1234g.ru/4g/lte/fizicheskij-uroven-standarta-lte/mnogoantennye-tekhnologii-mimo-v-lte

3. https://rb.ru/longread/what-is-5G/

4. Holma H, Toskala A. LTE for UMTS: Evolution to the LTE-Advanced. 2nd ed. Chichester, West Sussex, UK: John Wiley & Sons; 2011. https://doi.org/10.1002/9781119992943.

5. Avizienis A, Laprie JC, Randell B, Landwehr C. Basic concepts and taxonomy of dependable and secure computing. IEEE Trans Depend Secure Comput. 2004;1(1):11–33.

6. Al-Kuwait M, et al. A comparative analysis of network dependability, fault-tolerance, reliability, security, and survivability, IEEE Commun. Surveys & Tutorials; 2009. pp. 106–24.

7. Trivedi KS, Bobbio A. Reliability and Availability Engineering: Modeling, Analysis, and Applications. Cambridge, UK: Cambridge University Press; 2017. https://doi.org/10.1017/9781316163047.

8. Zhuanghua Shi, Heng Zou, Rank M, Lihan Chen, Hirche S, Muller HJ. Effects of packet loss and latency on temporal discrimination of visual-haptic events. IEEE Trans Haptics. 2010 Jan-Mar;3(1):28– 36.

9. NGMN Alliance. NGMN 5G White Paper, 2015. https://www. ngmn.org/5g-white-paper.html

10. Niemeyer G, Preusche C, Stramigioli S, Lee D. Telerobotics. In: Siciliano B, Khatib O, editors. Springer Handbook of Robotics. Berlin: Springer; 2016. pp. 1085–108.

ZAMONAVIY YO'L INSHOOTLARINI BARPO ETISHDA GIPSKARTON VA GIPS MAHSULOTINING TURLARI VA QO'LLANILISH TAHLILI

Assistent. E.N.Tilavov
(Jizzax politexnika instituti).
t.f.d. dots. N.M.Xasanov.
(Tojikiston texnika universiteti).
Talaba. R.Y.Mustafoyeva
(Jizzax politexnika instituti).
(tel: 944737302)

Annotatsiya. Ushbuu maqolada biz gipskarton haqida so'z yuritamiz.Gipskarton ekalogik tozaligi ,ishlov berish osonligi bilan ajralib turadi.Gipsni arralash,teshish,qoqish va boshqa mehanik ishlov berish mumkin.

Biz gips materialini tarkibiga karton qog'oz qo'shish natijasida krton qog'oz buyumini hosil qilamiz.Gipskarton mustahkamligi ham yuqori hisoblanadi.Gipskarton listlarini ishlatish qurilish obektlarida bezak ishlarini tezlashtiradi va bunday ishlarni barcha mavsumlarda olib borish imkonini yaratadi.

Listlar olovbardosh bo'lgani uchun yonadigan buyum va konstruksiyalarni himoyalashda ishlatiladi.

Аннотация. В сегодняшней статье мы поговорим о гипсокартоне.Гипсокартон отличается экологичностью ,простотой обработки.Штукатурка может быть распилена,проколота,проколота и подвергнута другой механической обработке.

Формируем изделие из кртонской бумаги в результате добавления в состав гипсового материала картона.Прочность гипсокартона также считается высокой.Использование гипсокартонных листов ускоряет отделочные работы на строительных объектах и дает возможность проводить такие работы в любое время года.

Поскольку листы легковоспламеняющиеся, они используются для защиты легковоспламеняющихся предметов и конструкций.

Abstract. In today's article we will talk about plasterboard.Plasterboard is characterized by ecalogical purity ,ease of processing.Plaster can be sawn,pierced, scratched and other mechanical processing.

We form a krton paper item by adding cardboard paper to the composition of the plaster material.Plasterboard strength is also considered high.The use of plasterboard logs speeds up decorative work on building objects and makes it possible to carry out such work in all seasons.

Because the lists are fireproof, they are used to protect flammable objects and structures.

Kalit so'zlar: gipskarton, tola, mustahkamlik, issiqlik, tovush izolyatsiyasi, gulqog'ozlar, polivinilxlorid gipskarton listlar turlari,ranglari.

ключевые слова: гипсокартон, волокно, прочность, тепло, звукоизоляция,

виды, расцветка листов гипсокартона из поливинилхлорида.

key words: plasterboard, fiber, strength, heat, sound insulation, inflorescences, polyvinyl chloride drywall types, colors.

Kirish. Gips bog’lovchisi ishlab chiqarish xomashyo zahirasining ko’pligi va energiyani boshqa turdagi bog’lovchi nisbatan ham talab qilishi,buyumlar tayyorlash siklining qisqaligi gips asosida yirik o’lchamli yig’ma elemenlar olishga imkon beradi. Gips bog’lovchisining oq rangda bo’lishi tarkibiga pigmentlar kiritib, istalgan rangdagi buyumlarni olishga imkon beradi.

Asosiy qism: Gips bog’lovchisi asosidagi quruq suvoq ikki tomoni kartondan iborat o’rtasiga yupqa gips quyilgan list bo’lib, yaxlit holda yuqori mustahkamlikka ega bo’ladi.Gipskarton listda egilishda yuqori mustahkamlikni ikki tomondagi karton ta’minlaydi.O’rta qismiga quyiladigan gips qorishmasi qo’shmata’sir va mineral yoki organik moddalar qo’shilgan bo’ladi [1].

Gips tarkibiga tolasimon organik qo’shimchalar kiritilishi egilishdagi mustahkamligini yanda oshirishi mumkin.

Gipskarton listlar ishlab chiqarish texnologiyasi murakkabligi va karton tannarxi yuqori bo’lgani sababli gipsli listlarni organik tolasimon qo’shimchalar qo’shib tayyorlash maqsadlidir.Organik tolasimon materiallar sifatida maydalangan yog’och qog’oz makulaturasi kanop va boshqa o’simlik tolalari massa bo’yicha 10%gacha qo’shiladi. Bu xildagi listlarni tayyorlash texnologiyasi nisbatan soddaroq va tannarxi arzon bo’ladi [1].

Gipskarton va kartonsiz listlar yog’och bardosh asosga mixlanadi va boshqa asoslarga gips-yechim,ko’pikgips va turli sintetik mastikalar yordamida mahkamlanadi.Listlarning qirra tomonlarida nuqsonlar bo’lmasligi kerak.Ularning yechimlanib shpakilyofkalanishi yoki yog’och ,plastmassa burchakli reyhalar bilan biriktiriladi [3].

Keyingi yillarda bin ova inshaotlarni qayta qurish hamda tamirlashda gipskarton listlarni ishlatish kengaymoqda zarurat bo’lganda mavsum talab etadigan ho’l suvoq qorishmalari o’rniga GKL larni ishlatish ta’mirlash texnologiyasi va tezligini butkul o’zgartirdi.Germaniyaning “Knauf” firmasi GKL qurilish tizmida keng tarqalgan [5]. Har xil qurilish materiallarini ishlab chiqarish Rossiyada biznes boshlash uchun foydali joydir. Ammo barcha qurilish materiallariga talab bir xil emas.Bugungi kunda qurilish uchun eng ko'p talab qilinadigan mahsulotlardan biri gipsokarton bo'lib, u o'zining xususiyatlariga ko'ra ko'pincha zamonaviy uy bezaklarida qo'llaniladi [4]. Shuning uchun biz gipsokarton ishlab chiqarish qanday amalga oshirilayotganini va mamlakatda bunday korxonani ochish maqsadga muvofiqmi yoki yo'qligini muhokama qilamiz.

Ushbu fazilatlarning barchasi tufayli gipsokarton turli xil qurilish maydonlarida va pardozlashda ishlatilishi mumkin. Gips plitalarini faqat yuk ko'taruvchi inshootlarni qurishda ishlatmang [3].

Ko'pincha gipsokarton quyidagi maqsadlarda ishlatiladi:

- Ustunlar, kamarlar, bo'linmalar qurilishi, lekin faqat yuk ko'tarmaydiganlar.
- Devorlarni tekislash.
- Shiftlarni, shu jumladan to'xtatilganlarni o'rnatish.
- Raflar, javonlar, shkaflar va boshqa mebellarni ishlab chiqarish.
- Teatr va turli spektakllar uchun dekoratsiya dizayni.

1. Mexanik xossalar
   - Moslashuvchanlik kuchi (egiluvchan sinish yuki sifatida ifodalanadi)
   - Shift elementlarining barqarorligi
   - Kesish kuchi (kommutator / infratuzilmaning mustahkamligi)
   - Ta'sir qarshiligi
2. Yong'in harakati
   - Olovga reaktsiya

- Yong'inga qarshilik

3. Suv bug'ining o'tkazuvchanligi (suv bug'iga qarshilik koeffitsienti sifatida ifodalanadi)
4. Akustik xususiyatlar
   - To'g'ridan -to'g'ri havo o'tkazmaydigan ovoz yalıtımı
   - akustik yutilish
   - Ovoz izolatsiyasining ta'siri
5. Issiqlik qarshiligi (issiqlik o'tkazuvchanligi sifatida ifodalanadi)
6. Xavfli modda
7. O'lchovlar va bardoshlik
8. Issiqlik emissiyasi
9. Rentgen nurlaridan himoya

Turli sohalardagi korxonalar uchun o'tkaziladigan ko'plab sinovlar, o'lchovlar, tahlillar va baholash tadqiqotlari orasida bizning tashkilotimiz EN 14190 standarti doirasida qayta ishlangan gipsokartonlarni sinovdan o'tkazish bo'yicha xizmatlarni ham o'z tajribali xodimlari va ilg'or texnologik uskunalari bilan ta'minlaydi [1].

Xulosa

Gipskarton ishlatishning afzalliklari shundaki,uni ishlatish qulay va ekalogik toza, tamirlash tadbirlarida mavsum tanlamaydi va oson mantaj qilinadi.
Gipskarton listlarining eng asosiysi olovbardoshliligidir, gipskarton zichlikka issiqlik va tovush izolyatsiyasi xususiyatiga ega,oson kesiladi,oson arralanadi,mix qoqiladi.Giskartonning afzalliklaro va qulayliklari juda ko’p shuning uchun ko’plab qurilish binolarida ishlatilib kelinmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Qosimov E.U, Akbarov M. “Pardozbop qurilish materiallari” Toshkent. 2005y.
2. Samig`ov N.A., Xasanova M.K., Zokirov J.S., Komilov X.X. “Qurilish materiallari fanidan misol va masalalar to`plami”. O`qituvchi.
3. Samig`ov N.A., Israilov D.X., Siddiqov I.I. “Bino, inshootlar va ularning yong`inga bardoshliligi”. Toshkent. Darslik.
4. Qosimov E.U., Nizomov T.A. “Arxitektura ashyoshunosligi” Darslik. Toshkent. “CHo‘lpon”. 2014y.
5. Samig’ov N.A. “Bino va inshootlarni ta’mirlash materialshunosligi”. Toshkent. Darslik. Faylasuflar milliy jamiyati.

ПЕРОКСИНИТ ЧИҚИНДИСИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ГАЗОБЕТОН НАМУНАЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР

Доцент в.б.,(PhD), К. Абдусаматов,
(Жиззах политехника институти,
+99897329-29-06)
доцент, т.ф.н., Т.Болотов
(И.Раззаков номидаги Қирғиз давлат техника университети, Bolotov-2@mail.ru)
талаба З.Абралов,
(Жиззах политехника институти)

QISQA XABARLAR

Аннотация. Мақолада газобетон буюмлари ишлаб чиқаришнинг тарихий босқичлари, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида “Қўйтош” вольфрам конидан вольфрам рудасини қайта ишлаш натижасида пероксинит саноат чиқиндиси ҳосил бўлиб тўпланганлиги ёритилган. пероксинит чиқиндиси ва кўпчитилган вермикулит асосида тайёрланган газобетон намуналарининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ва термик қаршилигини аниқлаш тадқиқотлари олиб борилганлиги баён қилинган. Шунингдек, пероксинит чиқиндиси ва кўпчитилган вермикулит асосида тайёрланган газобетон намуналарининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ва термик қаршилигини аниқлаш тадқиқотлари олиб борилганлиги баён қилинган.

Аннотация. В статье рассматриваются исторические этапы производства газобетонных изделий, накопление пероксинитовых промышленных отходов, которые в результате переработки вольфрамовой руды с вольфрамового рудника Куйташ в Галляральском районе Джизакской области. Также было заявлено, что были проведены исследования по определению коэффициента теплопроводности и термостойкости образцов газобетона, приготовленных на основе отходов пероксинита и многозадачного вермикулита.

Abstract. The article examines the historical stages of the production of aerated concrete products, the accumulation of peroxynite industrial waste as a result of processing tungsten ore from the Kuytash tungsten mine in the Gallyaral district of the Jizzakh region. It was also stated that studies were conducted to determine the coefficient of thermal conductivity and thermal stability of aerated concrete samples prepared on the basis of waste peroxinite and multitasking vermiculite.

Калит сўзлар: пероксинит, қум, газобетон, йириклик модули, майдалик даражаси, оксид, чиқинди, коэффициент, иссиқлик ўтказувчанлик, термик қаршилик.

Ключевые слова: пироксенит, песок, газобетон, модуль крупности, оксид, отходы, коэффициент, теплопроводность, термическое сопротивление.

Keywords: pyroxenite, sand, aerated concrete, size modulus, oxide, waste, coefficient, thermal conductivity, thermal resistance.

Портландцемент кашф этилганидан кейинги йилларда қурилиш сохасида ячейкали бетон тайёрлашнинг янги даври бошланди. Ушбу бетоннинг хоссалари яхшилаш йўлида илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб борилган. Чех тадқиқотчиси Е.Гоффман бетонда ғоваклик ҳосил қилиш мақсадида цементли ва гипсли қоришмаларга кислота, хлорли ва углеродли тузлар қўшади. Натижада бетонда газ хосил бўлиши билан ғоваклик ҳосил бўлган. 19-аср охирида Е.Гоффман тажрибалари натижалари кенг жамоатчиликка маълум бўлди. Европалик кимёгарлар кўпикли моддалар билан тажриба ўтказишга ҳаракат қилишди ва одатда натрий, ишқорлар ва цинк чанглари, водород перикс ва натрий гипохлоритдан фойдаланишди [2].

Патентларда қоришмада газ ҳосил бўлиши ва кўпчиши учун калций гипохлорит билан водород пероксидидан фойдаланиш тавсия қилинган. Қоришманинг кўпчишида реакция пайтидаги кислороднинг ажралиб чиқиши билан боғлиқдир. Шунингдек, қоришмада сув иштирокида калций карбиднинг парчаланиш реакцияси натижасида асетилен газининг ажралиб чиқиши билан газобетон ҳосил бўлиши мумкин.

Е.Гоффманнинг фикрини америкалик Аулсворт ва Дайер ривожлантиришган. 1914 йилда улар газ ҳосил қилувчи сифатида алюминий ва рух кукунларини қўллашди. Бу кукуннинг сўнган оҳак билан химиявий реакцияси жараёнида водород ажралиб чиққан ва ячейкали структурали бетон ҳосил қилган.

1919 йилда немис муҳандиси Грош биринчи марта газобетон ишлаб чиқаришда газ ҳосил қилиш учун металл кукунидан фойдаланишни таклиф қилди. Металл кукуни сифатида цинк, магний, алюминий ишлатилиши мумкин. Алюминий ва калций оксиди

гидрат ўртасидаги реакция пайтида жуда кўп водород ва иссиқлик ажралиб чиқади. Алюминий кукунидан газобетон ишлаб чиқаришда фойдаланиш жуда кенг тарқалди. Ушбу ихтирони замонавий газобетон технологиясининг бошланиши деб ҳисоблашимиз ўринлидир [5].

Газобетон ҳосил қилинишида швед архитектори ва олими Юхан Аксель Эриксон катта хисса қўшган. У кремнезёмли компонентлар ва цемент хисобига охакли қоришмасини алюминий кукуни билан кўпчитишга ҳаракат қилган ва ижобий натижага эришган.

Республикамизнинг қурилиш сохасида бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳатлар жараёнларида энергосамарадор қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу каби экология ва атроф мухитнинг ифлосланишининг олдини олиш мақсадларида доимий тарзда тўпланиб бораётган саноат ва маиший чиқиндилардан иккиламчи хом-ашё сифатида фойдаланишнинг самарали ечимини топишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Саноат чиқиндиларини қайта ишлаш масаласи бугунги кунда кўплаб давлатларда глобал муаммо сифатида қаралмоқда [1].

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида кўп йиллар давомида “Қўйтош” вольфрам конидан вольфрам рудасини қайта ишлаш натижасида 1 816 480 тонна пероксинит саноат чиқиндиси ҳосил бўлиб тўпланган.

Жиззах политехника институтининг “Қурилиш материаллари ва конструкциялари” кафедраси лабораториясида пероксинит чиқиндиси асосида газобетон намуналарини тайёрлаш ва намуналарнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш тажрибалари замонавий жиҳозларда амалга оширилмоқда [6].

Газобетон тайёрлашда тўлдирувчи сифатида фойдаланилаётган пероксинитли чиқинди қум кўринишида бўлиб, ўлчами (фракцияси) 0,043-1,0 мм; лаборатория элакларида аниқланган қумнинг йириклик модули 1,96, ГОСТ 31424-2010 талаблари бўйича жуда майда қум турига киришлиги аниқланди.

Пероксинит чиқиндисининг таркибий хусусиятлари:

1. Зичлиги : 4,5 т/м^3
2. Намлиги : 10-15%
3. Портлаш қобилияти : портлаш хусусияти йўқ
4. Ёнғин хавфи : ёнғин хавфи йўқ
5. Юқумли касалликлар тарқатувчанлиги : йўқ
6. Радиация хавфлилиги: радиактив эмас.

Пироксенитли чиқиндининг ўртача кимёвий таркиби қуйидаги жадвалда келтирилган.

“Қўйтош” конининг пироксенитли чиқиндисининг кимёвий таркиби


жадвал 1

CaO	Fe_2O_3	Al_2O_3	MgO	SiO_2	K_2O	Na_2O
18,23	13,69	7,20	0,95	31,0	0,48	0,50
SO_3	TiO_2	Cp_2O_3	P_2O_5	Mn_2O_3	Тобланишдаги йўқотишлар (П.П.П.)	
1,34	0,39	0,04	0,04	0,95	26,5	

Газобетон намуналарини тайёрлашда тўлдирувчи сифатида пероксинит қуми, ПЦ 450 маркадаги Хуаксин цементи ва газ ҳосил қилувчи компонентлардан фойдаланилди.

QISQA XABARLAR

Танлаб олинган таркиб асосида газобетон қоришмасининг нормал қуюқлилиги суттарда лаборатория жихозида текширилиб, қоришманинг ёйилгандаги ўлчами 38-40 см ораликда эканлиги ва бу меъёрий талабларга мос эканлиги аниқланди. Кейинги босқичда газобетон намуналарининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ва термик қаршилигини аниқлаш учун қоришма тайёрланиб, 300x300x100 мм ўлчамда газобетон намуналари тайёрланди. Газобетон намуналари икки хил таркибда тайёрланди: биринчиси тўлдирувчи сифатида 100 % пероксинит чиқиндисидан фойдаланилган бўлса, иккинчисида пероксинит қуми массаси ҳисобига 5 % кўпчитилган вермикулит қўшилди. Қолипга қуйилган газобетон блокларини қотганидан сўнг, хар бир таркиб учун 300x300x40 мм ўлчамдаги икки донадан намуна тайёрланиб, газобетон намунасининг иссиқлик ўтказувчанлиги ва термик қаршилигини кафедра лабораториясида мавжуд бўлган XND-2-3030C ускунасида аниқланди. Синов жараёнида 100 фоиз пероксинит қумидан тайёрланган намуналарнинг намлиги 18 %ни, пероксинит қумига 5% вермикулит қуми қўшилган намуналарнинг намлиги эса 24,3%ни ташкил этиши аниқланиб олинди.



2 расм. а) Газобетон қоришмасининг қуюқлилигини Суттарда асбобида аниқлаш; б) XND-2-3030C ускунаси; в) тўлиқ пероксинит асосида тайёрланган намунанинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ва термик қаршилиги диаграммаси; г) пероксинит қуми ва 5 фоиз кўпчитилган вермикулит қумидан тайёрланган намунанинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ва термик қаршилиги диаграммаси.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, XND-2-3030C ускунасида 100 фоиз пероксинит қуми қўшилган газобетон намунасининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,139 Вт/м К, термик қаршилиги 0,21м^2 К/Вт, пероксинит қумига 5 фоиз кўпчитилган

вермикулит қўшилган намунанинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,164 Вт/м К, термик қаршилиги 0,243 м^2 К/Вт кўрсатгични қайд этганлиги аниқланди. Назарда тутиш керакки, ушбу намуналарнинг намлик даражаси синов ўтказиш жараёнида 18,0 % ва 24,3 % бўлган. Маълумки намликнинг юқори бўлиши материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик хоссасига салбий таъсир кўрсатади. Стандарт талабларида Д600 маркадаги қуруқ холдаги газобетон намунасининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,14 Вт/м К; намуна 4% нам холатда эса 0,16 Вт/м К коэффициент кўрсаткичи белгиланган. Агарда намуналарни синашда намлик миқдорини эътиборга олиб таҳлил этсак, газобетон намуналарининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ва термик қаршилиги стандарт талабларига тўлик мос келади.

Адабиётлар

1. Дворкин Л.И. Строительные материалы из отходов промышленности: учебно-справочное пособие / Л.И. Дворкин, О.Л. Дворкин. — Ростов н/Д: Феникс, 2007. — 368 с. — (Строительство).

2. Баходиров А.А., Бозоров И., Абдусаматов К.Б., Саноат чиқиндиси асосида тайёрланган фиброгазобетоннинг механик хоссасини ўрганиш, Меъморчилик ва қурилиш муаммолари, 2020 йил №2 (1-қисм), 104-106б.

3. ГОСТ 25485 —2019 Бетоны ячеистые.

4. Абдусаматов К.Б., Азимов Б.С., Исследование свойств теплопроводности стеновых материалов, https://doi.org/10.5281/zenodo.5759379

5. Bahodirov A.A., Abdusamatov K.B., Prospects for the use of asbestos cement waste as microfiber in the manufacture of aerated concrete, https://doi.org/10.17605/OSF.IO/T58PZ

6. Абдусаматов К.Б. и др. Исследовательская работа по определению теплопроводности и термическое сопротивление образцов газобетона //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 244-248.

ЧИҚИНДИЛАРДАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА АЙРИМ ДУНЁ ТАЖРИБАЛАРИ

доцент в.б.,(PhD), К. Абдусаматов,
(Жиззах политехника институти,
(тел: 97329-29-06)
Д.Лапасов,
(Жиззах политехника институти талабаси).

Аннотация. Аннотация: мақолада дунё мамлакатларида саноат корхоналари ва аҳоли томонидан чиқиндиларни ҳосил қилиш ҳақида маълумотлар, бу чиқиндиларни қайта ишлаш ёки утилизация қилиш глобал муаммога айланаётганлиги баён қилинган. Шунингдек, турли мамлакатларда чиқиндилардан ғишт, бўш шиша идишдан девор қуриш, қоғоз ва картон чиқиндисидан тахта ясаш, бетон ва темир-бетон чиқиндисини майдалаш орқали тўлдирувчи материаллар ишлаб чиқариш каби чиқиндиларни қайта ишлаш йўлида амалга оширилган ишлар ҳам ёритилган.

Аннотация. в статье описаны данные об образовании отходов промышленными предприятиями и населением в странах мира, что переработка или утилизация отходов становится глобальной проблемой. В различных странах также освещались работы по переработке отходов, такие как кирпич, возведение стен из пустой стеклянной бутилки, изготовление досок из отходов бумаги и картона, изготовление наполнителей путем дробления отходов бетона и железобетона.

QISQA XABARLAR

Abstract. The article describes data on waste generation by industrial enterprises and the population in the countries of the world that recycling or disposal of waste is becoming a global problem. Waste recycling works such as bricks, the construction of walls from empty glass bottles, the manufacture of boards from waste paper and cardboard, the manufacture of fillers by crushing waste concrete and reinforced concrete were also highlighted in various countries.

Калит сўзлар: саноат чиқиндиси, утилизация, қайта ишлаш, қурилиш материаллари, кул, бетон.

Ключевые слова: промышленные отходы, утилизация, переработка, строительные материалы, зола, бетон.

Keywords: industrial waste, recycling, recycling, building materials, ash, concrete.

Саноат корхоналарининг атроф-муҳитга зарари, саноат чиқиндиларининг тўпланиши экологияга салбий таъсири хақида оммавий ахборот воситаларида танқидий фикрлар кўпайиб бормоқда. Дунё бўйича ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқаётган саноат чиқиндилари хажми ортиб бормоқда. Ҳар йили инсоният 1,3 миллиард тоннага яқин турли хил чиқиндиларни ишлаб чиқаради, улар афсуски, сайёрамизнинг экотизимига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Маълумки, саноат корхоналарида хом ашёдан тайёр махсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнда рухсат этилган миқдорларда саноат чиқиндилари пайдо бўлади. Бу чиқиндиларни утилизация қилиш ёки қайта ишлаш муаммосининг самарали ечимини топиш долзарб масалалардан бири сифатида қолмоқда.

Дунёда қаттиқ саноат чиқиндилари ва қаттиқ маиший чиқиндиларнинг йиллик ҳажми 2,1 миллиард тоннадан ошади, яъни сайёрамизда яшовчи ҳар бир инсон зиммасига 1,2–2,6 тонна қаттиқ саноат чиқиндиси ва 0,35–0,75 тонна қаттиқ маиший чиқинди тўғри келади [3]. Сифатли табиий хом ашё заҳираларининг камайиб бориши билан тўпланиб қолган техноген чиқиндиларни қайта ишлаш муаммоси долзарб ҳисоблана бошлайди [4].

Бир қатор давлатларда атроф-мухит мухофазаси учун саноат чиқиндиларини утилизация қилиш ёки қайта ишлаш йўли билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш чоралари кўрилмоқда. Бу тадбирларни амалга ошириш аксарият давлатларда стартап ёки илмий лойиха сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, иситиш тармоқларининг қозонхоналарида тўпланган кул чиқинди сифатида ташлаб юборилган, Массачусец университетида қозонхонадан чиқадиган кул (70%) хом ашё сифатида ишлатилади, унга лой ва оҳак қўшилиб қурилиш ғишти ишлаб чиқариш технологияси яратилган. Ушбу технологиянинг яратилиши иқтисодий самарадор деб топилиб, ҳозирда Ҳиндистоннинг Музаффарнагар шаҳридаги қурилиш ишларида амалга оширилмоқда.

Жаен университетида “қоғоз ғишт” ишлаб чиқариш технологияси яратилган бўлиб, хом-ашёни учун қоғоз ишлаб чиқариш ва лой чиқиндиларидан фойдаланилиб, чиқинди аралашмасидан ҳосил бўлган массадан ғишт тайёрланади. Технологияни ишлаб чиққан тадқиқотчиларининг ҳисоботларига кўра, ушбу материалдан кам қаватли энергия тежайдиган уйларни қуришда фойдаланиш мумкин. Бироқ, бу ғиштлар анъанавийларга қараганда мустаҳкамлиги пастдир.


Британияда архитектура йўналишида таълим олаётган талаба Жек Монро кушхоналарда суйилаётган хайвон қонидан қурилиш материали тайёрлашга киришади. У бу масалани ўрганиб чиқиб, лиофилизирланган қонни (қуритилган, кукун кўринишида) қум билан аралаштириш учун ишлатишни таклиф қилди, натижада хамирга ўхшаш модда пайдо бўлди ва ундан ғиштлар чиқади.

QISQA XABARLAR



1-расм. Жек Монротомонидан ишлаб чиқарилган ғишт.

Дунёдаги биринчи ишлатиб бўлинган нарсалардан қурилиш материали сифатида ишлатиш технологиясида Heineken пиво идишлари ишлатилган. 1960 йилда, Альфред Генри Хейнекен, пиво ишлаб чиқариш заводи эгаси Кариб ороллари ташриф буюради, у маҳаллий халқнинг ночор аҳволини кўради. Махаллий халқнинг уй-жой қуришга хам қийналаётганини, лекин бир вақтнинг ўзида орол кўчалари ва пляжлар бўш пиво шиша идишлари тўлиб ётганлигини кўради. Айнан ўша пайтда Хейнекен пивадан бўшаган идишларга керакли шакл бериб уй қуришда ғишт ўрнида фойдаланиш мумкинлиги фикри келган. Шундан сўнг, пиво идишларига тўртбурчак, уни ғишт қилиб теришга қулай шакл бериб чиқарила бошлаган.



2-расм. Heineken бўш пиво идишларидан қурилган девор.

Чиқиндилардан нафақат ғиштлар, хатто ёғоч материалларини ўрнин босувчи буюмларни хам ишлаб чиқариш технологиялари кашф этилган. Жумладан, Норвегия давлатини мисол келтиришимиз мумкин.

Норвегияда ҳар йили 1 миллион тоннадан ортиқ қоғоз ва картон қайта ишланади. Норвегияликлар ишлатилган қоғозлардан, яъни газета, журнал, картон қутилари МДФга ўхшаш материал ишлаб чиқаришни ўзлаштирганлар. Ёғоч толали тахтадан фарқ қиладиган, зарарли формалдегидлар ва бошқа моддалардан холи бу янги махсулот эстетик дизайнга эга, мустахкам, сув ўтказмайдиган ва оловга чидамлидир. Бугунги кунда “газета тахта” деб номланаётган бу махсулот оддий ёғоч тахталарга жуда ўхшаш кўринади, шу билан бирга уларни МДФ ёки ёғоч буюмлар ишлатилган жойда бемалол ишлатилиши мумкин.

QISQA XABARLAR



3-расм. Норвегияда қоғоз ва картонни қайта ишлаб тайёрланган “газета тахта”.

Иншоотларни бузиш, қайта қуриш ишларида бетон ва темир бетон буюмларини қайта ишлаш имкониятлари мавжуддир. Яроқсиз бетон буюмлари майдаловчи ускуналарда майдаланиб, турли фракцияларга сараланиб буюм учун тўлдирувчилар олиниши мумкин. Тўлдирувчилардан қайтадан бетон ва темир бетон буюмлари ишлаб чиқаришда, шу каби йўл қурилишида хам ишлатиш имконияти мавжуд. Жумладан, қурилиш материаллари ва саноат чиқиндиларидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводи Россиянинг узоқ шарқида жойлашган Владивосток шахрида қурилган. Бу завод чиқиндилардан биноларни қуриш учун блоклар ишлаб чиқаради. Ушбу материалларни қайта ишлаш, айниқса, тош қазиб олиш учун карьерлар кам бўлган мамлакатлар учун жуда муҳимдир.

Қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқаришда Саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, иккиламчи ресурьс сифатида фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бугунги кунда тўпланиб бораётган чиқиндилар катта ер майдонларини эгаллаган, атроф-мухит ва экологияга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу соҳада ихтисослаштирилган корхоналар фаолияти кенгайтирилиб борилса, атроф-мухит ва экологияни асраш билан бирга, арзон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш имкониятлари ошади.

Адабиётлар руйхати :

1. 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон Қарори 2019—2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси.

2. Баходиров А.А., Бозоров И., Абдусаматов К.Б., Саноат чиқиндиси асосида тайёрланган фиброгазобетоннинг механик хоссаларини ўрганиш, СамДАҚИ, Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илмий-техник журнал, 2020 йил №2, 104б.

3. Большаков В. Н., Качак В. В., Коберниченко В. Г. и др. Экология : учеб. М.: Логос, 2010. 504 с.

4. Иванова Е.В., Тогидний М.Л., Использование промышленных отходов в производстве строительных материалов, https://infourok.ru/statya-ispolzovanie-promishlennih-othodov-v-proizvodstve.

5. https://ecokroshka.ru/zhizn/othody-proizvodstva

QISQA XABARLAR

АНАЛИЗ РАБОЧИХ ПАРАМЕТРОВ ЭЛЕКТРОМОБИЛИ В УСЛОВИЯХ НИЗКИХ ТЕМПЕРАТУР

Доцент, Э.М. Мухаметдинов
(НЧИ (филиал) ФГАОУ ВО КФУ)
Д.т.ф.н. (PhD), С.К. Имомназаров (НамИСИ)
Преподаватель, А.А. Махмудов (НамИСИ)

Аннотация. В статье рассматривается проблема эксплуатации электромобилей в условиях низких температур. Сравнение характеристик электромобилей разных производителей. Выявлены эксплуатационные проблемы.

Abstract. The article deals with the problem of operating electric vehicles at low temperatures. Comparison of the characteristics of electric vehicles from different manufacturers. Operational problems have been identified.

Ключевые слова: электрический автомобиль, электродвигатель, аккумулятор, емкость аккумулятора.

Keywords: electric car, electric motor, battery, battery capacity.

В настоящее время интерес к электромобилям в мире продолжает расти, особенно в Европе и Америке. Таким образом, производство электромобилей в мире увеличилось с 240 тыс. электромобилей в 2013 году до 400 тыс. в 2014 году. А согласно прогнозу, продажи электромобилей вырастут до 7,2 млн электромобилей к 2024 году. Согласно прогнозу Международного энергетического агентства, рынок электромобилей будет активно расти, что наглядно показано на рисунке 1.




Рис.1.Прогноз мировых продаж электромобилей.

QISQA XABARLAR



Рис. 2. Схема электромобиля Nissan Leaf
Под капотом установлен электромотор мощностью 80 кВт (около 108 л.с.), крутящий момент которого достигает 280 Нм. Привод электромобиля

Спереди. Нижнее расположение самого тяжелого элемента автомобиля

Аккумулятор обеспечивает лучшую устойчивость по сравнению со своими одноклассниками. Кроме того, аккумулятор также обеспечивает более высокую жесткость конструкции пятидверных хэтчбеков аналогичной конструкции. Емкости аккумулятора в 24 кВт*ч и возможностей рекуперативного торможения хватает (по словам представителей Nissan) на запас хода в 160 км. Срока службы аккумулятора, по предварительным оценкам, должно хватить как минимум на 5 лет.

На диаграмме показан модельный ряд электромобилей, лидирует Tesla Model S. Из перечисленных узлов автомобиля наиболее важными эксплуатационными компонентами являются электродвигатель и аккумулятор.

Мы отслеживаем типы аккумуляторов, используемых в электромобилях. Используя полученные параметры, было проведено теоретическое сравнение типов аккумуляторов.

Были определены следующие типы аккумуляторов, используемых в электромобилях:

Свинцово-кислотный аккумулятор: КПД – 80-90%, рабочая температура может варьироваться от -40 до +40 градусов Цельсия, напряжение разряженного аккумулятора – 1,8 Вольта, ЭДС заряженного аккумулятора – 2,18 Вольта, напряжение – 2 Вольта, энергоемкость – 30-60 Втч\кг. Жизненный цикл составляет 1000-1500 разрядов/заряд батареи.

Литий-ионный аккумулятор: напряжение заряженного элемента –Вольт, напряжение разряда - 2,75 Вольта, температура - от -20 до +60 градусов Цельсия, время зарядки - 2-4 часа. Срок службы – более 1000 разрядов/заряд аккумулятора.

Натрий-никель-хлоридный аккумулятор: рабочая температура - - 40 - + 300 градусов Цельсия, энергоемкость - 730 Втч/кг, ЭДС - 2,6 Вольта. Жизненный цикл - более 1000 разрядов/заряд батареи.

Никель-кадмиевый аккумулятор: Рабочая температура от -50 до

+40 градусов Цельсия, рабочее напряжение – 1,3 Вольта, ЭДС – 1,37 Вольта, мощность – 150-500 Вт/кг, энергоемкость – 65 Втч/кг. Жизненный цикл – более 1000 разрядов/зарядок аккумулятора.

Принимая во внимание технические характеристики, мы проанализировали работу аккумуляторов.

В настоящее время многие водители, желающие пересесть на электромобиль, задаются вопросом, как они ведут себя на морозе. В качестве примера был взят электромобиль Nissan Leaf.

Производители заявляют, что запас хода составит 135 км при полной зарядке. Но фактический пробег зависит от нескольких факторов:

Температура среды

Использование плиты

Парковочное место (на улице или в теплом гараже)

Фактический пробег составляет 40-120 км при полностью заряженном аккумуляторе. Причина в том, что печка потребляет в 3-5 раз больше мощности, чем кондиционер, что также включает в себя высокое потребление света фар и высокое сопротивление качению зимой.

При температуре -15C большинство водителей проезжают 70-80 км с полным зарядом аккумулятора, а при температуре от -25C до -30C показатели “бортовой энергии” падают, то есть пробег составит 40-50 км. Соответственно, у использования электромобиля зимой есть свои преимущества:

Прогрев салона занимает 1-2 минуты

Электродвигатели работают лучше, когда холодно

Есть подогрев сидений и рулевого колеса

Управляемость значительно повышается благодаря рекуперации энергии.

Перегрев электродвигателя всего на 10 градусов сокращает срок службы изоляционных материалов вдвое. Следующие 10 градусов сокращают этот показатель еще наполовину. В результате при перегреве электродвигателя на 40 градусов срок службы изоляции сокращается в 32 раза, что делает срок службы оборудования настолько минимальным, что его использование становится нерентабельным. Из этого следует, что эксплуатация электромобиля в условиях Крайнего Севера возможна при правильной эксплуатации, то есть:

- Аккумулятор следует поддерживать в тепле
- Избегайте длительных периодов простоя без запуска

автомобиля на холоде (более 30 минут)

Прогрев автомобиля после длительного периода простоя на морозе предпочтительнее производить при подключении к сети, а не от аккумулятора

Вывод: Проблемой при эксплуатации электромобилей является аккумулятор; в будущем для решения этой проблемы будут протестированы электромобили и представлены способы сохранения тепла аккумулятора без потери емкости, дальности хода и мощности.

При большом интересе к электромобилям возникает проблема зарядки автомобиля на электрических заправочных станциях

ЛИТЕРАТУРА

1. Свиридов С.А., Хатина И.В., Юго–Западный государственный университет, Курск, Россия - “Электромобили: преимущества и недостатки”;

2. Мухамедов, Дж., А. Косимов, М. Мансуров, Д. Шотмонов и Н. Аскаров. "Разработка конструкций и структурный анализ рычажно-ременной передачи". Разработка 7, № 10 (2020).

3. Д.С. Шотмонов, Ж.А. Маннонов, А.Г. Бобоматов, А.А. Махмудов.Формирование профессиональных качеств педагога профессионального образования.165-167(2016).

4. Полвонов, А.С., Нормирзаев, А.Р., Хабибуллаев, А.Х., Тухлиев, Г.А., Шодмонов, Д.С. и Валиева, Г.Ф., 2014. Изучение физико-механических свойств полиуретанового клея. Австрийский журнал технических и естественных наук, (11/12), стр.93-96.

5. Солиев Рустамжон Хакимджонович, Имомназаров Сарвар Квилянович, Шотмонов Даврон Самарбекович. Разработка эффективных составов керамических масс для закупки санитарно-технических сооружений на основе местного сырья с высокими физико-механическими свойствами. 2022/5/28

